



ODILLIK MEZONI

ILMIY-AMALIY, HUQUQIY JURNAL



Май – Хотира ва қадрлаш куну!



“ODILLIK MEZONI”

илмий-амалий, ҳуқуқий журнал

Муассис: Ўзбекистон Республикаси Судьялар
олий кенгаши ҳузуридаги
Судьялар олий мактаби

Ҳамкорлар

Ўзбекистон Республикаси
Судьялар олий кенгаши,
Ўзбекистон Судьялари ассоциацияси

ТАҲРИР КЕНГАШИ

Холмўмин ЁДГОРОВ
Убайдулла МИНГБОЕВ
Ҳожии-Мурод ИСОҚОВ
Дилшод ИСРОИЛОВ
Дилшод АРИПОВ
Комил СИНДАРОВ
Худойкул АЗИЗОВ
Илҳом НАСРИЕВ
Малика ҚАЛАНДАРОВА
Собир ХОЛБАЕВ

Бош муҳаррир

Арслон ЭШМУРДОВ

Навбатчи муҳаррир

Ҳамроқул ҚАРИШИЕВ

Саҳифаловчи дизайнер

Шокиржон АЛИБЕКОВ

Журнал Ўзбекистон Республикаси Вазирлар
Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация
комиссияси Раёсатининг 2019 йил 31 январ-
даги 261/8 сон қарори билан юридик фанлар
бўйича диссертациялар асосий илмий нати-
жаларини чоп этиш тавсия этилган илмий
нашрлар рўйхатига киритилган.

Манзил: 100097, Тошкент шаҳри,
Чилонзор тумани, Чўпон ота кўчаси, 6-уй
Электрон манзил:
odillikmezoni2019@umail.uz

Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва
ахборот агентлигидан 2019 йил 27 августда
0972-рақам билан қайта рўйхатдан ўтган.

Обуна индекси: 1317

Ҳар ойда бир марта чоп этилади.

Журналда эълон қилинган материаллардан
фойдаланилганда манба қайд этилиши керак.

Босишга 28.04.2025 да рухсат берилди.

Бичими 60x84 13/8, 8 босма табак.

Буюртма № 2. Адади 2500.

Баҳоси келишилган нархда.

“ATLAS PRINT MEDIA” МЧЖ

босмахонасида чоп этилди.

Босмахона манзили:

Тошкент шаҳри, Шайхонтохур тумани,
Дархан, Ипак берк кўчаси, 35-уй

МУНДАРИЖА

КУН МАВЗУСИ

4

ТАРИХ САБОҚЛАРИ – ХОТИРА АЗИЗ, ҚАДР МУҚАДДАС!

5

УЧ МАШҲУР ЎЗБЕК АЁЛИНИ ХОТИРЛАБ

ТАЛҚИН

6

КОРПОРАТИВ ҲУҚУҚ СУБЪЕКТЛАРИНИ ҚАЙТА
ТАШКИЛ ЭТИШ УСУЛЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

8

ЯНГИ БОСҚИЧ

ЯНГИЛАНГАН КОНСТИТУЦИЯ –
ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ ҲИМОЯЧИСИ

ҚИЁСИЙ ТАҲЛИЛ

10

ЖИНОЯТ ИШЛАРИНИ ЮРИТИШДА
ОАВ ИШТИРОКИГА ОИД ХАЛҚАРО ТАЖРИБА

12

МУЛОҲАЗА

ЖИНОИЙ СУД ИШЛАРИНИ ЮРИТИШ СОҲАСИДАГИ ХАЛҚАРО
ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ ЙЎНАЛИШИ

РАҚАМЛИ ДУНЁ

13

КИБЕРТАҲДИДЛАРНИНГ ОҚИБАТЛАРИ:
МОЛИЯВИЙ ЙЎҚОТИШЛАР ВА МАЪЛУМОТЛАРНИНГ БУЗИЛИШИ

14

СУДЬЯ МИНБАРИ

СУДГАЧА САНАЦИЯ ҚИЛИШ — КОРХОНАЛАРНИ
СОҒЛОМЛАШТИРИШ ЧОРАСИ СИФАТИДА

16

“МЕХРОБДАН ЧАЁН”НИ ТАКРОР ЎҚИШДАН ЗЕРИКМАЙМАН

17

“СУД ТИЗИМИ” ТУШУНЧАСИНИНГ МАЗМУН-МОҲИЯТИ ХУСУСИДА

18

СУД МУҲОКАМАЛАРИДА МАСОФАДАН ТУРИБ
ИШТИРОК ЭТИШ ИМКОНияТЛАРИ

19

ТАДҚИҚОТ

ҲУҚАРОЛАРНИНГ ОДИЛ СУДЛОВГА БЎЛГАН ҲУҚУҚЛАРИНИ
ТАЪМИНЛАШ

20

ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТАШКИЛОТЛАРИНИНГ ТАДБИРКОРЛИК
ҲАМКОРЛИГИ ВА УНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎЛЛАРИ

22

ҲУҚУҚНИ МУҲОҲАЗА ҚИЛУВЧИ ОРГАНЛАР ҲАМКОРЛИГИДА СУНЪИЙ
ИНТЕЛЛЕКТДАН ФОЙДАЛАНИШНИ ҲУҚУҚИЙ ТАРТИБГА СОЛИШ

24

ЖИНОЯТ ИШЛАРИ БЎЙИЧА ДАСТЛАБКИ ТЕРГОВНИ
ТЎХТАТИШ ВА ҚАЙТА ТИКЛАШДА ПРОКУРОР НАЗОРАТИ

26

АДВОКАТ МАҚОМИНИНГ ФУҚАРОЛИК ИШЛАРИДАГИ
ҲУҚУҚИЙ ЖИХАТЛАРИ

28

МДҲГА АЪЗО БАЪЗИ ДАВЛАТЛАРДА БОЛАЛАРГА
НИСБАТАН ЗЎРАВОНЛИК УЧУН ЖИНОИЙ ЖАВОБГАРЛИК

30

ДАСТЛАБКИ ЭШИТУВ ЎТКАЗИШНИНГ ПРОЦЕССУАЛ
АСОСЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

32

КАССАЦИЯ ИНСТАНЦИЯСИ ИНСТИТУТИНИНГ
КЕЛИБ ЧИҚИШ ТАРИХИ ВА РИВОЖЛАНИШИ

34

СУД ОЧЕРКИ

ХИЁНАТ ВА ЖИНОЯТ

ТИНГЛОВЧИ МИНБАРИ

35

СУД ҲИМОЯСИ ФУҚАРОЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА
МАНФААТЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШДА МУҲИМ МЕХАНИЗМ

36

ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИНИ ҚўЛЛАБ-
ҚўВВАТЛАШДА МУЛКИЙ СУҒУРТАНИНГ АҲАМИЯТИ

37

БЕЗОРИЛИК ЖИНОЯТИ УЧУН ЖАВОБГАРЛИК ИНСТИТУТИ-
НИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ АЙРИМ МАСАЛАЛАРИ

38

ҚУРИЛИШ СОҲАСИДАГИ ДАВЛАТ ХИЗМАТЛАРИГА ОИД
НИЗОЛАРНИНГ МАЪМУРИЙ СУДГА ТААЛЛУҚЛИГИ

39

ФУҚАРОЛИК ҲУҚУҚИДА ШАРТНОМАВИЙ
МУНОСАБАТЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ

40

КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ ДАВР ТАЛАБИ

41

КАДАСТР ОРГАНЛАРИ УСТИДАН МАЪМУРИЙ
СУДГА ШИКОЯТ ҚИЛИШНИНГ ЎЗИГА ХОСЛИКЛАРИ

42

ҲАР КИМНИНГ ШИКОЯТ ҚИЛИШ ҲУҚУҚИ КАФОЛАТЛАНГАН

43

ДАВЛАТ ИЖРОЧИСИННИНГ ҚАРОРЛАРИ
УСТИДАН ШИКОЯТ ҚИЛИШ МУДДАТЛАРИ

44

ЭЛЕКТРОН ОНЛАЙН-АУКЦИОН САВДОЛАРИНИ ТАШКИЛ
ЭТИШ ВА ЎТКАЗИШ ЖАРАЁНИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

45

БОЛА ҲУҚУҚЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ БЎЙИЧА
ХОРИЖИЙ ДАВЛАТЛАР ТАЖРИБАСИ

46

ИҚТИСОДИЁТНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА
ШАРТНОМАЛАРНИНГ ЎРНИ ВА АҲАМИЯТИ

47

ЮРИДИК ШАХС ТУЗМАГАН ҲОЛДА ТАДБИРКОРЛИК БИЛАН
ШУҒУЛЛАНУВЧИ СУБЪЕКТЛАРНИНГ ЎЗИГА ХОС ЖИХАТЛАРИ

48

СОЛИҚ МУНОСАБАТЛАРИДА ТОВАР ВА ХИЗМАТЛАРНИНГ
БОЗОР ҚИЙМАТИНИ АНИҚЛАШ

49

ЖИНОЯТ ИШЛАРИНИ ЮРИТИШДАГИ ПРОЦЕССУАЛ
ЧИҚИМЛАРНИ ҚОПЛАШ МЕХАНИЗМИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

50

МАЪМУРИЙ СУДЛАР АЖРИМЛАРИ УСТИДАН ШИКОЯТ
ҚИЛИШ ТАРТИБИ

51

ФУҚАРОЛИК ҲОЛАТИ ДАЛОЛАТНОМАЛАРИНИ ҚАЙД ЭТИШНИНГ
ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

52

ПРОЦЕСС

ВОПРОСЫ ЗАЩИТЫ ПРАВ ЛИЦ С ИНВАЛИДНОСТЬЮ
ПРИОРИТЕТНОЕ НАПРАВЛЕНИЕ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ ОМБУДСМАНА

ВАЖНАЯ ТЕМА

55

ФАКТОРЫ СПОСОБСТВУЮЩИЕ ВОЗНИКНОВЕНИЮ
НЕЗАКОННОЙ ТРАНСПЛАНТАЦИИ ОРГАНОВ И ТКАНЕЙ
ЧЕЛОВЕКА КАК АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ МЕЖДУНАРОДНОГО
ПРАВА ПРАВ ЧЕЛОВЕКА

58

ТЕМА ДНЯ

ПРАВОВОЕ РЕГУЛИРОВАНИЕ ОХРАНЫ ТОВАРНЫХ
ЗНАКОВ В МЕЖДУНАРОДНОЙ ТОРГОВЛЕ:
ЗНАЧЕНИЕ СОГЛАШЕНИЯ ТРИПС

RESEARCH

59

SOME ASPECTS OF EVALUATING EFFECTIVE METHODS WHEN
CARRYING OUT LEGAL MONITORING

62

ANALYSIS

SOME ISSUES OF QUALIFYING AS INTERFERENCE IN
THE INVESTIGATION OF AN ACT OR THE RESOLUTION OF
COURT CASES

Ўзбек халқи азал-азалдан тинчликсевар халқдир. Айнан шу гоё тарғибиға бағишланган буюк миллий маънавий меросимиз борки, тинчликнинг қадри тарғиб этилиб, уруш эса батамом қораланади.

ТАРИХ САБОҚЛАРИ – ХОТИРА АЗИЗ, ҚАДР

9 майни мамлакат миқёсида “Хотира ва қадрлаш куни” сифатида нишонлаб келаётганимиз замирида ҳам айнан ана шу эзгу мақсад мужассам. Зеро, бизда хотира муқаддас, қадр эса азиздир.

Юртимиз бўйлаб 9 май – Хотира ва қадрлаш куни, шунингдек, Иккинчи жаҳон урушида эришилган буюк ғалабанинг 80 йиллиги муносабати билан тадбирлар ўтказилди.

Шу кун арафасида, кам таъминланган ва ижтимоий ҳимояга муҳтож оила вакиллари аниқланиб, уларга совға-саломлар улашилди. Ўзининг меҳнати, шижоати билан она Ватанимиз равнақи ва ривожига ҳисса қўшганлар ҳамда ён-атроф, маҳалларимиздаги кекса авлод вакилларида хол-аҳвол сўралди.

Таъкидлаш жоизки, Иккинчи жаҳон уруши даврида кўп миллатли Ўзбекистон халқи ҳам ҳақиқий жасорат ва фидойилик кўрсатиб, фашизм устидан қозонилган ғалабага улкан ҳисса қўшган. Ҳужжатларнинг далолат беришича, фашизмга қарши қонли жангларда ўша пайтда 6 миллион 800 минг нафарни ташкил этган аҳолимизнинг қарийб 2 миллион нафари иштирок этган. Шундан 540 мингга яқини ҳалок бўлган, 158 минг нафари бедарак йўқолган, 50 мингдан ортиғи концлагерларда мислсиз қийноқ ва азоблар туфайли ҳалок бўлган, 60 мингдан зиёди ногирон бўлиб қайтган.

Шу билан бирга, уруш даврида республика-миз фронт учун зарур бўлган озиқ-овқат, кийим-кечак, қурол-аслаҳа ва бошқа воситаларни етказиб берадиган муҳим таъминот марказларидан бирига айланди. Айниқса, юртдошларимиз жанглар давом этаётган ҳудудлардан Ўзбекистонга кўчирилган 1,5 миллиондан ортиқ кексалар, аёллар ва ёш гўдақларни бағрига олиб, оғир дамларда уларга бекиёс ғамхўрлик кўрсатган.

Ҳамон орамизда қанчадан-қанча уруш қатнашчилари, фронт ортида меҳнат машаққатларини чекканлар бор. Ўтганларни хотирлаш, сафимизда юрганларнинг эса қадрига етиш керак.

Инсон қадрини улуғлаш, уларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатларини таъминлаш мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг устувор йўналиши ҳисобланади. Бунинг ҳуқуқий асоси “инсон-жамиyat-давлат” тамойилига қурилган Янги Ўзбекистон Конституциясида яққол акс этган.

МУҚАДДАС!



Давлатимиз раҳбарининг 2020 йил 7 декабрдаги “Судьяларнинг чинакам мустақиллигини таъминлаш ҳамда суд тизимида коррупциянинг олдини олиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонида ҳам мазкур тамойил ўз аксини топганини кўриш мумкин. Ушбу ҳужжатда судьяларнинг чинакам мустақиллигини таъминлаш, суд тизимида коррупциянинг олдини олиш самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбир белгиланиши билан бирга одил судловни амалга оширишда узоқ йиллар самарали меҳнат қилиб, нафақага чиққан судьялар алоҳида эътиборга олингани билан ҳам аҳамиятлидир. Фармон асосида жорий этилган “Суд фахрийси” кўкрак нишони билан намунавий фаолияти туфайли қозонган фахрийлар тақдирланиб келинмоқда.

Хотира — бу фақат ўтмишни эслаш эмас, балки келажак учун жавобгарлик ҳисси ҳамдир. Ёшлар бу куннинг мазмун-моҳиятини англаб, уруш ва зўравонлик эмас, тинчлик ва тараққиёт тарафдори бўлиб камол топишлари керак. Маънавиятли, билимли, ватанпарвар авлод — хотира ва қадрлаш гоёсини ҳаётда давом эттирадиган кучдир.

Хулоса сифатида айтидиган бўлсак, инсон қадрини улуғлаш, ўтганларни ёд этиб, ёнимиздагиларни эъзозлаш мавсумий санага айлангани йўқ, аксинча, кундалик ҳаёт ва фаолиятимизнинг ажралмас қисми ҳисобланади. “Хотира ва қадрлаш куни”да эса ўтаётган кунларимиз акси шу санада яққолроқ кўринади, холос.

Йўлдош НОРБЕКОВ,
Тошкент туманлараро
иқтисодий суди судьяси.

УЧ МАШХУР ЎЗБЕК АЁЛИНИ ХОТИРЛАБ

Инсон, миллат ва халқ тарихий хотира туйғуси билан барҳаётдир. Хотира кечаги ўтмишни, аждодлар ўғитини, миллий меросимизни англатиб турувчи муқаддас китоб зарварақларидек ҳаётимизни ёритиб туради. Қадр инсонни юксакликка кўтаради, унинг фаолиятига, орзу-интилишларига, мақсад-маслакларига олижаноблик бағишлайди.

Буқилмас ирода ва жасорат намунасини амалда намоён этиб, ўз ҳаётини азиз Ватанимизнинг ҳар томонлама равнақ топиши, бугунги тинч ва осойишта кунлар учун жонини фидо қилган аждодларнинг муқаддас хотирасини ёд этиш олижаноб халқимизга хос қадриятдир.

Шу қадриятларга амал қилинган ҳолда сўнгги йилларда Судьялар олий кенгаши томонидан судьяларга ўрнатилган ва намуна бўлиш мақсадида суд тизимида ҳалол ва покиза ишлаб ўзининг касбий малакаси ҳамда ҳуқуқ билан бошқаларга ўрнатилган бўладиган инсонлар ҳақида туркум китоблар нашр этиб келинмоқда. Шундай китоблардан бири "Уч машхур ўзбек аёли" китобидир.

Мазкур китобда халқимизнинг фахрига айланган уч машхур ўзбек ҳуқуқшунос аёллари Хадича Сулаймонова, Мамлакат Восикова ва Ҳалима Муҳитдинованинг ибратли ҳаёти ва фаолияти архив материаллари, тарихий далиллар асосида очиб берилган. Уларнинг мамлакатимиз юриспруденцияси тараққиётига қўшган муносиб ҳиссаси ҳақида сўз юритилади.

Жумладан китобда Хадича Сулаймонова ҳақида шундай маълумотлар келтирилади: ...Тақдир бўлажак олимани ҳали гўдаклик давридаёқ оғир синовлар билан "сиёлайди". Сабаби, у туғилган давр қирғинбарот ва ҳаётини қарама-қаршиликларга тўла эди. Ўзбек халқининг мураккаб тарихи қора саҳифаларидан жой олган мардикорликка олиш билан боғлиқ ғалаёнлар, унинг ортидан келган оғир жудодликлар, етишмовчилик, халқнинг ночор иқтисодий аҳоли кўпчилигининг тинчасини қуритган эди. Мана шундай аянчли ҳаётини шароит тақозосига кўра Хадичахонлар оиласи Туркистон ўлкасининг турли жойларида яшашга мажбур бўлади.

...Хадича Сулаймонова институтни тугатганидан кейин туман судига судья қилиб ишга юборилади. Кўп вақт ўтмай у Олий суд судьялигига тавсия қилинади ва 1935 йилнинг ўзидаёқ Олий суд судьялигига сайланади.

Хадича Сулаймонова бу пайтда йигирма икки ёшда эди.

...Министрлар Советининг раиси Нуриддин Акрамович Муҳитдинов Хадича Сулаймоновани Адлия вазирлигига тавсия қилади.

Тартиб бўйича бюро тасдиқидан ўтказиш учун ҳужжатлар Марказқўмга юборилади.

Ўша пайтларда кишини бирон лавозимга тасдиқлаш учун унинг ишини қай даражада удаллаши, касбига садоқати ва билимдонлиги эмас, номзоднинг партиёга аъзолиги мезон қилиб олинар ва шу асосда мансабга лойиқ ёки нолойиқлиги белгиланар эди. Худди шундай ҳодиса Х. Сулаймонова билан ҳам содир бўлади ва партиё аъзоси бўлмагани учун илк марта Юстиция министри лавозимига тасдиқланмайди.

Шундан кейин Х. Сулаймонова партиёга қабул қилинади ва 1956 йил сентябрда Адлия вазирлиги бўлиб иш бошлайди.

Юқоридаги сатрлардан кўриш мумкинки Хадича Сулаймонова оддий оиладан чиққан, чин камбағалликни бошидан кечирган. Лекин ўзидаги шижоат, илм ўрганишга бўлган интилиш ила ҳуқуқшунослик соҳасидаги ҳар бир инсон орзу қиладиган натижаларга эришган. Бу ҳолат бугун ҳуқуқшунос, судья бўлиш истагидаги ёшларга ва суд тизими ходимларига катта ибрат ва намуна бўлиб хизмат қилади.

Китобдаги навбатдаги қаҳрамон Мамлакат Восикова бўлади. Муаллиф китобда ўз қаҳрамонининг таҳликали вазиятларда ҳам қандай адолатли иш тутганликлари ҳақида сўзловчи қуйидаги сатрларни келтиради:



...Хатлар бўлими ходими фуқаролардан келиб тушган хатни олиб келиб бунга қандай жавоб беришни билмаётимиз, раҳбаримиз сизга топширишмизни айтдилар, деди. Мамлакат Собирова хатни ўқиркан, "мени ҳақорат қилган, қалтаклаган фуқаро Яковенко Н.Г. устидан судга ариза берсам судья, Яковенко коммунист экан деб аризамни кўрмай қолдирди" деган жумлани ўқиб таажжубланади. Бундай бўлиши мумкин эмас, аризачи ҳақ, Модомики у коммунист бўла туриб бошқа бир одамни ҳақоратлаган, ҳатто қалтаклаган экан, бундай одам ким бўлишидан қатъи назар ўзининг қилмиши учун жавоб бериши шарт. Қонун олдида ҳамма тенг. У коммунист экан деган вазият билан аризага рад жавобини берганлиги судьянинг хатоси.

Шундан сўнг, Мамлакат Восикова судья ва аризачи номига хат ёзади. Кейинчалик эса Тихова А.П.нинг аризасини ўз назоратига олиб, судда қонуний ҳал қилинишини таъминлаган.

Бу Мамлакат Восикованинг ҳаётидан бир парча холос, китобда бундан қийин вазиятларда ҳам адолат йўлидан қайтмаган довурак аёл ҳақида ҳужжатлар асосида маълумотлар келтирилган.

Китобдаги сўнгги қаҳрамон Ҳалима Муҳитдинова ҳаёти ҳақида жуда таъсирли воқеалар кўп баён этилган. Лекин оддий деҳқон оиласида дунёга келган қиз бир кун келиб нафақат Ўзбекистонда, балки дунё ҳуқуқшунослари орасида обрўга эга бўлган олима аёл даражасига эришади. Китобдан келтирилган қуйидаги сатрлар фикримизнинг тасдиғи бўлади.

...1957 йилда Нью-Йорк шаҳрида Бирлашган Миллатлар Ташкилати Бош Ассамблеясининг Хотин-қизларнинг оиладаги ўрни ва ролига бағишланган унинг сессиясига Ўзбекистондан вакил иштирок этиши лозимлиги тўғрисида таклифнома келади. Республика раҳбарияти ушбу халқаро анжуманга Ўзбекистондан вакил бўлиб қатнашадиган масъул ҳар томонлама етук ва баркамол бўлиши лозимлигидан келиб чиқиб Ҳалима Муҳитдинованинг номзодини маъқул деб топишади.

Дунёнинг 8 та давлатидан вакил қатнашган БМТ сессиясига Ҳалима Қодировна Ўзбекистонда хотин-қизларнинг оиладаги ўрни тўғрисида мазмунли маъруза қилади. Унинг маърузаси нуфузли сессия иштирокчиларининг кўпчилигига манзур бўлади.

Орадан тўрт йил ўтиб 1961 йилда Руминиянинг Бухарест шаҳрида бўлиб ўтган БМТ комиссиясининг ўн биринчи сессиясига ҳам Ҳалима Муҳитдинова фаол қатнашади ва яқинлик билан ушбу комиссиянинг вице-президенти этиб сайланади.

Хулоса сифатида айтадиган бўлсак ушбу олима аёлларнинг ибратли ҳаёт йўллари бўлажак судьялар, амалдаги судьялар ва суд-ҳуқуқ тизими вакилларига чин маънода адолат йўлини кўрсатиб турадиган йўлчи бўлади, деб ўйлаймиз. Зеро, бундай инсонларнинг ҳаёт йўлини ўрганиш орқали ҳар биримиз ўзимизнинг билим даражамизни, дунёқарашимизни бир поғона юқорига кўтарган бўламиз.

Шахноза МУХАММАТКУЛОВА,

фуқаролик ишлари бўйича Ургут туман судининг судьяси.

КОРПОРАТИВ ҲУҚУҚ СУБЪЕКТЛАРИНИ ҚАЙТА ТАШКИЛ ЭТИШ УСУЛЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Мамлакатимизда корпоратив ҳуқуқ субъектларини қайта ташкил этиш билан боғлиқ муносабатларни тартибга солувчи қонун ҳужжатлари қабул қилинган бўлса-да, қайта ташкил этишнинг асослари, усуллари, турлари ва тартиби турли хиллиги ва мураккаблигини назарда тутиб уларнинг муайян бир тизимга солинмаганлигини, соҳага оид қонун ҳужжатларини такомиллаштиришни ва уларга амал қилиш механизми изчиллигини оширишни талаб қилади.

Корпоратив ҳуқуқ субъектларини қайта ташкил этиш, улар бекор бўлишининг асосий усулларида бири ҳисобланади. Қайта ташкил этиш ҳўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини тўғри ташкил этиш билан боғлиқ вазифани бажариш мақсадида амалга оширилади.

Қайта ташкил этиш тушунчасига қуйидагича илмий-доктринал таъриф берсак мақсадга мувофиқ бўлади:

- қайта ташкил этиш – бир ёки бир неча юридик шахс (ҳуқуқий ўтмишдош) ҳуқуқ ва мажбуриятларини, кредиторларнинг ҳуқуқлари қаноатлантирилиши асосида, ҳуқуқий ўтмишдошнинг бекор бўлиши ва ҳуқуқий вориснинг вужудга келиши билан боғлиқ ҳолатда бошқа юридик шахс ёки шахсларга (ҳуқуқий ворис) ҳуқуқий ворислик тартибида ўтишини тавсифловчи ҳолат (юридик ҳаракатлар мажмуи) тушунилади.

Мамлакатимиз фуқаролик қонунчилиги юридик шахсни қайта ташкил этиш асосларини белгиламайди. Фақатгина қайта ташкил этишга биргина асос сифатида муассислар (иштирокчилар) ёки таъсис ҳужжатларида шунга вакил қилинган юридик шахс органининг қарорини келтиради. Бунда муассислар ёки юридик шахс органининг қарори қайси ҳолат ёки сабабга асосланиши кўрсатилмайди. Бундай ҳолат бозор муносабатлари шароитида фуқаролик ҳуқуқининг диспозитивликка асосланиши, субъектлар тенглиги, хусусий ишларга ўзбошимчалик билан аралашига йўл қўйилмаслиги, мулк ҳуқуқининг дахлсизлиги ва энг муҳими мулкдорнинг ўз мол-мулкидан ўз хоҳиши ва мафаатларини кўзлаб эгаллик қилиши, фойдаланиши ва тасарруф этиши билан изоҳланади. Юридик шахс унга бошқа юридик шахсни қўшиб олиш шаклида қайта ташкил этилганида қўшиб олинган юридик шахснинг фаолияти тўхтатилгани ҳақидаги ёзув юридик шахсларнинг ягона давлат реестрига киритилган пайтдан бошлаб юридик шахс қайта ташкил этилган ҳисобланади.

Юридик шахсни қайта ташкил этишда биринчи навбатда муассисларнинг қарори бирламчи хусусиятга эга бўлади. Зеро, тижоратчи юридик шахсларни қайта ташкил этишда ваколатли давлат органларидан олинadиган розилик ҳам айнан муассисларнинг қарорларидан сўнг амалга оширилади.

Шу билан бирга юридик шахсларни мажбурий тартибда қайта ташкил этиш асосан товар бозоридаги монополистик фаолиятни чеклаш мақсадида ҳам амалга оширилади. Зеро, бунда давлат ижтимоий ҳимояни таъминлаш ва фуқаролар ҳуқуқлари ҳамда манфаатларини ҳимоя қилишни амалга ошириш мақсадида маж-

бурий тартибдаги қайта ташкил этишни ташкил этади. Бу ҳолатда кўпинча “монопол юридик шахс”ни бўлиш ёки ажратиш усули танлаб, бу орқали тегишли соҳадаги якка, қудратли ва энг муҳими, монопол ташкилот ўрнига рақобатни вужудга келтирадиган ва бу билан истеъмолчилар манфаатларини ҳисобга олган ҳолда фаолият юритадиган икки ёки ундан кўп юридик шахс ташкил этилади. Бинобарин, савдо ва хизмат кўрсатиш соҳасида монополистик фаолиятининг қисман бўлсада мавжудлиги, истеъмолчиларнинг манфаатларига жуда катта зарар етказиши, бозорлар мавжудлигининг асосий шартини бўлган рақобатнинг ривожланишига, товарларнинг истеъмолчиларга тўғридан-тўғри етиб боришига сунъий тўсқинлик қилади.

Вазирлар Маҳкамасининг 215-сонли қарори билан тасдиқланган “Давлат корхоналари тўғрисида”ги Низомнинг 31-бандига мувофиқ давлат корхонаси муассис қарорига кўра, тегишли равишда Давлат мулк кўмитаси ёки унинг ҳудудий бошқармаси билан келишган ҳолда, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ёхуд суд қарорига биноан қайта ташкил этилиши мумкин.

Муассис ёки юридик шахс органининг қарори бу – ушбу субъектларнинг субъектив ҳуқуқлари бўлиб, қонунда тўғридан-тўғри назарда тутилмаганлиги учун улар ўз қарорларини ҳеч қандай сабаб ёки ҳолат билан асосламасликлари мумкин. Бунда фақатгина муассис ёки таъсис ҳужжатларида шунга вакил қилинган юридик шахснинг органи юридик шахсни қайта ташкил этиш ҳақида қарор қабул қилиб, қайта ташкил этиш усулини танлайди.

Корпоратив ҳуқуқ субъектлари қайта ташкил этилганда унинг ҳуқуқ ва бурчлари бошқа юридик шахсга ўтади. Ҳуқуқ ва бурчларнинг ўтиш тартиби ҳуқуқий ворислик масалалари юридик шахсни қайта ташкил этиш усулларига қараб турлича бўлади.

Умумий қоидага кўра қайта ташкил этиш юридик шахс муассисларининг қарори билан ихтиёрий равишда амалга оширилади. Бироқ, тижоратчи ташкилотларга нисбатан қонун ҳужжатларида мажбурий тартибда қайта ташкил этиш ҳоллари ҳам кўзда тутилган. Фуқаролик кодексининг 49-моддаси 2-қисмида мажбурий тартибда қўшиб олиш қоидалар мустаҳкамланган бўлиб, унга кўра қонунда белгиланган ҳолларда юридик шахсни бўлиш ёки унинг таркибидан бир ёхуд бир неча юридик шахсни ажратиш чикариш шаклида уни қайта ташкил этиш вакил қилинган давлат органларининг қарори билан ёхуд суд қарори билан амалга оширилади.

Агар юридик шахс муассислари (иштирокчилари), улар вакил қилган орган ёки юридик шахснинг ўз таъсис ҳужжатлари билан қайта ташкил этишга вакил қилинган органи юридик шахсни ваколатли давлат органининг қарориди белгиланган муддатда қайта ташкил этмаётган бўлса, суд мазкур давлат органининг даъвоси бўйича юридик шахснинг бошқарувчисини тайинлайди ва унга ушбу юридик шахсни қайта ташкил этишни топширади. Бошқарувчи тайинланган пайтдан бошлаб унга юридик шахснинг ишларини бошқариш ваколатлари ўтади. Бошқарувчи судда юридик шахс номидан ҳаракат қилади, тақсимлаш балансини тузади ва уни юридик шахсларни қайта ташкил этиш натижасида вужудга келадиган таъсис ҳужжатлари билан бирга қўриб чиқиш учун судга топширади. Суднинг ушбу ҳужжатларни тасдиқлаши янгидан вужудга келаётган юридик шахсларни давлат рўйхатидан ўтказиш учун асос бўлади.

Қонунда белгиланган ҳолларда юридик шахсларни қўшиб юбориш, қўшиб олиш ёки ўзгартириш шаклида қайтадан ташкил этиш ваколатли давлат органларининг розилиги билангина амалга оширилиши мумкин.

Юқоридаги ҳолатларга асосланиб юридик шахсларни қайта ташкил этиш орқали тугатишда бозор иқтисодиёти талабларидан келиб чиқиб кўпинча ихтиёрий усулда қайта ташкил этиш қўлланилади. Бироқ, давлат органлари истеъмолчилар манфаатларини кўзлаб қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда тижоратчи юридик шахсларни мажбурий тартибда қайта ташкил этишни амалга оширишлари мумкин.

Корпоратив ҳуқуқ субъектлари қайта ташкил этилганда ҳамма вақт топшириш ҳужжати ва тақсимлаш баланси тузилади. Ҳар бир шахс учун қайта ташкил этишнинг ўзига хос тартиби ва ўзига хос қоидалари белгилансада, Фуқаролик кодекси топшириш ҳужжати ва тақсимлаш балансига нисбатан умумий қоидаларни белгилайди. Бунда бўлиш ва ажратишда тақсимлаш баланси тузилса, қўшиб юбориш, қўшиб олиш ва ўзгартиришда топшириш ҳужжати тузилади.

Қайта ташкил этиш билан юридик шахслар бекор бўлишининг кейинги усули бу – қўшиб олиш ҳисобланади. Қўшиб олиш тушунчасига Фуқаролик кодекси таъриф бермасда ҳуқуқий адабиётларда “қўшиб олиш” тушунчаси атрофлича таҳлил этилган ва кўпчилик олимлар қўшиб олишга нисбатан деярли бир хилдаги фикрни билдиришади. Айрим олимларнинг фикрича, қўшиб олиш қўшиб юборишнинг алоҳида ҳолати бўлиб, бунда битта юридик шахсга иккинчиси қўшилади. Ушбу вазиятда иккинчи юридик шахс бекор бўлса, биринчиси ўзининг мавжудлигини сақлаб қолган ҳолда фақатгина ўз фаолияти доирасини кенгайтиради ёхуд ўз фаолиятининг турини ўзгартиради. Бу ҳолат албатта ушбу юридик шахснинг ҳуқуқ лаёқати мазмунида белгиланган тартибда ифодаланди.

Юқорида баён этилган таърифларнинг барчаси битта умумий ҳолатдан, бир ёки бир неча юридик шахсларни ўз фаолиятларини тугатиб, ҳуқуқ ва мажбуриятларини битта юридик шахсга ўтказиш йўли билан бирлаштирилган ҳолатидан келиб чиқиб, қўшиб олиш

усулига таъриф беришади. Фуқаролик қонунчилигида “қўшиб олиш” усулини “бирлаштириш” атамаси билан номлаш ҳолатлари учрайди. Гарчи Фуқаролик кодексининг 49-50-моддаларида қайта ташкил этишнинг бу усули аниқ ва қатъий равишда “қўшиб олиш” — деб номланса, “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонуннинг 97-моддасида ва “Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида”ги қонуннинг 51-моддасида қайта ташкил этишнинг бу усули “бирлаштириш” — деб номланади.

Мазкур ўринда қайта ташкил этишнинг ушбу усули (юқоридаги икки қонунда номланганидек “бирлаштириш” эмас, Фуқаролик кодексининг 49-моддаси талаблари асосида “қўшиб олиш”)га “Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида”ги қонунда тўғри таъриф берилган. Шу муносабат билан “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонуннинг 97-моддаси ва “Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида”ги қонуннинг 51-моддаси номланишини ўзгартириш ва “жамиятни қўшиб олиш” — деб номлаш ҳамда “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонуннинг 97-моддаси мазмунини Фуқаролик кодексининг 49-моддаси талабларига мос равишда “Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида”ги қонуннинг 51-моддасидаги каби тахрирда ифодалаш лозим.

Қўшиб олиш акциядорлик жамиятларида (АЖ), масъулияти чекланган жамиятларда (МЧЖ) ва қўшимча масъулиятли жамият (ҚМЖ)ларда ўхшаш ҳолда кечади ва ўзига хос умумийлик касб этади.

Мазкур жамиятлар акциядорларининг қўшма умумий йиғилиши уставга ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида қарор қабул қилади. Акциядорларнинг қўшма умумий йиғилишида овоз бериш тартиби бирлашиш тўғрисидаги шартномада белгилаб қўйилади.

Хулоса ўрнида таъкидлаш лозимки, корпоратив ҳуқуқ субъектларини қайта ташкил этишга оид фуқаролик қонунчилигида фақатгина умумий қоидалар белгиланган. Шу билан бирга юридик шахсларнинг алоҳида турларига оид бўлган қонунларда ҳам юридик шахсларни қайта ташкил этишнинг умумий тамойиллари ифодаланган ҳолос. Бу эса ўта мураккаб жараён бўлган қайта ташкил этишни амалга оширишда, бу жараённинг тўлиқ ишлашида кўплаб қийинчиликлар ва турли хилдаги ёндашувларга сабаб бўлиши мумкин.

Шу муносабат билан қайта ташкил этиш жараёни учун хос бўлган барча ҳолатларни ҳуқуқий жиҳатдан тўлиқ тартибга солувчи қонун ҳужжатларини белгилаш ва “Қайта ташкил этиш тўғрисида”ги Низомни қабул қилиш лозим.

Отабек РАХМОНОВ,

Тошкент давлат юридик университети ўқитувчиси.

ЯНГИЛАНГАН КОНСТИТУЦИЯ – ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ ҲИМОЯЧИСИ

АННОТАЦИЯ: мақолада суд ҳокимиятига юклатилган вазифаларни амалга ошириш бўйича судьялар томонидан қабул қилинадиган суд ҳужжатлари, уларни қабул қилиш ёки чиқарилиши юзасидан норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда берилган таърифлар, миллий ўзбек тили изоҳли луғатидаги сўзларнинг маънолари, шунингдек судьялар томонидан суд ҳужжатларини қабул қилишда қайси сўзни ишлатиш мақсадга мувофиқлиги юзасидан тавсиялар келтирилган.

Калит сўзлар: Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларида суд ҳокимияти, суд ҳокимиятига белгиланган вазифалар, суд ҳужжатлари, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар.

Суд ҳужжатлари деганда судларга Конституция, процессуал кодекслар ва қонунларда белгилаб берилган вазифа ва масъулиятларни бажарилишини таъминлаш мақсадидан келиб чиқиб ўзларининг иш юритувдаги ишларни қонуний, асосли ва адолатли кўриб чиқишни таъминлаш орқали ҳулосага келиш жараёнида барча жабҳаларда қабул қилинадиган суднинг ваколатларига берилган ҳужжатлар назарда тутилади.

Фуқаролик ишлари бўйича судларга Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг (кейинги ўринларда ФПК) 2-моддасига ҳамда Ўзбекистон Республикаси "Судлар тўғрисида"ги қонуни²нинг 4-моддасига мувофиқ бир қатор вазифалар юклатилган.

Хусусан, судларнинг суд ишларини юритишда қуйидаги вазифалари белгиланган:

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва бошқа қонунлари, халқаро шартномаларида, шунингдек инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро ҳужжатларда кафолатланган – фуқароларнинг шахсий, сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқларини, эркинликларини ва қонуний манфаатларини;

Ўзбекистон Республикасининг ҳуқуқлари ва манфаатларини;

корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, жамоат бирлашмалари ва фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг ҳуқуқлари ҳамда қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида фуқаролик ишларини тўғри, ўз вақтида кўриб чиқиш ва ҳал этиш;

якка тартибдаги тадбиркорларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш;

қонунийлик ва ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлашга, демократияни, ижтимоий адолатни, фуқаролар ўртасида тинчлик ва миллий тотувликни таъминлашга қўмаклашиш;

фуқароларда қонунга ва судга нисбатан ҳурмат муносабатини шакллантириш белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси³да суд ҳокимиятининг ҳужжатлари барча давлат органлари ва бошқа ташкилотлар, мансабдор шахслар ҳамда фуқаролар учун мажбурийдир.

Фуқаролик ишлари бўйича судларнинг Конституция нормаларида белгиланган барча учун мажбурий бўлган ҳужжатлари ФПКнинг 6-моддасида кўрсатилган, шунингдек суд ҳужжатлари суд процессининг қайси жараёнида ҳамда қандай масалаларнинг ҳал этилиши учун қабул қилиниши белгиланган.

Унга кўра биринчи инстанция суди ишни даъво ариза, шунингдек алоҳида тартибда иш юритиб, ишни мазмунан кўриш натижалари бўйича қабул қиладиган суд ҳужжати – ҳал қилув қарори;

биринчи инстанция судининг низосиз талаблар бўйича суд муҳокамаси ўтказмасдан берилган суд ҳужжати – суд буйруғи;

апелляция, кассация ва тафтиш инстанцияси суди ишни кўриш натижалари бўйича қабул қилган суд ҳужжати – суд ажрими;

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Раёсатида ишни тафтиш тартибида кўриш натижалари бўйича қабул қилган суд ҳужжати – қарор;

суд мажлисида тартибни бузган ёки судга бошқача тарзда ҳурматсизлик билдирган шахсни суд томонидан маъмурий жавобгарликка тортиш ҳақидаги суд ҳужжати – қарор;

иш мазмунан ҳал этилмайдиган, бироқ суд процесси қонунийлигини таъминлаш, суд ҳулосалари асослилигини таъминлаб берувчи суд ҳужжати – ажрим деб аталади.

Суд жараёнининг суд мажлиси залидан ташқарида қилинган ҳар бир алоҳида процессуал ҳаракат тўғрисидаги иш муҳокамасининг ёки алоҳида процессуал ҳаракатларни амалга оширишнинг барча муҳим жиҳатларини акс эттирувчи яна бир суд ҳужжати мавжуд бўлиб, у процессуал қонуннинг суд ҳужжатлари номли моддасида келтирилган ҳужжатлар қаторига киритилмаган бўлсада, бу ҳужжат ФПКнинг 25-бобидаги 276-279-моддаларида баён этилган – суд мажлиси баённомаси ҳисобланади.

Суд ҳужжатларини қабул қилиш бўйича, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 134-моддасининг иккинчи қисмида, Ўзбекистон Республикаси Олий суди томонидан қабул қилинган ҳужжатлар қатъий ҳисобланади ва Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида бажарилиши мажбурийдир, деб белгиланган.

ФПК 6-моддасининг биринчи қисмида, суд кўрилатган ва ҳал этилатган масала бўйича ҳал қилув қарори, ажрим, қарор ва буйруқ қабул қилади, деб кўрсатилган бўлсада, модданинг учинчи қисмида “апелляция, кассация ва тафтиш инстанцияси суди ишни кўриш натижалари бўйича ажрим чиқаради”, деб, тўртинчи қисмида, “Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Раёсати ишни тафтиш тартибида кўриш натижалари бўйича қарор чиқаради”, бешинчи қисмида “Суд қонунда ўзининг ваколатига киритилган маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни кўриш натижалари бўйича қарор чиқаради” ҳамда олтинчи қисмида ҳам “Суд иш мазмунан ҳал этилмайдиган масалаларни кўриш натижалари бўйича ажрим чиқаради” деб кўрсатилган.

Айрим ҳолларда ҳуқуқшунос олимларимиз орасида мазкур сўзларни амалиётда қўллаш юзасидан ҳам бироз келишмовчиликлар мавжуд. Баъзилари суднинг ҳал қилув қарори қабул қилинади, дейишса, айримлар эса суднинг ҳал қилув қарори судья томонидан чиқарилади, деган фикрни қўллайдилар.

Ўзбек тилининг изоҳли луғатида⁴ (Izoh.uz — Ўзбек тилининг халқона изоҳли луғати) “қабул қилмоқ” ва “чиқармоқ” сўзларига қуйидагича изоҳ берилган:

“қабул қилмоқ” - муҳокама этилган масала юзасидан якуний, ҳулосавий тўхтамни белгиламоқ, шундай тўхтамга келмоқ, яъни қарор қабул қилмоқ, маъноси билдириши кўрсатилган.

“чиқармоқ” - ...қарор чиқармоқ; қонун чиқармоқ; ҳукм чиқармоқ, ... маъноларини билдириши кўрсатилган.

Мазкур изоҳли луғатда берилган маънолардан кўриниб турибдики, суд ҳужжатларини судьялар томонидан “қабул қилиниши” ёки “чиқарилиши” бир хил маънони англатар экан.

Агар, амалдаги қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда давлат органларига берилган ваколатларга эътибор берадиган бўлсак, дастлаб Ўзбекистон Республикасининг “Норматив – ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги қонун⁵нинг 3-моддасида берилган тушунчада айтилишича, қонунчиликка мувофиқ қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжат умуммажбурий давлат кўрсатмалари сифатида ҳуқуқий нормаларни белгилашга, ўзгартиришга ёки бекор қилишга қаратилган расмий ҳужжатдир.

Қонуннинг 4-моддасида, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг палаталари, Ўзбекистон Республикасининг Президенти, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, вазирликлар ва идоралар, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиш ҳуқуқига эга бўлган органлар ёки мансабдор шахслардир, деб белгиланган.

Энди Ўзбекистон Республикаси Конституциянинг бир қатор моддаларига назар ташласак:

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси ва Сенати ўз ваколатларига киритилган масалалар юзасидан қарорлар қабул қилади (97-модда).

Қонун Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилиниб, Сенат томонидан маъқулланиб, Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан имзоланган ва қонунда белгиланган тартибда расмий манбаларда эълон қилинган ҳуқуқ кучга эга бўлади (99-модда).

Ўзбекистон Республикасининг Президенти Конституцияга ва қонунларга асосланиб ҳамда уларни ижро этиш юзасидан республиканинг бутун ҳудудида мажбурий кучга эга бўлган фармонлар, қарорлар ва фармойишлар чиқаради (110-модда).

Вазирлар Маҳкамаси конституциявий нормалар доирасида ва қонунчиликка мувофиқ Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудидаги барча органлар, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар томонидан бажарилиши мажбурий бўлган қарорлар ва фармойишлар чиқаради (116-модда).

Халқ депутатлари Кенгаши ва ҳоким ўз ваколатлари доирасида тегишли ҳудуддаги барча ташкилотлар, шунингдек мансабдор шахслар ва фуқаролар томонидан бажарилиши мажбурий бўлган қарорлар қабул қилади (126-модда).

Россия давлатининг Гражданлик процессуал кодекси⁶нинг 13-моддаси биринчи қисмида, судлар суд қарорларини буйруқ, ҳал қилув қарори, суд ажрими, суд қарори тарзида қабул қилишлари (Суды принимают судебные постановления в форме судебных приказов, решений суда, определений суда, постановлений президиума суда надзорной инстанции) белгиланган;

Қозғоғистон Республикаси Гражданлик процессуал кодекси⁷нинг 21-моддаси биринчи қисмида, судлар суд қарорларини буйруқ, ҳал қилув қарори, ажрим, қарор шаклида қабул қилишлари (Суд первой инстанции принимает судебные акты по гражданским делам в форме судебных приказов, решений, определений, постановлений) кўрсатилган.

Хулоса ўрнида, суд ҳокимиятининг суд ҳужжатлари судьялар томонидан қабул қилиниши ёки чиқарилиши битта маънони англатганлиги сабабли, судьялар ўз қарорлари ҳақида берган тушунтиришларида, чиқараётган мақолаларида суд ҳужжати маъносига қараб “қабул қилиниши” ёки “чиқарилиши” деб кўрсатишлари мақсадга мувофиқ бўлади, деган фикрни билдирамиз.

Маъруфжон ТАЖИБОЕВ,

*Ўзбекистон Республикаси Олий суди
масъул ходими, юридик фанлари бўйича
фалсафа доктори (PhD), доцент.*

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодекси / <https://lex.uz/docs/3517337>
2. Ўзбекистон Республикаси “Судлар тўғрисида”ги қонун / <https://lex.uz/docs/5534923>
3. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 138-моддаси / <https://lex.uz/docs/6445145#6446095>
4. Ўзбек тилининг изоҳли луғати / <https://izoh.uz/uz/word/qabul?ysclid=m7mpiy2wr949277706>
5. “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги қонун / <https://lex.uz/docs/5378966>
6. Гражданский процессуальный кодекс (ГПК РФ) / <https://base.garant.ru/>
7. Гражданский процессуальный кодекс (ГПК Казахстан) / <https://zakon.uchet.kz/rus/docs/K1500000377#z2>

ЖИНОЯТ ИШЛАРИНИ ЮРИТИШДА ОАВ иштирокига оид халқаро тажриба

АННОТАЦИЯ: мақолада айрим МДХ давлатларида, жумладан Россия Федерацияси, Грузия, Беларусь ва Қозоғистон Республикалари жиноят процессида ОАВ иштирокига оид қоидалар таҳлил қилинган. Ушбу давлатларда жиноят ишларини юритиш даврида ОАВ мақоми, улар томонидан тақдим этилган хабар ва маълумотлардан фойдаланиш тартиби ўрганилган. Шунингдек, ОАВ ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг ўзаро алоқалари кўриб чиқилган.

Калит сўзлар: ОАВ, хабар, маълумот, жиноят процесси, жиноят иши, жиноят қуроли, терговчи, прокурор, суд, ижтимоий босим.

Жиноят, жиноятчилик ва одил судлов масалаларини эфирда ёки ўз саҳифаларида эълон қилиш аксарият хорижий давлат ОАВларида хос бўлган амалиёт ҳисобланади. Айрим давлатлар жиноят процессида ОАВга кенг эркинлик берса, айримларида чекланган. Ушбу ҳолатлар мамлакатлардаги ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий вазиятлар билан боғлиқ. Жиноят процессида ОАВ хабар ва маълумотларидан фойдаланишда айрим хорижий давлатлар тажрибасини таҳлил қилиш эса мазкур амалиётдаги ютуқ ва камчиликларни миллий жиноят-процессуал қонунчилигимиздаги ОАВ ролини, иштирокини ва мақомини таққослашга имконият беради.

МДХ давлатлари ичида Грузия нисбатан кенгроқ демократияси билан ажралиб туради. Грузия давлати қонунчилиги бўйича, ОАВ масс-медиа номи билан аталиб, ЖПК 101-моддасига асосан, жиноят ҳақида масс-медиада эълон қилинган хабар терговчи ёки прокурор томонидан терговни бошлаш учун асос ҳисобланади.

Ушбу давлатда ҳам ОАВ ходимлари хизмат хонасида ва нашр редакцияларида ҳужжатлар, ашёвий далиллар ва бошқа маълумотларни тўплаш мақсадига тинтув қилиш ва олиб қўйиш тергов ҳаракатлари амалга оширилиши мумкин эмас. Лекин, ушбу идораларда жиноят қуроли ёки предмети сақланиши мумкин деган жиддий асослар мавжуд бўлса, кўрсатилган тергов ҳаракатлари ўтказилиши мумкин.

Грузия қонунчилиги бўйича ОАВнинг жиноят ҳақидаги хабари “маълумот” деб юритилади. Ушбу маълумотларни терговчи зудлик билан прокурорга тақдим қилиши назарда тутилган.

ОАВ суд ишларини юритишда фаол иштирок этади. Агар, суд ишни қонуний ва адолатли тарзда кўриб чиқиши учун ушбу жиноят иши бўйича ОАВ томонидан тарқатилаётган хабарлар тўсқинлик қилаётган бўлса, Грузия Олий суди раиси рухсати билан суд бошқа яқин ҳудудга кўчирилиши мумкин.

Албатта, ушбу ҳолатдан миллий жиноят-процессуал соҳа андоза олса арзийди. Чунки, ҳозирги даврда мамлакатимизда маълум бир жиноят ҳақида ОАВ, хусусан интернетда маълумот пайдо бўлса унга нисбатан жамоатчилик томонидан кескин тарзда муносабат билдирилади ва эътирозларга сабабчи бўлади. Таъкидлаш жоизки, алоҳида ҳолатларда ушбу муносабатлар қонунга эмас, балки ҳиссиёт асосида вужудга келади. Табиийки, мазкур вазият судда ишни қонуний ва адолатли ҳал қилишга тўсқинлик қилиши мумкин. Ишни кўраётган суднинг кайфиятига икки омил: қонун ва жамоатчилик фикри ўртасидаги рақобат салбий таъсир этади. Бундай ҳолатларда процессуал қоидалар ҳам, жамоатчилик фикри ҳам инobatга олиниши ишни кўраётган суднинг тажрибасига тўғридан-тўғри боғлиқдир.

Жиноятга оид тафсилотлар ОАВда ёритилиши ишни юритаётган терговчи ҳамда ишни кўраётган судьяга нисбатан ижтимоий босимни вужудга келтириши мумкин. Бундай босимлар, Л.В.Лобанованинг фикрича, тергов ва суриштирувга нисбатан жиноят ишини кўзғатиш даврида амалга оширилиши мумкин.

Ижтимоий тармоқларда мамлакатимизда содир бўлган айрим ҳодисаларга турлича фикр ва мулоҳазалар билдирилиб, жиноят содир этган шахснинг ҳаёти, шаъни ва кадр-қимматида доир маълумотлар турли хил талқин қилинган ҳолда тарқатилмоқда. Мазкур мулоҳазаларга ҳаттоки интернетда ҳам ҳавола қилинмоқда. Ушбу маълумотлар терговнинг объектив ва холисона олиб борилишига ҳалақит беради.

Жиноят-процессуал қонунчилик талабидан келиб чиқиб, тергов ҳаракатлари олиб борилаётган вақтда шахсга доир маълумотларни тарқатиш ва терговга ҳалақит бериш қонун билан таъқиқланади. Таъкидлаш лозимки, тафсилотлари жамоатчиликка тарқалиб кетган ҳодисалар бўйича шахснинг шаъни ва кадр-қимматини камситувчи материалларни эфирга жойлаштириш ёки интернет саҳифаларида тарқатиш процессуал тамойилларни бузиш ҳисобланади.

Белоруссия қонунчилиги бўйича эса ОАВ хабар ва маълумотлари жиноят ишини кўзғатиш учун асос ҳисобланади. ОАВ ходими жиноят ишига доир маълумотларни терговга тақдим этишга мажбур. ОАВга маълумот тақдим этган манба ёки шахснинг номи, агар дастлабки терговни олиб бориш ва ишни судда кўриш учун муҳим саналса, терговни юритаётган ваколатли органнинг талаби билан ОАВ томонидан уларга очиқланиши мумкин.

Шу билан бирга, ОАВ маънавий зарар оқибатларини бартараф этишда ҳам иштирок этиши мумкин. Агар, шахснинг обрўси, шаъни ва кадр-қимматини камситувчи материаллар ОАВда эълон қилинган бўлса ва у шахс реабилитация этилса, ОАВ ушбу маълумотларни қайтариб олиши, унга нисбатан тергов ва суднинг тугатилганлиги ёки оқланганлиги ҳақидаги маълумотларни шахснинг иш, ўқиш ва яшаш жойларига тақдим қилишга мажбур.

Россия Федерацияси жиноят-процессуал қонунчилигида “Оммавий ахборот воситалари” тушунчаси 2001 йилги Жиноят-процессуал кодекси қабул қилиниши билан қўлланила бошланди. Амалдаги жиноят-процессуал қонунчилигида ОАВга оид қоидалар 136-модданинг учинчи қисмида, 144-модданинг иккинчи қисмида ва 148-модданинг учинчи қисмида назарда тутилган. Булардан бошқа, жиноят-процессуал қонунчиликдаги айрим нормалар матнида ОАВ ҳақида қоидалар мавжуд бўлмаса ҳам, улардаги тартиб ОАВ институти иштирокини тўғридан-тўғри тақозо этади. Масалан, ОАВ томонидан тақдим қилинган хабар ва маълумотлар жиноят ишини кўзғатиш учун сабаб ҳисобланмаса ҳам, ушбу маълумотлар асосида жиноят иши кўзғатилмоқда. Бу

жиноят ишени кўзғатишнинг “эркин асослари” тоифасига киради (74-модданинг иккинчи қисми 4-банди).

Шунингдек, ОАВ хабар ва маълумотлари жиноят-процессуал далилларни тўплашга хизмат қилади. Мазкур ҳолат қонунда “бошқа ҳужжатлар” (74-модданинг иккинчи қисми 6-банди) ва “ашёвий далиллар” (74-модданинг иккинчи қисми 4-банди) каби далилларни тўплашда фойдаланилади.

РФ Олий судининг 2010 йил 15 июнь кунги “Судлар томонидан “Оммавий ахборот воситалари тўғрисида”ги РФ қонунини қўллашга оид суд амалиёти” бўйича Пленуми қарориди ОАВ маълумотларни оммавий тарзда эълон қилишнинг шакли сифатида эътироф этилиб, мазкур тоифага даврий нашрлар, радио ва теледастурлар киритилган. ОАВ жиноят процессида ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга ҳисобланмай, ишда иштирокчи мақомига эга эмас. ОАВнинг асосий вазифаси – терговчи томонидан талаб қилинган маълумотларни тақдим қилиш ҳисобланади.

ОАВ хабар ва маълумотлари ишени кўзғатиш даврида “бошқа манбалар” дея эътироф этилади. Айнан ушбу манбалардан олинган хабар ва маълумотлар асосида жиноят ишени кўзғатиш жиноят-процессуал қонун назариясида эркин ёки ташаббус асосида ишени кўзғатиш деб номланади.

Жиноят ишларини юритиш даврида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва ОАВнинг ўзаро муносабатлари бир қанча ҳуқуқий-норматив ҳужжатлар билан тартибга солинган. Масалан, РФ Бош Прокурорининг 2009 йил 23 октябрдаги “Прокуратура органларининг оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорлиги тўғрисида”ги 341-сонли буйруғи ва РФ Тергов қўмитасининг 2011 йил 11 августдаги “Россия Федерацияси Тергов қўмитасида Оммавий ахборот воситалари ва жамоатчилик билан алоқасини ташкиллаштириш тўғрисида”ги 127-сонли буйруғи шулар жумласидандир. Шунингдек, 1991 йил қабул қилинган “Оммавий ахборот воситалари тўғрисида”ги қонунда ҳам ОАВнинг жиноят ишени юритувчи органлар ва ваколатли мансабдор шахслар билан ҳуқуқий муносабатлари тартибга солинган.

Қозғистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексида ОАВ хабар ва маълумотларига оид қоидалар 41-модданинг учинчи қисми, 180-модданинг биринчи қисми 3-б., 183-модда тўлиқ мазмунда, 205-модданинг учинчи қисмида, 206-модданинг саккизинчи қисмида, 304-модданинг иккинчи қисмида назарда тутилган. Процессуал қонунчиликка асосан, ОАВ хабар ва маълумотлари қўйидаги ҳолатларда ишда қўлланилиши мумкин:

- маънавий зарарнинг оқибатларини бартараф этишда, агар шахснинг жиноят содир этганига оид маълумотлар радио, телевидение, нашр ва бошқа ОАВларда эълон қилинган бўлса;

- жиноят ишени кўзғатишга сабаб сифатида;

- гумон қилинувчини мажбурий келтириш ҳолатларида, агар гумон қилинувчи Қозғистон Республикаси ҳудудидан чиқиб кетган бўлса, республика аҳамиятидаги ОАВга агар унинг Қозғистон Республикасининг маълум бир ҳудудиди эканлиги аниқ бўлса, маҳаллий ОАВларда унинг терговда иштирок этиши ҳақида эълон қилинади;

- айблов далолатномасини тақдим қилиш жараёнида, агар зарур бўлса прокурор жиноят ишенинг судга оширилганлиги ҳақидаги хабарни ОАВда эълон қилиши мумкин.

ОАВ хабар ва маълумотлари жиноят ишени кўзғатишга сабабларнинг бири сифатида кўрсатилган. Шу билан бирга, ОАВда раҳбарлик фаолиятини амалга ошираётган шахс терговни юритишга ваколатли бўлган шахснинг талабига биноан, жиноятга оид

тегишли маълумотларни тақдим қилиш мажбуриятига эга. Аммо, ОАВ раҳбариятининг жиноят ҳақида хабар берган манба билан уни ошкор қилмаслик ҳақида қелишуви мавжуд бўлса, ушбу ҳолат истисно тарзида маълумотларни тақдим қилмасликка қонуний сабаб бўлади. Мазкур ҳуқуқий норма Қозғистон Республикаси “Оммавий ахборот воситалари тўғрисида”ги қонунининг журналист ҳуқуқ ва мажбуриятларига оид 20-21-моддаларида назарда тутилган. Шунингдек, мазкур қонуннинг 21-моддасида суд томонидан маълумотлар манбасини тақдим қилиш талаб қилинмаган барча ҳолатларда, журналист маълумот манбасини ошкор қилганлиги учун жавобгарлик белгиланган. Суриштирувчи, терговчи ёки прокурор журналист ёки ОАВни маълумот манбасини ошкор қилишни талаб қилишга ваколатли эмас. Мазкур ваколатга фақат суд, албатта қонуний асослангиланган қарор қабул қилиш орқали ва ишени судда кўриш вақтида эга ҳисобланади.

Демак, Қозғистон Республикаси жиноят-процессуал қонунчилиги бўйича ОАВ жиноят ҳақида хабар ва маълумотларни эълон ёки тақдим қилиш билан бирга, процессуал вазифаларни ҳам бажаради. Жиноят ишларини юритишда ОАВ иштирокини тақозо этувчи ҳолатларга асос сифатида ОАВнинг жиноят процессида ёрдамчи институт эканлигини эътироф этиш мумкин. Ва, шу аснода, миллий жиноят-процессуал қонунчилигимизга агар зарур бўлса прокурор жиноят ишенинг судга оширилганлиги ҳақидаги хабарни ОАВда эълон қилиши мумкинлиги ҳақидаги норманинг киритилиши мақсадга мувофиқ. Сабаби, ҳозирги даврда мамлакатимизда алоҳида жиноятлар бўйича интернет тармоқларида хабарлар тарқалса, айнан ушбу жиноят ишлари бўйича тергов ва суд жараёни тақдири жамоатчиликни ниҳоятда қизиқтиради.

Шундай қилиб, жиноят процессида ОАВ иштирокига оид МДХ давлатлари тажрибаси нисбатан бир-бирига яқинроқдир. Асосий масала – журналистик суриштирув ва унинг профессионаллик даражасига боғлиқ. Мамлакатимизда эса ОАВнинг жиноят процессидаги иштироки охириги пайтларда тобора кучайиб бормоқда. Ўзбекистонда ОАВ жиноят-процессуал соҳага янада кучлироқ кириб бормоқда. Хулоса сифатида таъкидлашимиз лозимки, жиноят процессида ОАВ иштироки жиноят ишлари бўйича адолатни таъминлашда муҳим восита сифатида хизмат қилади.

Илхам МАТЖАНОВ,

Қорақалпоқ давлат университети доценти.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Асликян Э. Воспрепятствование осуществлению правосудия и производству предварительного расследования // Черные дыры в Российском законодательстве. - 2003. - №2.
2. Приказ Генпрокуратуры РФ от 23 октября 2009 г. № 341 “О взаимодействии органов прокуратуры со средствами массовой информации”; приказ Следственного комитета РФ от 11 августа 2011 г. №127 “Об организации взаимодействия Следственного комитета Российской Федерации со средствами массовой информации и общественностью”.
3. Рогова А.А. Использование материалов СМИ в доказывании по уголовным делам на досудебных стадиях уголовного процесса: дисс... канд... юрид...наук. – Нижний Новгород, 2016.
4. Силаев Н.Ю., Ковалева Д.В. Эволюция государственного управления с странами постсоветского пространства. Грузия // Государственная служба. - 2022. - Т.24. - №3.
5. Тлеубаев Д.К., Иманбаев С.М., Карымсаков Р.Ш. Цифровизация уголовного процесса в Республике Казахстан: становление и практика применения // “Colloquium-journal”. - 2021. - №11(98).

ЖИНОЙИ СУД ИШЛАРИНИ ЮРИТИШ СОҲАСИДАГИ ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ ЙЎНАЛИШИ

Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилигини такомиллаштириш Концепциясида халқаро ҳамкорлик масалаларини тартибга солишчи жиноят-процессуал меъёрларни Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига мувофиқлаштириш назарда тутилган. Шу билан бирга хорижий давлатларда Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг ҳуқуқларини таъминлаш кафолатларини кучайтириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси томонидан айрим хорижий давлатлар билан озодликдан маҳрум этилган шахсларни жазони ўташни давом эттириш учун, шунингдек ўзига нисбатан тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари қўлланилган шахсларни мажбурий даволашни давом эттириш учун қабул қилиб олиш ва бериш тўғрисида халқаро шартномалар тузилган.

Жиноий суд ишларини юритиш соҳасидаги халқаро ҳамкорлик масалалари Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг (кейинги таҳрирда ЖПК) ўн тўртинчи бўлимида тартибга солинган. Ушбу бобда “Судлар, прокурорлар, терговчилар ва суриштирув органларининг хорижий давлатлар ваколатли органлари билан ўзаро ҳамкорлигининг тартиби тўғрисидаги асосий қоидалар” (64 боб), “Шахсни жиноий жавобгарликка тортиш ёки ҳукми ижро этиш учун ушлаб бериш” (65 боб) билан боғлиқ халқаро муносабатларни ҳуқуқий ҳал қилиш тартиби кўзда тутилган.

Ўзбекистон Республикасининг 2024 йил 4 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексига қўшимчалар ва ўзгариш киритиш тўғрисида”ги Қонунига кўра Жиноят-процессуал кодексига янги 66 боб киритилиб хорижий давлат судининг қарори тан олинishi ва ижрога қаратилишини, озодликдан маҳрум этилган шахсни жазони ўташни давом эттириш учун, шунингдек ўзига нисбатан тиббий йўсиндаги мажбурлов чораси қўлланилган шахсни мажбурий даволашни давом эттириш учун қабул қилиб олиш ва хорижий давлатга бериш халқаро ҳуқуқий муносабатларга оид янги қоидалар жорий қилинган.

Янги Қонуннинг ўзига хос хусусияти шундаки, унда учта турдаги ҳуқуқий муносабатлар тартибга солинган:

- хорижий давлат судининг қарорини тан олиш ва ижрога қаратиш;
- озодликдан маҳрум этилган шахсни жазони ўташни давом эттириш учун, шунингдек ўзига нисбатан тиббий йўсиндаги мажбурлов чораси қўлланилган шахсни мажбурий даволашни давом эттириш учун қабул қилиб олиш;
- озодликдан маҳрум этилган шахсни жазони ўташни давом эттириш учун, шунингдек ўзига нисбатан тиббий йўсиндаги мажбурлов чораси қўлланилган шахсни мажбурий даволашни давом эттириш учун хорижий давлатга бериш.

Жиноий иш юритиш соҳасида халқаро ҳамкорликнинг бир тури озодликдан маҳрум қилиш жазосига ҳукм қилинган шахсларни ўз фуқароси бўлган давлатга жазони ўташ учун юбориш ҳисобланади. Халқаро ҳамкорликнинг бу тури 1978 йил 19 майдаги Конвенцияда назарда тутилган. Бундан ташқари мазкур муносабатлар 1994 йил 19 майдаги “Фуқаролик, оилавий ва жиноят ишлари бўйича юридик ёрдам ва ҳуқуқий муносабатлар тўғрисида”ги Минск ва 2020 йил 12 июлдаги Кишинев Конвенцияларида тартибга солинган.

Мазкур халқаро Конвенцияларда назарда тутилган қоидалар миллий қонунчиликда ҳам ўз ифодасини топган. Жумладан, ЖПКнинг 611-моддасида озодликдан маҳрум этилган шахсни жазони ўташни давом эттириш учун, шунингдек ўзига нисбатан тиббий йўсиндаги мажбурлов чораси қўлланилган шахсни мажбурий даволашни давом эттириш учун бериш ва қабул қилиб олиш асослари белгиланган. Агар чет эл фуқароси Ўзбекистон Республикаси суди томонидан озодликдан маҳрум этиш жазосига судланган бўлса, у ўзи фуқаролигига мансуб бўлган давлатга жазони ўташни давом этиши учун берилиши мумкин. Шунингдек, хорижий давлат суди томонидан Ўзбекистон Республикаси фуқароси бундай жазога ҳукм қилинган бўлса, у ҳам жазони ўташни давом эттириш учун Ўзбекистонга

қабул қилиб олиниши мумкин. Ушбу қоидалар ақли норасолик ҳолатида ижтимоий ҳавфли қилмишни содир этган ёки ушбу қилмишни содир этганидан кейин руҳий ҳолати бузилиши юзага келган ва ўзига нисбатан тиббий йўсиндаги мажбурлов чораси қўлланилган шахсларга ҳам тадбиқ этилади (ЖПК 611-моддасининг 2 банди).

Озодликдан маҳрум этилган шахсни жазони ўташни давом эттириш учун қабул қилиш масаласи ЖПК 612-моддасида тартибга солинган бўлиб, шахснинг ёки унинг қонуний вакилининг ёхуд яқин қариндошининг аризасига ҳамда Ўзбекистон Бош прокуратурасининг ёки хорижий давлат ваколатли органининг сўровига кўра кўриб чиқилади.

Хорижий давлат суди томонидан озодликдан маҳрум қилинган шахс жазони давом эттириш учун Ўзбекистонга қабул қилинган бўлса унинг жазоси қандай белгиланади? Албатта бу ўринли саволга Қонунда тушунтириш берилган. ЖПКнинг 614-моддасига биноан жазони ўташ учун халқаро шартномаларга мувофиқ хорижий давлат томонидан топширилган маҳкумга нисбатан жазо муддати хорижий давлат судининг ҳукми билан тайинланган муддатга мутаносиб равишда ҳисобланади. Бундан ташқари, ушбу моддада хорижий давлат судининг қарори билан тайинланган қўшимча жазони тан олиш ва ижрога қаратиш суд томонидан ушбу жиноятнинг хусусиятидан келиб чиққан ҳолда, Ўзбекистон Республикасининг Жиноят ва Жиноят-процессуал кодексларида мувофиқ ҳал қилинади. Хорижий давлат судининг қарори билан тайинланган жазонинг маҳкум томонидан ўталган қисми суд томонидан ажрим чиқаришда жазо муддатига қўшиб ҳисобланади.

Янги Қонун хориждаги фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқлари ва эркинликлари самарали ҳимоя қилинишини кучайтиришга, миллий қонунчиликда озодликдан маҳрум этилган шахсларни ҳамда ўзига нисбатан тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари қўлланилган шахсларни қабул қилиб олиш ва бериш тартибининг норматив-ҳуқуқий асосини шакллантиришга ҳамда уларга белгиланган жазони ўз давлатида ўташ имкониятини бериш орқали ижтимоий реабилитация қилинишини жадаллаштиришга хизмат қилади. Жиноий суд ишларини юритиш соҳасидаги халқаро ҳамкорликга оид процессуал қонунчиликнинг такомиллаштирилиши авваломбор инсон ҳуқуқлари ва манфаатларини яна бир бор ҳимоя қилиш, мамлакатимизда халқаро ҳуқуқий муносабатларни ривожлантиришга имконият беради.

Дилбар СУЙОНОВА,

Тошкент давлат юридик университети,
Жиноят-процессуал ҳуқуқи кафедраси профессори,
юридик фанлар доктори.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. //Т., “Ўзбекистон”, 2024.
2. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси // “Ўзбекистон Республикасининг Кодекслари”, Т., “Адолат”, 2023.
3. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси. “Ўзбекистон Республикасининг Кодекслари”, Т., “Адолат”, 2023.
4. Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида” ги Қонуни (янги таҳрир). //Т., “Адолат”, 2023.

КИБЕРТАҲДИДЛАРНИНГ ОҚИБАТЛАРИ: МОЛИЯВИЙ ЙЎҚОТИШЛАР ВА МАЪЛУМОТЛАРНИНГ БУЗИЛИШИ

Молиявий маълумотларнинг бузилиши ривожланган иқтисодиётлар учун тобора жиддий муаммо бўлиб бормоқда, бу эса уларнинг махфийлигини ошкор этиб, катта йўқотишларга олиб келмоқда. Смит, Белангер ва Легер томонидан олиб борилган тадқиқотга кўра: "Молиявий маълумотларнинг бузилиши частотаси ва оғирлиги йилдан-йилга ошиб бормоқда. Сўнгги беш йил давомида ошкор этилган ёзувлар сони ҳар йили ўртача 27 фоизга кўпайган. Масалан, АҚШда 2017 йилда содир бўлган Equifax маълумотлар бузилиши натижасида 147 миллиондан ортиқ шахсий ва молиявий маълумотлар бузилган, бу компанияга тикланиш ишлари ва ҳуқуқий келишувлар учун тахминан 1,38 миллиард доллар харажат қилдирган. Худди шундай, Буюк Британияда 2016 йилда содир бўлган Tesco Bank ҳужуми натижасида миқозлар ҳисобларидан 2,5 миллион фунт стерлинг ўғирланган бўлиб, бу банкнинг секторидаги заифликларни очиб берган".

Ривожланаётган иқтисодиётлар ҳам молиявий маълумотларни ҳимоя қилишда сезиларли қийинчиликларга дуч келмоқда. Гарсиа Бровн тадқиқотида кўра: "Сўнгги беш йил давомида ривожланаётган давлатларда ошкор этилган ёзувлар сони ҳар йили ўртача 31 фоизга ошган. Масалан, Ҳиндистонда 2017 йилда содир бўлган Aadhaar маълумотлар бузилиши натижасида тахминан 1,1 миллиард кишининг шахсий ва молиявий маълумотлари ошкор бўлган. Бу эса ҳукумат томонидан мажбурий жорий этилган биометрик идентификация тизимларининг хавфсизлиги борасида хавотирларни кучайтирган. Бразилияда эса 2020 йилда содир бўлган Serasa Experian маълумотлар бузилиши 220 миллиондан ортиқ одамнинг маълумотларини ошкор этган бўлиб, бу кредит ҳисобот тизимидаги заифликларни кўрсатиб берган".

Молия маълумотларининг бузилиши ривожланаётган иқтисодиётларда катта муаммолар туғдиради, чунки чекланган ресурслар ва ривожланаётган технологик инфратузилма сезгир молиявий маълумотларни ҳимоя қилишдаги заифликларни оширади. Гарсиа ва бошқалар тадқиқотида кўра ривожланаётган давлатларда молиявий маълумотлар бузилишининг частотаси ва оғирлиги ортиб бормоқда. Ҳиндистонда, аввал таъкидланган Aadhaar бузилишидан ташқари, 2016 йилда State Bank of India маълумотларининг бузилиши натижасида миллионлаб миқозларнинг молиявий маълумотлари ошкор бўлган. Бу ҳолат банкнинг секторида киберхавфсизлик чораларининг аҳамиятини яна бир бор кўрсатган.

Жанубий Африкадаги иқтисодиётлар ҳам молиявий маълумотлар бузилиши муаммоларига дуч келган. Мбатха ва Мхланга томонидан ўтказилган тадқиқотга кўра Нигерияда 2019 йилда содир бўлган Unity Bank маълумотлар бузилиши миқозларнинг маълумотларини ошкор қилган ва банкнинг секторида кучли киберхавфсизлик чораларининг зарурлигини таъкидлаган. Худди шундай, Жанубий Африкада 2020 йилда содир бўлган Experian маълумотлар бузилиши 24 миллиондан ортиқ кишининг шахсий ва молиявий маълумотларини ошкор қилиб, кредит маълумотлари тизимидаги заифликларни яна бир бор кўрсатган.

Онлайн таълим соҳасида киберхавфсизлик чораларини кучайтириш ўта муҳим бўлиб, сезгир таълим ва молиявий маълумотларни потенциал бузилишлардан ҳимоя қилишни таъминлайди. Онлайн репетиторлар, одатда, талабалар шахсий маълумотлари ва молиявий транзакцияларини бошқаришда қатнашганлиги сабабли, хавфларни камайтириш учун мустаҳкам киберхавфсизлик чораларини қабул қилишлари лозим.

Биринчидан, Смит ва бошқалар томонидан тавсия қилинганидек: "Шифрлаш протоколларидан фойдаланиш онлайн репетиторлар ва талабалар ўртасидаги мулоқот ва маълумот узатмаларини ҳимоя қилишга хизмат қилади. Ушбу чорада маълумотларни шифрлаш алгоритмларидан фойдаланилиб, улар рухсатсиз шахслар учун ўқиб бўлмайдиган ҳолатга келтирилади, шу билан маълумотларни тутиб қолиш ва рухсатсиз кириш эҳтимоллини камайтиради".

Иккинчидан, Гарсиа ва бошқалар томонидан тавсия этилганидек: "Кўп факторли аутентификацияни жорий этиш, фойдаланувчилардан тизимга киришдан аввал бир нечта идентификация шакллари тақдим этишни талаб қилиш орқали қўшимча хавфсизлик қатлами қўшади".

Бу ёндашув, парол хавфсизлиги бузилган тақдирда ҳам рухсатсиз киришнинг олдини олади ва киберҳужум хавфини самарали равишда камайтиради. Онлайн репетиторлар томонидан бундай киберхавфсизлик чораларининг қабул қилиниши молиявий маълумотлар бузилишларининг тез-тез такрорланиши ва оғирлигига сезиларли таъсир

кўрсатиши мумкин. Шифрлаш протоколлари ва кўп факторли аутентификация зарарли ҳаракат қилувчи томонларнинг талабалар ва молиявий маълумотларга рухсатсиз кириш учун фойдаланадиган заифликларини камайтиради. Рухсатсиз киришнинг олдини олиш орқали ушбу чоралар маълумотлар бузилишининг тез-тез учраб туришига тўсқинлик қилади. Смит ва бошқалар томонидан ўтказилган тадқиқотда маълумотлар бузилиши тенденцияларига оид кузатувлар бунга мисол бўла олади.

Бундан ташқари, ушбу чоралар маълумотлар бузилишининг оғирлигини камайтириши мумкин. Маълумотларнинг шифрланган ҳолати ва кўп факторли аутентификация кибержиноятчиларни қимматли маълумотларни осонликча олишдан қайтаради. Гарсиа ва бошқалар таъкидлаганидек: "Самарали киберхавфсизлик чораларининг ўзи ҳужумларнинг олдини олиш учун кучли тўсиқ вазифасини бажаради". Бу чоралар ҳужумчиларга кўпроқ вақт ва куч сарфлашга мажбур қилади ва бузилишлардан келиб чиқадиган потенциал зарарларни камайтиради.

Молиявий тизимларнинг тезкор рақамлаштирилиши ва онлайн транзакцияларга тобора ортиб бораётган боғлиқлик молиявий маълумотларнинг хавфсизлиги борасидаги ташвишларни кучайтирди. Чунки, турли хил киберхавфсизлик чораларини жорий этишга қарамай, ушбу чоралар молиявий маълумотлар бузилишларининг таъсирини камайтиришда қанчалик самарали экани ҳақида баҳс-мунозаралар ва тадқиқотлар давом этмоқда.

Масалан, Смит ва бошқалар киберхавфсизлик муаммоларининг мураккаб табиати ва уларнинг молиявий секторга таъсирини таъкидлаб, киберхавфсизлик чораларини қабул қилиш кўпинча кибержиноятчиларнинг янги тактикаларидан ортда қолаётганини қайд этади. Бундан ташқари, Гарсиа ва бошқалар кўплаб ташкилотлар киберхавфсизлик ечимларига сармоя киритаётган бўлса-да, ушбу чоралар молиявий маълумотлар бузилишининг олдини олишда турлича натижалар беришини таъкидлайди. Ушбу номувофиқликлар чоралар туридаги фарқлар, ташкилотлардаги заифликлар ва кибер таҳдидларнинг ривожланиши билан боғлиқ бўлиши мумкин. Бу ноаниқликлар орасида киберхавфсизлик чораларининг молиявий маълумотлар бузилишларига ҳақиқий таъсирини ҳар томонлама тушуниш зарурати тобора ортиб бормоқда.

Ривожланаётган иқтисодиётлар, айниқса, киберхавфсизликка тайёргарликнинг пастлиги ва технологик инфратузилманинг заифлиги билан боғлиқ катта қийинчиликларга дуч келмоқда. Гарсиа Бровннинг тадқиқотида кўра, ривожланаётган иқтисодиётлардаги молиявий маълумотлар бузилишининг частотаси ўсишда давом этмоқда. Ҳиндистон, Бразилия, Жанубий Африка каби мамлакатлар молиявий маълумотларни ҳимоя қилишда сезиларли қийинчиликларга дуч келмоқда.

Молиявий маълумотлар бузилиши нафақат иқтисодий йўқотишларга олиб келади, балки молиявий тизимларга бўлган ишончни йўқотади ва иқтисодий ўсиш ва рақамли трансформацияни секинлаштиради. Ривожланган ва ривожланаётган иқтисодиётлар учун самарали киберхавфсизлик стратегияларини жорий этиш ва халқаро ҳамкорликни ривожлантириш зарур. Яхши ишлаб чиқилган хавфсизлик чоралари бу бузилишларнинг олдини олишда ва уларнинг таъсирини камайтиришда муҳим рол ўйнайди. Ривожланаётган давлатлар учун киберхавфсизликка оид билим ва ресурсларни кенгайтириш ҳамда самарали стратегияларни ишлаб чиқиш иқтисодий барқарорликни таъминлаш учун зарурдир.

Бобуржон ШОКИРОВ,

Фарғона давлат университети талабаси.

СУДГАЧА САНАЦИЯ ҚИЛИШ – КОРХОНАЛАРНИ СОҒЛОМЛАШТИРИШ ЧОРАСИ СИФАТИДА

Тўловга қобилиятсизлик тўғрисидаги қонунчилик таркибида ўрганиладиган санация институти банкротлик ёқасига келиб қолган тадбиркорлик фаолияти субъектларига ўзининг олдинги ҳолатини, мавқеини тиклаши учун тегишли имтиёзлар беради.

Бинобарин, тўловга қобилиятсизлик (банкротлик) жараёнининг асосий мақсади ва йўналиши кўпчилик ўйлагандек, корхонани тугатиш эмас, балки иқтисодий ночор корхоналар фаолиятини тиклашга кўмаклашиш ҳисобланади.

“Санация” тушунчаси лотинча “sanare” сўзидан олинган бўлиб соғломлаштириш, даволаш деган маънони билдиради. Одатда санация корхонанинг тўлов қобилиятини тиклаш ва қарзларни тўлаш мақсадида амалга ошириладиган чоралар тизими сифатида банкротликнинг олдини олишга қаратилади.

“Тўловга қобилиятсизлик тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни (кейинги ўринларда Қонун деб юритилади) нормаларида ҳам судгача санация ва суд санацияси бир-биридан фарқланиб, судгача санация қилиш тушунчасига қарздор юридик шахснинг муассислари (иштирокчилари) ёки унинг мол-мулки эгаси, кредиторлар ва бошқа шахслар томонидан қарздорнинг тўлов қобилиятини тиклаш ҳамда тўловга қобилиятсизлигининг олдини олиш учун кўриладиган чора-тадбирлар саналиши тарзида таъриф берилган.

Сўнгги йилларда тўловга қобилиятсизликка доир ишларни юритишда қарздорни судгача санация қилиш, яъни судгача тўловга қобилиятсизлик ҳолатидан чиқариш учун суддан ташқари бажариш мумкин бўлган чораларга бўлган эҳтиёжнинг ошиб бораётганлигини кўриш мумкин. Қонуннинг 31-моддасида суддан ташқари тўловга қобилиятсизликнинг олдини олиш учун бажариладиган тартиб-таомиллар қато-

рига судгача санация қилиш ҳамда қарздорни ихтиёрий равишда тугатиш (фаолиятини тугатиш) ҳам киради.

Бугунги рақобатга асосланган бозор муносабатлари шароитида корхоналарни судгача санация қилиш институтидан кенг фойдаланиш ва уни янада ривожлантиришга эҳтиёж мавжуд.

Хорижий давлатларда судгача санация қилиш институти кенг ривожланган бўлиб, тўловга қобилиятсизлик ҳолатига тушиб қолган корхоналарни соғломлаштириш чораларини кўриш ёки уларни тугатиш билан боғлиқ ишларни суд орқали эмас, балки давлат томонидан қўллаб қувватлаш ёки муайян лицензияланган хизмат турларини таклиф этиш орқали корхоналарни соғломлаштириш чоралари кўрилади. Хусусан, Япония, Сингапур каби қатор давлатларда банкротликнинг олдини олиш судгача санация институтини самарали ташкил этишни назарда тутди.

Судгача санация қилишнинг тўловга қобилиятсизлик тўғрисидаги қонунчилик билан тартибга солиниши борасида ҳам баҳсли фикрлар мавжуд бўлиб, айрим олимлар буни тўловга қобилиятсизлик тўғрисидаги қонунчилик доирасидан ташқари ва бу қонун билан тартибга солинмайдиган муносабатлар сифатида эътироф этишса¹, бошқа олимлар судгача санация қилиш таомилини ташқари бошқарув ва кузатув билан бир қаторда қўлланиладиган тиклашга оид таомил деб ҳисоблайдилар².

Назаримизда, судгача санация қилиш моҳияти билан ҳам судда тўловга қобилиятсизлик тўғрисидаги иш қўзғатилгунига қадар қарздор корхонанинг тўлов қобилияти ва иқтисодий қувватини тиклаш ҳамда унинг келгусида самарали фаолият юритиши учун шароит яратиш чоралари бўлиб, судгача жорий этилиши мумкин бўлган Қонун ва махсус қоидалар билан тартибга солинадиган таомилдир.

Қонуннинг 33-моддасида судгача санация қилишда қарздор сифатида фақат юридик шахслар назарда тутилган бўлиб, санация қилишнинг субъектлари эса қарздор юридик шахснинг муассислари (иштирокчилари), қарздор мол-мулкнинг эгаси, давлат органлари ва бошқа шахслар бўлиши мумкинлиги белгиланган.

Мамлакатимизда айни вақтга қадар судгача санация институти “Қишлоқ хўжалиги корхоналарини санация қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига асосан қишлоқ хўжалиги корхоналарига нисбатан кенг тадбиқ этилиб келинган бўлса, эндиликда давлат бошқа субъектлар, яъни тўловга қобилиятсизлик аломатига эга бўлган корхоналарга нисбатан ҳам унинг тўлов қобилиятини тиклаш ва молиявий соғломлаштиришни давлат томонидан ёрдам кўрсатган ҳолда судгача санация қилиш чораларини белгилашга зарурият юзага келди.

Ўзбекистон Республикасида дастлаб судгача санация қилиш масалалари Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 26 июлдаги “Корхоналарнинг банкротлиги тўғрисидаги қонунчиликни амалга оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар ҳақида”ги қарори билан тасдиқланган “Судгача санациядан

**“...қадим замонларда
ота-боболаримиз олис са-
фарга отлансалар, бир сиқим
тупроқни белларига туғиб
кейтишар экан. Аскар йигит
жангга отланса, уйда қола-
диган хотини ёки маҳбубаси
унга бутун ноннинг бир че-
тини тишлатиб олар экан.
Кейин кемтик нонни асраб
қўяркан. Халқ удумига кўра,
кимнинг ризқ-насибаси уйда
қолган бўлса, у албатта
соғ-саломат қайтиб келади”.**

Чингиз АЙТМАТОВ

ўтказиш тартиби тўғрисида"ги Низом асосида тартибга солинган бўлса, 2024 йил 28 октябрдан ушбу муносабатлар Вазирлар Маҳкамасининг 708-сонли қарори билан тасдиқланган "Судгача санация қилишни давлат томонидан ёрдам кўрсатган ҳолда ўтказиш тартиби тўғрисида"ги низом талаблари билан тартибга солина бошланди.

Ушбу низом судгача санация қилиш давлат томонидан ёрдам кўрсатган ҳолда тўловга қобилиятсизлик аломатига эга бўлган корхонага нисбатан суд томонидан тўловга қобилиятсизлик тўғрисида иш қўзғатилгунига қадар ўтказилади ва корхонанинг тўлов қобилиятини тиклаш ҳамда келгусида самарали фаолият кўрсатиши учун шароитлар яратишни назарда тутди.

Низом талабларига мувофиқ, биринчи навбатда судгача санация қилинадиган давлат томонидан ёрдам кўрсатиладиган корхоналарга ҳаётий муҳим озиқ-овқат ва нооziқ-овқат халқ истеъмоли моллари ҳамда дори-дармонлар ишлаб чиқарувчи корхоналар, давлат мудофааси ва хавфсизлиги сақлаб турилишини таъминловчи корхоналар, республика иқтисодиётини ривожлантиришда муҳим ўрин эгаллаган базавий тармоқ (кон қазиш, энергетика, металлургия, кимё ва бошқа тармоқ) корхоналари, рақобатбардош, экспортбop ва импорт ўрнини босадиган маҳсулотлар ишлаб чиқарадиган корхоналар, замонавий, юқори унумли техника ишлаб чиқаришни ва иқтисодиёт соҳасига янги, прогрессив, ресурс тежайдиган технологияларни жорий этишни таъминлайдиган корхоналар кириши белгиланди.

Тўловга қобилиятсизлик аломати мавжуд бўлган корхонани давлат томонидан ёрдам кўрсатган ҳолда судгача санация қилиш бўйича ваколатли давлат органи — Давлат активларини бошқариш агентлиги саналиб, ушбу кўмакдан фойдаланиш бўйича корхона раҳбари ёки унинг номидан мурожаат қилиш ҳуқуқига эга бўлган шахс томонидан Агентликка ариза тақдим этилади.

Ариза ва тегишли асословчи ҳужжатларни кўриб чиққан ҳолда тўловга қобилиятсизлик аломати мавжуд бўлган корхонани судгача санация қилишни давлат томонидан ёрдам кўрсатган ҳолда ўтказиш тўғрисида Агентлик томонидан қарор қабул қилинади ва кейинчалик унинг самарали ташкил этилиши ва бажарилишини мониторинг қилиш ҳам ушбу давлат органи зиммасига юклатилади.

Судгача санация қилишни давлат томонидан ёрдам кўрсатган ҳолда ўтказиш ўн икки ойдан йигирма тўрт ойгача муддатга жорий этилиб, унда давлат томонидан корхонанинг тўлов муддати ўтказиб юборилган қарзларини тўлиқ ёки қисман бошқа корхоналар ёки шахслар, шу жумладан, корхонанинг кредиторлари томонидан сотиб олиш; ишлаб чиқаришни рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришга мослаб қайта ихтисослаштириш; четдан юқори малакали мутахассисларни жалб этиш; ходимларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш; қарздорнинг тўлов қобилияти тикланиши ҳамда фаолиятини давом эттиришидан манфаатдор бўлган юридик ва жисмоний шахслар томонидан молиявий ёрдам кўрсатиш; қарздорнинг фаолиятини давом эттириши учун кредиторларга тўланадиган тўловлар муддатини кечиктириш ва (ёки) уни бўлиб-бўлиб тўлаш ёхуд қарзлардан чегирма бериш тўғрисида қарздor ва кредиторлар ўртасида келишувга эришишга қаратилган битим; солиқлар ҳамда йигимларни тўлашни ва кредитлар-

ни қайтаришни судгача санация қилиш муддатига кечиктириш; қарздor юридик шахсни қайта ташкил этиш каби асосий чора-тадбирлар кўрилади.

Шунингдек, судгача санация қилиш давомида давлат томонидан тўловга қобилиятсизлик аломатига эга бўлган корхонага хизмат кўрсатувчи банкда илгари амал қилган ҳисобварақлари тўхтатилган ҳолда санация ҳисобварағини очишга рухсат бериш; тижорат банкларидан кредит олишда ёки кредиторлар билан келишув даврида кафилликлар бериш шаклида молиявий ёрдам кўрсатиш; халқаро молия институтлари ва хорижий молия ташкилотлари билан корхоналарни қўллаб-қувватлашга қаратилган лойиҳаларни амалга ошириш, уларга техник ва маслаҳат кўмаги кўрсатилишини ташкил этиш бўйича ўзаро ҳамкорлик қилиш; фойдаланилмаётган асосий воситаларни ва қурилиши тугалланмаган объектларни консервация қилиш ва қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилган бошқа кўмаklar берилиши мумкин.

Судгача санация қилишни давлат томонидан ёрдам кўрсатган ҳолда ўтказиш тартиб-таомили мониторинг натижасида самарасиз эканлиги аниқланганда (бизнес режаси ва (ёки) қарзни узиш жадвали кетма кет уч чорак давомида бажарилмаса) ёки судгача санация қилишни давлат томонидан ёрдам кўрсатган ҳолда ўтказиш муддати тугаганда ёхуд солиқ органи томонидан солиқларни тўлаш бўйича кечиктириш ёки бўлиб-бўлиб тўлашнинг амал қилиши муддатидан олдин тугатилганда, Агентлик судгача санация қилишни давлат томонидан ёрдам кўрсатган ҳолда ўтказишни тугатиш тўғрисида қарор қабул қилади.

Судгача санация қилишнинг вақтинчалик доираси шу билан ифодаланадики, кредитор (кредиторлар), бошқа субъектлар иқтисодий судга банкрот деб топиш тўғрисида ариза билан мурожаат қилмаслигидир. Агарда судгача санация самара бермаган ҳолларда корхонага нисбатан асословчи далиллар кредитор ёки қарздor томонидан тақдим этилган тақдирда ва банкротлик ишини қўзғатиш бўйича ҳужжатлар етарли бўлса, суд томонидан банкротликка доир иш қўзғатиш ҳақидаги ариза қабул қилиниб, суд тартибида қўлланиладиган тўловга қобилиятсизлик таомилларидан бири жорий этилади.

Хулоса ўрнида шуни қайд этиш лозимки, тўловга қобилиятсизлик жараёнида судгача санация институти самарадорлиги нуқтаи назаридан унинг мавжуд ҳуқуқий базаси яратилганлигини инобатга олиб кенг фойдаланиш амалиётини йўлга қўйиш лозим, зеро ушбу чораларни ўз вақтида ва самарали қўллаш жамиятда иқтисодий барқарорликни таъминланишга, корхонанинг иқтисодий салоҳиятини ва иш ўринларини сақлаб қолишга, тадбиркорлик субъектларининг пул маблағлари ва бошқа мол-мулкдан оқилона фойдаланиш, мулкдорларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлашга кўмаклашади.

Раҳматжон БЕРДИЯРОВ,

*Тошкент шаҳар судининг судьяси,
ю.ф.ф.д.(Phd).*

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Постатейный комментарий к ФЗ "О несостоятельности (банкротстве)" / Под ред. В.В.Витрянского. – М.: Статут, 2001. – С. 38; Бельх В.С., Дубинин А.А., Скуратовский М.Л. Правовые основы несостоятельности (банкротства). – С. 136.
2. Свит Ю. Восстановительные процедуры – способ предотвращения банкротства // Российская юстиция. – 1998. – № 3.

“МЕХРОБДАН ЧАЁН”НИ ТАКРОР ЎҚИШДАН ЗЕРИКМАЙМАН

“Меҳробдан чаён” ўзбек адабиётининг ёрқин намунаси ҳисобланиб, ўша давр учун адабиётимизда янгилик бўлган асардир. Унда асосан, жамиятнинг турли қатламларидаги одамларнинг ички дунёси, ҳаётдаги адолатсизликларга қарши курашлари ва ижтимоий-сиёсий вазият тасвирланган. Жумладан, бир томондан муҳаббат, садоқат ва умид каби олий туйғулар, бошқа томондан эса хиёнат, адолатсизлик ва инсоннинг ички мижазолари ифодаланган. Китобда муаллиф ўзининг халқига хос хусусиятларни ва ижтимоий муҳитни улкан маҳорат билан акс эттирган.

Роман ёзилган даврда Ўзбекистондаги жамиятни ўзгартириш жараёнлари фаол давом этаётган эди. Шунинг учун ҳам унда ижтимоий тенгсизлик, қийинчиликлар ва янги дунёқарашнинг шаклланиши каби мавзулар кўтарилган. Асар, шунингдек, инсонлар ўртасидаги муносабатларнинг мураккаблигини ва уларнинг ички қарама-қаршиликларини ўрганади.

“Меҳробдан чаён”да асосий қаҳрамон меҳробни ёки руҳонийликни ўз ҳаётининг мақсади сифатида қабул қилган бир ёш инсондир. У ўзининг ички изланишлари ва мақсадларига эришиш учун турли қийинчиликлар ва қарама-қаршиликларга дуч келади. Бу қаҳрамон ҳаёти давомида кўплаб синовлардан ўтиши керак бўлади. Асарда унинг ўзини ўзи англаш йўлидаги изланишлари, дунёқараш ва онгидаги ўзгаришлар ўз ифодасини топган. Анвар — шахс сифатида тоза, қалби муҳаббат ва садоқатга бой, лекин атрофидаги манфаатпарастлик унинг йўлини тўсиб қўяди. Шу боис у фожиали тақдирга учрайди.

Муаллиф Анвар орқали замон оғушида ҳалол инсон қандай азият чекаётганини кўрсатади. Раъно — Анварнинг севгани, романнинг айни пайтда фожеавий қаҳрамонларидан бири.

У нафақат гўзал, балки ақлли, муҳаббатга содиқ, сабр-тоқатли аёл. Унинг муҳаббати, кураши, ҳаёт учун олиб борган интилишлари орқали муаллиф аёллар тақдиридаги зулм, тушкунлик ва фидокорликни кўрсатади. Асар номидаги “чаён” атамаси энг аввало Абдурахмон домла образига тўғри келади. Ташқаридан у диндор, ибодатли, жоме масжидида ваъз қилувчи, халқ ишонган домла.

Аммо, ички моҳиятида у риёкор, мунофиқ, худбин инсон. Унинг барча ҳаракатлари шахсий манфаатини таъминлашга қаратилган. У Анварга қарши фитна қилади, унинг илғор ғояларини бўғмоқчи бўлади. Абдурахмон домла — жамиятдаги кўзбўямачи, дин ниқобида яширилган мунофиқ шахсларнинг тимсолидир.

У “меҳроб”дан чиққан, аммо меҳробнинг моҳиятини уқмаган, қалбида заҳар яширган одамдир. Муаллиф уни “чаён” деб аташ орқали халқни бундай инсонлардан огоҳ бўлишга чорлайди.

Юқоридаги сингари кўринишлар билан асарда жамиятнинг руҳий ҳолати, одамларнинг ички дунёси ва улар ўртасидаги ижтимоий алоқалар кенг муҳокама қилинади, ижтимоий қатламлар орасидаги тафовутлар, одамларнинг турли эҳтиёжлари ва уларнинг

бир-бирига нисбатан қарашлари чуқур таҳлил қилинади.

Бу жиҳатлар асарнинг марказий мавзуларидан бири бўлиб, унда одамларнинг ўзгаришга бўлган эҳтиёжи ва янги жамиятни шакллантиришда қандай рол ўйнашлари кўрсатилади.

Асарда кўтарилган ижтимоий муаммолар ва уларни ҳал қилиш йўллари ҳам катта аҳамиятга эга. Инсоннинг ички дунёсидаги курашлар ва ташқи дунё билан боғлиқ муаммоларнинг бир-бирига таъсири таҳлил қилинади.

Муаллиф, инсоннинг ўзини ўзи англаши жараёнида қандай қилиб жамиятнинг нохуш томонларини енгиб ўтиш ва ўз мақсадларига эришиш мумкинлигини кўрсатади.

Шунингдек, яна бир бошқа муҳим жиҳат — бу муҳаббат ва хиёнат мавзуларидир. Асар қаҳрамонининг ҳаётидаги муҳаббат ва садоқатни излашдаги изланишлари унинг характерини шакллантиради. Асарда муҳаббатнинг ҳар хил шакллари ва унинг инсонлар орасидаги муносабатларга таъсири тасвирланади. Аммо, хиёнат ва унга қарши кураш муҳим ўрин тутди. Қаҳрамоннинг ҳаётидаги энг катта синовлардан бири — бу унинг ўзига хос муҳаббат тушунчаси билан ўзгаришларга қарши туришидир.

Бундан ташқари, қаҳрамон ўзининг ички дунёсидаги қарама-қаршиликлар ва улардан қутилиш учун қилган ҳаракатларини ифодалайди. Руҳий ҳолат, ўзини англаш ва ўзгаришларни қабул қилиш каби масалалар ҳам ёритилган.

Муаллиф, инсоннинг ички курашини тасвирлаш орқали, ҳар бир шахснинг ўзгариш ва тараққиёт йўлидаги муаммоларни қандай енгитиш ҳақида сўз юритади.

Хулоса қилиб айтганда “Меҳробдан чаён” ўзбек адабиётида муҳим ўрин тутадиган XIX аср охири — XX бошларидаги юртимиз ҳудудида мажуд жамият, давлат, инсонлар қиёфасини рўй-рост очиб берган етук жадид адабиётида чуқур из қолдирган асарлардан биридир. У нафақат ўзбек адабиётининг бой мероси, балки инсон руҳининг мураккаблигини англашга ёрдам берувчи ажойиб бир роман сифатида ўзининг аҳамиятини сақлаб қолади.

Анвар ИБРАГИМОВ,

Тошкент шаҳар иқтисодий судлов ҳайъати судьяси.

“СУД ТИЗИМИ” ТУШУНЧАСИНИНГ МАЗМУН-МОҲИАТИ ХУСУСИДА

Суд тизимининг ташкилий-ҳуқуқий асосларини ўрганиш учун, аввало “суд тизими” тушунчасининг мазмун-моҳиятини англаш керак бўлади. Хорижлик ва маҳаллий тадқиқотчиларнинг “суд тизими” тушунчасига оид илмий қарашлари ва ёндашувлари унинг қамров даражаси борасида бир-биридан фарқ қилади.

Суд тизими тушунчасини илмий жиҳатдан ўрганган тадқиқотчиларнинг илмий ишлари таҳлил қилиниши натижасида мазкур тушунча мазмуни қамрови жиҳатидан турли маънода қўлланилаётганлиги маълум бўлди. Ушбу олимларни “суд тизими” тушунчасини нисбатан “тор” ва “кенг” маънода талқин қилувчи гуруҳларга бўлиш мумкин.

Бизнинг назаримизда, “суд тизими” сўзини “тор” маънода таърифлаган мутахассисларнинг мазкур қарашини “классик ёндашув” деб тушуниш мумкин. Чунки, дастлаб суд органлари, суд ҳокимияти борасида давлатларда олиб борилган сиёсий-ҳуқуқий ислохотлар давомида “суд ҳокимияти” тушунчаси билан биргаликда “суд тизими” тушунчаси ҳам илмий-назарий доирада ўрганила бошланган. Аммо ушбу ёндашув вакилларини фақатгина XIX ёки XX аср бошида тадқиқот қилган мутахассислар дея олмаимиз, чунки ҳозирги даврда ҳам илмий доиралардаги ҳар иккала қараш вакиллари ўз илмий позицияларини олға суришмоқда.

Суд тизимини тор маънода талқин қилган тадқиқотчилар ўз илмий ишларида суд тизимини судьялар ёки суд органлари йиғиндиси сифатида тавсифлашган. Фақат уларнинг қарашларида мазкур тушунчага айнан судлов ваколатига эга субъектлар киритилган бўлиб, уларнинг таърифлари қамрови айнан судлов функциясига эга шахслар доирасига қаратилган.

Шу билан биргаликда, суд тизимига нисбатан бу тарзда таъриф берган мутахассисларни ҳам икки тоифага бўлиш мумкин. Биринчи тоифага суд тизимини суд органлари мажмуаси деб қаровчилар ва иккинчи тоифага суд тизимини янада торроқ ва аниқроқ соҳада кўриб, тизим субъектларини индивидуаллаштирган даражада баҳолаган мутахассисларни киритиш мумкин.

Биринчи тоифадагиларнинг қарашига кўра, суд тизими айнан судлов фаолияти билан шугулланувчи, ушбу вазифага масъул қилинган органлар – судлар йиғиндиси бўлиб, ушбу органлар ўзаро алоқдорликда иш юритади. Бу ерда, асосий эътибор айнан институтларга қаратилган бўлиб, тушунча мазмунини ёритишда тадқиқотчилар ташкилотларнинг (суд) мақомига бирламчи урғу беришади. Иккинчи тоифа мутахассислари суд тизимини мустақил судлар ва уларда фаолият юритувчи судьяларнинг бирлашмаси, деб¹ изоҳласа, суд ҳокимияти атамасига илмий таъриф берган Д.Арипов суд ҳокимиятига судьялардан ташкил топган суд органлари тизими² деб таъриф беради. Яъни, ушбу таърифта кўра, суд органлари тизимига суд ҳокимиятини ташкил қилади, суд ҳокимияти айнан суд органларида гавдаланади.

Бизнингча, биринчи тоифа тадқиқотчилари қарашларининг иккинчисидан фарқли жиҳати шундаки, улар суд тизими тушунчасини ёритишда суд органларининг ролига бирламчи даражада қарашган. Чунки, судларда нафақат судьялар, балки, судлов фаолиятига турли даражада кўмаклашувчи мансабдор шахслар (бўлим ва бошқарма бошлиқлари), суд ходимлари ва бошқа мутахассислар ҳам доимий фаолият юритади. Шу сабабли, агар, ушбу тадқиқотчиларнинг таърифлари мазмунига чуқурроқ қирилса, англаш мумкинки, суд тизими доирасига нафақат судьялар корпуси, балки, умуман, суд аппарати вакиллари ҳам қиради.

“Суд тизими” тушунчасини “кенг” маънода талқин қилувчи тадқиқотчилар гуруҳи аъзолари ўз асарларида суд тизимига нафақат судьялар корпуслари ёки суд органлари, балки, судлов фаолиятига кўмак берувчи, уларнинг иш юритишини турли зарурий куч ва воситалар билан таъминловчи, ташкилий-моддий ва бошқа соҳадаги масалалар билан шугулланувчи органлар, идора ва муассасалар ҳамда суд ҳамжамияти органларини ҳам киритадилар. Масалан, И.Носков суд тизимига судлар, уларнинг фаолиятини таъминловчи органлар ва судьялар ҳамжамияти органлари бирлаштирувчи тушунча деб баҳо берган. Ф.Мухитдиновага кўра эса суд тизими ўзгарувчан хусусиятга эга. У суд ҳокимиятини фақатгина одил судловдан иборат эмас³, деб, суд тизимини эса суд ҳокимиятини ташкил этиш шакли деб⁴ қарайди. Е.Бурдина ва И.Никонов эса суд ҳамжамияти органларини ҳам суд тизимига киритишади.

Бизнингча, суд тизими тушунчаси мазмуни, дастлаб, айнан суд органлари фаолиятининг ташкилий ҳолатини ифодалашда қўлланилган бўлса-да, судлов фаолиятининг самарадорлигини ошириш ва судлар мустақиллигини таъминлашга оид назарий қарашлар ва ҳуқуқий ислохотларнинг кенгайиши шароитида ушбу тушунчанинг қўлланилиш қамрови ҳам кенгайиб борган.

Суд тизими тушунчаси рус тилида “система судов”, инглиз тилида “court system” тарзида қўлланилганда, айнан тор маънода – судлар йиғиндиси маъносини акс эттиради. Аммо ушбу тиллардаги “судебная система” ва “judicial system” сўзини қўлалашда бугунги кунда турли ёндашувлар келиб чиқмоқда. Мазкур хилма-хиллик ўзбек тилидаги манбаларда ҳам мавжуд.

Фикримизча, суд тизимига фақатгина судлов ваколатига эга органларни киритиш ҳам ҳуқуқий, ҳам назарий жиҳатдан тўғрироқ бўлади. Чунки суд тизими бевосита суд ваколатини амалга оширувчи, ҳуқуқий ва ташкилий жиҳатдан ўзаро муносабатда ва боғлиқликда бўлган субъектларнинг йиғиндисиدير.

Шу билан биргаликда, суд тизими тушунчасининг кенг маънода қўлланилиши масаласини ўрганишда ушбу ёндашувнинг ҳокимиятлар бўлиниши тамойили асосида суд ҳокимиятининг қамрови доираси билан мувофиқ келишини ҳам қайд этиш зарур. Мазкур тамойилга таянмаса, суд ҳокимияти судлар фаолияти билан боғлиқ барча институтлар ва муносабатларни қамраб олади. Масалан, суд ҳамжамияти органлари, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ҳам ҳокимиятнинг ушбу тармоғига қиради. Мазкур ҳолатда, ушбу ташкилотнинг судьялар дахлсизлигини таъминлаш, судьяларни танлаб олиш, лавозимига қўйиш, лавозимидан олиш борасидаги ваколатлари унинг ҳам суд ҳокимияти доирасида чинакам давлат-бошқарув ва назорат функцияларига, яъни қонунчилик билан ваколат берилган ҳокимият ваколати белгиларига эгаллигини кўрсатади.

Шу билан биргаликда, суд ҳокимиятини ҳам ўз таркибига турли қуйи тизим ва элементларни қамраб олган тизим сифатида кўриш мумкин бўлади. Бу ҳолатда, ушбу тизимни “суд ҳокимияти органлари тизими” деб аташ тўғрироқ бўлади. Мазкур тизим эса, функционал ва институционал жиҳатдан қараганда, ўз таркибига барча судлар ва судлов ваколатига эга бўлмаса-да, судлар фаолиятига кўмаклашувчи, суд иш юритувини турли кўринишда ташкилий жиҳатдан таъминловчи институтларни қамраб олади.

Айнан ушбу ҳолатда, суд ҳокимияти органлари тизими, айрим тадқиқотчилар қўллаб-қувватлаганидек, давлат механизмнинг таркибий элементи, суд ҳокимиятининг ташкилий модели, ташкилий муҳити сифатида намоён бўлади.

Шу ўринда қайд этиш жоизки, бизнингча суд тизими – бу нафақат судлов фаолият билан шугулланувчи органлар – судлар йиғиндиси, балки, ушбу ташкилотлар фаолиятида доимий мавжуд бўлган турли соҳадаги (судлар фаолиятини институционал жиҳатдан ташкил этиш, кадрлар билан ишлаш, рақамлаштириш ва ҳоказо) ташкилий жараёнлар, муносабатлар доираси ҳамдир.

Ўйлаймизки, юқорида тақлиф қилинган илмий таҳлиллар суд тизими ва суд ҳокимиятига доир масалаларни тўғри таҳлил қилишда фойдали бўлади.

Нурмуҳаммад АБУЛСАИДОВ,

Тойлоқ туманлараро иқтисодий суди судья ёрдамчиси.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Изварина А. “Судебная система России: концептуальные основы организации, развития и совершенствования”. – М. Монография. 2014. 303 стр.
2. Арипов Д. “Суд ҳокимияти мустақиллигини таъминлашнинг назарий ва ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш”. – Т. Мақола. Одиллик мезони. 3-сон. 2019.
3. Мухитдинова Ф. “Ўзбекистон Республикасида суд ҳокимиятининг қарор топиши ва ривожланиши”. Автореферат. 2011. 47 стр. // <https://api.ziyounet.uz/uploads/books/493912/56d6b748328c3.pdf>
4. Мухитдинова Ф. “Становление и развитие судебной власти в Республике Узбекистан”. – Т. Автореферат. 2011. 69 стр.

СУД МУҲОКАМАЛАРИДА МАСОФАДАН ТУРИБ ИШТИРОК ЭТИШ ИМКОНИЯТЛАРИ

Ўзбекистон Республикасининг 2025 йил 11 мартдаги “Аҳолига суд муҳокамаларида масофадан иштирок этиш учун янада қулай шароитлар яратилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги ЎРҚ-1047-сонли Қонуни судларни рақамлаштириш ва демократлаштириш жараёнларининг комплекс ва кўп қиррали тизимли босқичини белгилайди. Кейинги йилларда мамлакатимизда судларни рақамлаштириш жараёни бир неча муҳим босқичлардан ўтган бўлиб, ушбу қонун айнан шу жараёнларнинг янги, юқори сифатли босқичини белгилайди. Суд тизимини рақамлаштириш фақат технологик янгиланиш эмас, балки бутун давлат бошқаруви тизимининг философик ва концептуал реставрациясидир.

Қонуннинг асосий моҳияти мамлакатимизнинг ҳуқуқий тизимини глобал демократик ва технологик стандартларга мослаштиришга қаратилган. Видеоконференцалоқа мобил коммуникация технологиялари орқали суд жараёнларининг географик чегараларини бутунлай ўзгартирмоқда. Фуқаролар ўз яшаш жойи бўйича жойлашган судларнинг видеоконференц тизимларидан фойдаланган ҳолда, жисмонан суд залига келмасдан ҳам тўлиқ ҳуқуқли суд жараёни иштирокчиси бўлиши мумкин бўлади. Бу эса судларнинг географик ва процессуал чегараларини янги форматга кўчиради, уларнинг демократик тамойилларини се-зиларли даражада кенгайтиради.

Ахборот технологиялари орқали иштирокчилар шахсини аниқлашнинг инновацион механизмлари суд жараёнларининг хавфсизлиги ва ишончилигини таъминлашга қаратилган. Гувоҳлар, экспертлар ва бошқа иштирокчиларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари аудио ва видео ёзув орқали қайд этилиши назарда тутилган. Бу эса суд жараёнларини ҳужжатлаштириш, мониторинг ва аудиторлик механизмларини янада мукамаллаштиради.

Қонун фуқароларнинг ўз ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилиш йўлида судларга мурожаат қилишни либераллаштиришга, умуман одил судловга эришиш даражасини оширишга ва судлар фаолиятининг очиқлиги ва шаффофлигини таъминлашга имкон берди. Натижада, ариза бериш, ишда масофадан иштирок этиш, суд ҳужжатларини олиш ва ишларнинг кўрилиши ҳақида маълумот олиш каби хизматлар Ўзбекистон Республикаси Олий судининг интерактив хизматлар портали орқали электрон шаклда амалга оширилади.

Ўзбекистон суд тизимида амалга оширилаётган ислохотлар мамлакатимизнинг геосиёсий ривожланиш стратегиясининг энг муҳим таркибий қисми ҳисобланади. Ушбу жараён фақат технологик ечимларни жорий этиш билан чекланмасдан, балки фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятини янги сифат даражасига кўтариш, давлат ва фуқаро ўртасидаги муносабатларни янада демократик ва очиқ форматга ўтказишга қаратилган кенг қамровли стратегия.

Бу стратегия мамлакатимизнинг халқаро аренада демократик ва очиқ давлат сифатидаги обрўсини мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Суд тизимини рақамлаштириш жараёни Ўзбекистонда бир неча мураккаб ва кўп қиррали босқичларни ўз ичига олади. Биринчи босқичда судларнинг очиқлиги ва шаффофлиги оширилди, электрон ҳужжат айланиши жорий этилди. Бу босқичда судларнинг ахборот технологиялари асосидаги инфратузилмаси яратилди ва унинг илк тамойиллари шаклланди. Иккинчи босқичда судларнинг ахборот-коммуникация инфратузилмаси янада мукамаллаштилди, электрон ҳужжат айланиши тизими янада ривожлантирилди. Ҳозирги қонун эса учинчи босқичнинг бошланиши бўлиб, судлар рақамли трансформациясининг янги форматини белгилайди. Бу босқич судларнинг бутунлай рақамли трансформациясини, уларнинг ишини янги технологик платформа асосида ташкил этишни кўзда тутди.

Рақамли трансформациянинг геосиёсий контексти жуда кенг ва кўп қиррали. Ушбу жараён фақат технологик ечимлар тўплами эмас, балки янги геосиёсий реалликларга мослашиш стратегиясидир. Ўзбекистон ўз ҳуқуқий тизимини глобаллаштириш ва демократлаштириш йўлида давом этмоқда. Бу жараён мамлакатимизнинг халқаро муносабатлар тизимидаги ўрни мустаҳкамлашга, унинг очиқ ва инновацион давлат сифатидаги обрўсини оширишга хизмат қилади.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш керакки, Ўзбекистон Республикасининг ушбу қонуни мамлакатимизнинг ҳуқуқий тизимини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтаради. У фақат технологик янгилликларга асосланиб қолмасдан, балки фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш, давлат бошқаруви тизимини янада демократик ва самарали қилишга қаратилган кенг қамровли стратегик ҳужжат ҳам ҳисобланади. Ушбу қонун Ўзбекистоннинг келгуси ривожланиш стратегиясининг муҳим таркибий қисми бўлиб, мамлакатимизнинг янги геосиёсий ва технологик реалликларга мослашувини таъминлайди.

Машхура БАЙБЕКОВА,

Тошкент туманлараро иқтисодий суди судьяси.

ФУҚАРОЛАРНИНГ ОДИЛ СУДЛОВГА БЎЛГАН ҲУҚУҚЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШ

Суд-ҳуқуқ соҳасини такомиллаштириш борасида амалга оширилаётган кўплаб ислохотлар ва ижобий ўзгаришлар билан бирга ислохотга муҳтож бўлган жабҳалар ҳам мавжуд бўлиб, улар судларда иш юкламаларининг ортишига ва одил судловни амалга оширишга ўзининг салбий таъсирини кўрсатиб келмоқда.

Хусусан, Фуқаролик судларида коммунал қарздорликларни ундириш тўғрисида суд буйруғи чиқариш ҳамда уларни ижрога қаратишда қатор салбий ҳолатлар юзага келмоқда.

Фуқаролик процессуал кодекси (ФПК)га кўра, суд буйруғи – низосиз талаблар бўйича, жумладан, коммунал хизматлар юзасидан қарздорликни тасдиқловчи ҳужжатларга асосланган, ундириш тўғрисида ундирувчининг мурожаатига асосан суд муҳокамаси ўтказмасдан бериладиган суд ҳужжатидир.

Ўрганишларга кўра, 01.01.2023 йилдан – 01.07.2024 йил оралиғида судларга коммунал хизматлар тўлови бўйича жами 226 483 та аризалар келиб тушган бўлиб, 191 674 та яъни, 409,4 млрд сўм қарздорликни ундириш тўғрисида суд буйруқлари чиқарилган.

Суд буйруғи низосиз талаб бўлганлиги сабабли суд муҳокамаси ўтказилмайди ва ундирувчи билан қарздор судга чақирилмайди.

ФПКнинг 181-моддаси талабига кўра, қарздор суд буйруғининг кўчирма нусхасини олган кундан эътиборан ўн кунлик муддатда эътирозини судга юбориши лозим.

Статистик маълумотлар таҳлилига кўра, бугунги кунда фуқаролик судларининг асосий иш юкласини – суд буйруғи билан боғлиқ ишлар ташкил этмоқда.

Хусусан, 2023 йилда фуқаролик судлари томонидан кўрилган жами 943 925 та фуқаролик ишларининг 51,2 % ни (483 617 та) суд буйруқлари ташкил этган.

Масалан, ФИБ Оқолтин туманлараро судининг бир нафар судьяси томонидан 2023 йил давомида жами 3 696 та (бир ойда ўртача 272,3 та) фуқаролик иши кўрилган бўлиб, шундан 60,1 % ни (2 222 таси) суд буйруғи ташкил этган.

ФИБ Яккасарой туманлараро судининг бир нафар судьяси томонидан 2024 йил 1-ярмида кўрилган жами 6 123 та (бир ойда ўртача 1020,5 та) фуқаролик ишларининг 83,3 % ни (5 099 таси) суд буйруғи ташкил этган.

Бу каби ишларнинг кўплиги, ўз навбатида, фуқаролик судлари томонидан низоли даъволарни белгиланган процессуал муддатлар ичида сифатли ва ҳар томонлама муҳокама қилган ҳолда пухта кўрилишига тўсқинлик қилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси ФПК талабларига кўра, суд буйруғи норози томон аризасига кўра ҳеч қандай муҳокамаларсиз бекор қилинади ва иш кейинчалик тарафлар даъвосига биноан судда мазмунан кўриб чиқилади.

Аксарият бекор қилинган суд буйруқлари асосида коммунал соҳа ва МИБ вакилларининг иши янада кўпайишига олиб келиб, охири вақтларда суд буйруғини бекор қилиш бўйича ажрим асосида қарздорликларни бекор қилиш ҳолатлари ортиб бормоқда.

2023-2024 йилларда 191 674 та суд буйруғи қабул қилинган бўлса, уларнинг 11,4% ёки 21 797 таси томонлар аризаси асосида бекор қилинган.

Мисол учун, Яккасарой туман МИБ ходимлари томонидан суд буйруғи асосида кўзғатилган ижро ишлари сохта суд ажрими асосида тугатилиб, 374 млн. сўм ундирилган маблағлар талон-торож қилинганлик ҳолати аниқланиб, ЖКнинг 167 ва 228-моддалари билан жиноят иши кўзғатилган.

Юқоридагиларга кўра, коммунал қарздорликларни ундириш билан боғлиқ ишларни кўришда юзага келадиган салбий ҳолатларга чек қўйиш ҳамда судларнинг иш юкласини мақбуллаштириш мақсадида коммунал идораларга тўғридан-тўғри ундирув ваколатини бериш ва ўзаро низо келиб чиққан ҳолдагина суд орқали ишни ҳал этиш амалиётини жорий этиш таклиф этилади.

Коммунал қарздорликларни ундириш билан боғлиқ жараёнлардан суд идорасининг чиқарилиши тизимдаги иш ҳажмини 50 % дан кўпроққа камайтиришга хизмат қилиб, фуқаролик судлари томонидан кўриладиган ишларнинг сифатини оширади.

Шунингдек, халқимизнинг судга мурожаат қилиши, уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш даражасини ва аҳолининг ҳуқуқий билим даражасини ошириш мақсадида умумий фуқаролик суди штат бирликлари негизда республикамизнинг ҳар бир тумани учун алоҳида туман фуқаролик судларини ташкил этиш давр талаби ҳисобланади.

Масалан, Тошкент вилоятининг Оҳангарон ва Ангрен туманлари бир юрисдикция ҳудудига тегишли бўлиб, ушбу туманлар аҳолисининг даъволари Оҳангарон туманлараро фуқаролик суди томонидан кўриб чиқилади. Ушбу ҳолатда, Ангрен тумани аҳолиси судга мурожаат қилиши, суд процессларида иштирок этиш учун 45 км. масофани босиб ўтиши лозимлиги аҳолининг ва ўз навбатида суд идорасининг нормал фаолиятига салбий таъсирини кўрсатиб келмоқда.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш жоизки, халқимиз билан тўғридан-тўғри иш юритиб келадиган фуқаролик судларини ҳар бир ҳудудларда ташкил этиш суд тизимининг ривожланишига хизмат қилиб қолмай, Янги Ўзбекистонда фуқароларнинг одил судловга бўлган конституциявий ҳуқуқини амалда таъминлаш, уларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш ҳамда судларга мурожаат этишда қулайликлар яратишни таъминлайди.

Икромжон МАТМУСАЕВ,

Судьялар олий мактаби мустақил изланувчиси.

ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТАШКИЛОТЛАРИНИНГ ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИ ВА УНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎЛЛАРИ

АННОТАЦИЯ: мақолада олий таълим ташкилотларининг тадбиркорлик фаолиятига оид ўзига хос жиҳатлари миллий қонунчилигимизнинг нормаларини таҳлил қилиш асосида ўрганилган. Шунингдек, ОТТлари таркибида “spin-off” ва “spin-out” корхоналарини ташкил этиш, академик тадбиркорликни ривожлантириш истиқболлари тадқиқ этилган. Соҳага оид хорижий олимларнинг фикрлари ўрганилиб таклифлар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: олий таълим ташкилотларининг тадбиркорлик фаолияти, бюджет маблавлари, хўжалик юритиш фаолияти, “spin-off” ва “spin-out” корхоналари, ҳуқуқ лаёқати.

Ривожланган бозор муносабатлари шароитида давлат ОТТларининг нафақат ҳуқуқий мақоми, балки уларнинг фуқаролик муомаласида иштироки ҳам тубдан ўзгарди. Бугунги амалиёт кўрсатишича, давлат ОТТлари нафақат бюджетдан ажратилган маблағлар доирасида таълим фаолиятини олиб борадилар, балки тижорат таълимини жорий этиш, турли хилдаги пулли таълим хизматларини кўрсатиш, хўжалик юритувчи субъектларга инновацион фаолият маҳсулотини таклиф этиш, тижорат ташкилотлари учун шартнома асосида юқори малакали мутахассисларни тайёрлаш йўли билан ўзлари ҳам пул ишлашлари мумкин. Бу эса айни пайтда ОТТлар томонидан амалга оширилаётган мазкур фаолият турлари ва йўналишлари тадбиркорлик фаолияти ҳисобланиши масаласини ҳуқуқий жиҳатдан аниқлашни кун тартибига қўяди.

Маълумки, тадбиркорлик фаолияти тушунчаси Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 2 майдаги “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги ЎРҚ-328-сон қонунининг 3-моддасида белгиланган. Унга мувофиқ, тадбиркорлик фаолияти тадбиркорлик субъектлари томонидан қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга ошириладиган, ўзи таваккал қилиб ва ўз мулкий жавобгарлиги остида даромад (фойда) олишга қаратилган ташаббускорлик фаолиятидир.

Бундан кўринадики, тадбиркорлик фаолиятининг дастлабки ва энг муҳим белгиси бу фойда олишга қаратилганлигидир.

Ҳуқуқ субъектлари ҳар доим ўз номидан, ўзининг таваккалчилиги ва мулкий жавобгарлиги асосида тадбиркорлик фаолиятини амалга оширадилар. Бу жиҳат тадбиркорлик фаолиятининг белгиси сифатида шахсларнинг фуқаролик муомаласида қатнашишлари, тузилган шартнома мажбуриятларини бажармаслик хавфининг мавжудлиги ва бунинг учун фуқаролик жавобгарлигининг юзага келиши билан боғлиқ.

Тадбиркорлик фаолиятининг навбатдаги белгиси бўйича назариётчилар, хусусан иқтисодчилар ва ҳуқуқшунослар орасида ягона тўхтам мавжуд эмаслигини таъкидлаш лозим. Иқтисодчи мутахассисларнинг ёзишича, тадбиркорлик доимий (профессионал) асосида амалга ошириладиган фаолият ҳисобланади. Бунда битта ёки эпизодик кўринишда товарни ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш, ишни бажаришни тадбиркорлик сифатида баҳолаш мумкин эмас.

Бироқ бу далилга қарши ўлароқ ҳуқуқшунослар “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида” ЎРҚ-328-сон қонунининг 3-моддасида тадбиркорлик тушунчасига берилган таърифда бундай белги мавжуд эмаслигини, шу сабабли бир марталик даромад олишга қаратилган

фаолият учун шахс (асосан, жисмоний шахс) тадбиркорлик фаолияти билан ноқонуний шуғулланганлик учун жавобгарликка тортилиши ва унинг даромадига нисбатан тадбиркорлар учун белгиланган қоидалар қўлланилишини эътироф этишади. Фикримизча, бу баҳсда иқтисодий ёндашув вакиллари ҳақда кўринишади, чунки тадбиркорлик фаолияти – аввало профессионал фаолият сифатида кўрилиши лозим ва тизимли бўлиши зарур. Бир марталик кўринишдаги даромад олишга қаратилган фаолият эса фуқаролик ҳуқуқи субъектларининг одатдаги фаолияти сифатида баҳоланиши ҳамда олинган даромад учун солиқ декларацияси тўлдириш асосида солиқ тўлаш тизимини белгилаш зарур бўлади. Бундай ёндашув ўз навбатида “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги ЎРҚ-328-сон қонунининг 3-моддасига “доимий равишда амалга оширилиши ва тизимлилик” белгиларини қўшиш заруратини кўрсатади. Шундан келиб чиқиб, “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги ЎРҚ-328-сон қонунининг 3-моддасини қуйидаги тахрирда белгилаш мақсадга мувофиқдир:

Тадбиркорлик фаолияти тадбиркорлик субъектлари томонидан қонун ҳужжатларига мувофиқ доимий равишда ва тизимлилик асосида амалга ошириладиган, ўзи таваккал қилиб ва ўз мулкий жавобгарлиги остида даромад (фойда) олишга қаратилган ташаббускорликдир.

Тадбиркорликнинг навбатдаги белгиси – бу фаолиятнинг ўрнатилган тартибда давлат рўйхатидан ўтган субъектлар томонидан амалга оширилишидир. Бу ҳолатда ОТТнинг юридик шахс мақомига эгалиги ва давлат рўйхатидан ўтганлиги унга тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш имконини беради. Зеро, мутахассисларнинг таъкидлашича, бугунги кунда тадбиркорлик фаолиятига кенг эркинликлар берилиши, юридик шахс ташкилий-ҳуқуқий шакллари кенгайиши, хусусий мулк кафолатлари кучайиб бораётган даврда юридик шахснинг универсал ҳуқуқ лаёқати кенг қўлланилишига йўл очиб берганлиги, ОТТ универсал ҳуқуқ лаёқатига эга бўлган юридик шахс сифатида тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишга ҳақлилигини кўрсатади.

Айрим мутахассисларнинг фикрича, ҳар қандай субъектнинг фаолиятида юқорида келтирилган белгиларнинг ҳаммаси бир вақтда жамланса, бундай фаолиятни тадбиркорлик фаолияти сифатида баҳолаш мумкин. Ўз навбатида, тадбиркорлик фаолияти - бу мустақил фаолият олиб бориладиган, тизимли тусга эга бўлган, даромад олишга қаратилган, белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтиб амалга ошириладиган ва асосий мақсади фойда олиш бўлган фаолиятдир.

Бугунги кунда ОТТларнинг тадбиркорлик фаолияти учун хос бўлган жиҳатлардан бири инновацион тадбиркорлик-дир. Чунки, ОТТларга нисбатан амалиётда қўлланилаётган тадбиркорлик фаолиятига хос бўлган жиҳатлар тўлиқ ўз ифодасини топмаслиги мумкин. Масалан, товар ишлаб чиқариш ва уни реализация қилиш, таваккалчилик асосида ўз маблағларини йўналиштириш каби жиҳатлар анъанавий тарзда ОТТнинг тадбиркорлик фаолиятига кирмайди. Шу сабабли ОТТларнинг тадбиркорлик фаолияти йўналишига оид алоҳида жиҳатлар Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясининг 3-параграфи биринчи қисми бешинчи хатбошисида "бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобига стартап лойиҳалари асосида тижоратлаштириш салоҳияти юқори бўлган янги маҳсулотлар ва технологияларни яратиш орқали олий таълим муассасалари ҳузурида илмий-тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этиш билан шуғулланувчи "spin-off" ва "spin-out" корхоналарини ташкил этиш, академик тадбиркорликни ривожлантириш" назарда тутилган.

Америкалик тадқиқотчи Реймонд Смилорнинг ёзишича, академик "spin-off" деганда университетнинг битта ўқитувчиси, ходими ёки талабаси иштирокида ёки университетда ишлаб чиқилган илмий-техникавий фоя ёки технология базаси асосида амалга оширилаётган компания тушунилади.

В.Руденков, М.Белицкий ва А.Огинскаяларнинг фикрича, академик "spin-off" термини остида тадқиқотчилар томонидан таълим ёки илм муассасаси базасида ва уларнинг илмий ишлари натижаси асосида ташкил этиладиган ташкилот тушунилади.

ОТТдаги кичик инновацион корхоналар ва унинг таркибида мустақил спин-офф ташкилотларнинг ажратилиши бир қатор ўзига хосликларга эга бўлади. Хусусан, бундай омилларга қуйидагиларни киритиш мумкин:

- ОТТнинг тавсифи, яъни унинг ихтисослашувчи ва янги технологик жараёнларни ярата олиш лаёқати;
- ОТТда инновация инфратузилмаларининг мавжудлиги;
- ОТТнинг ташқи муҳити, яъни унинг буюртмачилари билан муносабатлари тизими;
- тадқиқотчининг ички манфаатдорлиги.

ОТТлар ҳузуридаги инновация фирмаларини ташкил этиш соҳасида Европада тўпланган тажриба шуни кўрсатадики, ҳозирда бундай ташкилотларнинг қуйидаги схемаларини ажратиш мумкин: "spin-off ва spin-out" компаниялари. Spin-off компаниялари бош компаниядан ажратиладиган шўба фирмалари ҳисобланади ва янги маҳсулот ёки технологияни мустақил ишлаб чиқариш, ўзлаштириш ва бозорга жорий этиш мақсадини кўзлайди. Бу турдаги фирмалар компания бўлимлигини мустақил фирмага ўзгартириш воситасида ташкил этилади.

Spin компаниялар бош компания томонидан ташкил этилган технология ёки ишланма базасида илмий-тадқиқот фаолияти объектини бозорга олиб кириш мақсадида ташкил этилади. Spin компанияларни ташкил этишнинг юқоридаги иккала модели ташкил этилаётган фирмага инвестиция киритиш тизимига асосланади.

Spin-out компания кўп жиҳатдан "spin-off" компания моделига ўхшайди. Бироқ "spin-out" фирма бош компаниядан андоза сифатида ташкил этилади ва у билан узвий алоқаларни сақлаб қолади. Одатда "spin-out" компаниялар ўзларининг

илмий-тадқиқот натижалари билан бозорга чиқмоқчи бўлган ОТТлар томонидан ташкил этилади ва улар орқали ўзларининг илмий фаолияти натижаларини тижоратлаштиради. Spin компанияларнинг яққол устунлиги университет тадқиқотчилари бозорга олиб кирилаётган ихтиролар, технологиялар, илмий ишланмаларни яхшироқ тушунишларида ҳисобланади. Шу боис spin – компаниялар одатда технология ихтирочилари ва яқинда диплом олган студентлардан ташкил топади. Бироқ ихтирони яхши тушуниш олимларга инновацион маҳсулотни ишлаб чиқиш учун мажбурий ҳисобланмайди. Бозорга олиб кириш учун ихтиро ёки технология асосида маҳсулотларнинг истиқболлини ўрганиш ва шундан сўнг улар атрофида бизнесни ташкил этиш лозим. Ушбу босқичдан ўтиш орқали университет spin – компанияси тадқиқот гуруҳининг шакли эмас, балки ҳақиқатда фаолият юритадиган компанияга айланади.

Шундай экан, ОТТлар тадбиркорлик фаолиятининг ўзига хос кўриниши сифатида spin-off ва spin-out тузилмаларини ташкил этиш ва улар фаолиятини йўлга қўйишнинг ҳуқуқий асосларини яратиш долзарб аҳамият касб этади. Чунки, ОТТларнинг илмий тадқиқотлари натижалари асосида бевосита ақлли технологияларни ишлаб чиқиш ва улар асосида инновацион тадбиркорликни йўлга қўйишнинг ташкилий-ҳуқуқий асосларини яратиш, ушбу тузилмалар фаолиятини ҳуқуқий тартибга солишга оид низомларни ишлаб чиқиш ҳам ОТТ ва spin – компаниялар ўртасидаги ҳуқуқий муносабатларни тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш лозим. Шу мақсадда "Ўзбекистон Республикасида спин-компаниялар тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарори билан тасдиқланадиган низомни ишлаб чиқиш ва унда академик spin – компанияларни ташкил этиш, улар фаолиятининг асосий йўналишлари, уларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш усуллари, spin – компаниялари маҳсулотларини ишлаб чиқиш ва реализация қилишда бериладиган имтиёзлар ҳақидаги қоидаларни назарда тутиш лозим.

Элдор ХОМИДОВ,

Судьялар олий мактаби мустақил изланувчиси, (PhD), доцент.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 18-сон.
2. Имомов Н.Ф. Юридик шахс моҳиятининг фуқаролик-ҳуқуқий талқини (назарий масалалар). – Тошкент: ТДЮУ, 2017. – Б. 84-85.
3. Уруков В.Н. Правовое регулирование предпринимательской деятельности государственных образовательных учреждений // Экономика образования. 2012. - № 2. – С. 93.
4. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 09.10.2019 й., 06/19/5847/3887-сон.
5. Smilor R. University spin-out companies: Technology start-ups from UT-Austin / R. Smilor, D. Gibson, G. Dietrich // Journal of Business Venturing. 1990.
6. Netval (2014). Unire I Puntini Per Completare Il Disegno Dell'innovazione. XI Rapporto Netval Sulla Valorizzazione Della Ricerca Pubblica Italiana. Technical Report, Milan, Italy.
7. Руденков В., Белицкий М., Огинская А. Спин-офф организации в университетской среде // <https://cyberleninka.ru/article/n/spin-off-organizatsii-v-universitetskoy-srede/viewer>.
8. O'Shea R. Spinouts From Academic Institutions: A Literature Review With Suggestions For Further Research / R. O'Shea, H. Chugh, T. Allen // Journal Of Technology Transfer. 2008, №6 (33). – P. 653-666.
9. Penrose E. T. The Theory of the Growth of the Firm/ E. T. Penrose. – New York, John Wiley and Sons, 1959.
10. Audretsch D. B. The missing pillar: The creativity theory of knowledge spillover entrepreneurship / D. B. Audretsch, M. Belitski // Small Business Economics. 2013, №4 (41). – P. 819-836.
11. Кузнецова С. А. Инновационный менеджмент/ Кузнецова С. А., Кравченко Н. А., Маркова В. Д., Юсупова А. Т., М.: СОПАН – 2004. – С. 87.
12. Котельников В.Ю. Ten3: Стратегическое управление. Принципиально новые подходы для быстрых перемен. – М.: Эксмо, 2007. – С. 50.
13. Порхун Е.Ю. Спин-компании для отечественных вузов: возможность применения моделей "спин-офф" и "спин-аут" при организации инновационных компаний // Креативная экономика, 2011, № 5. – С. 108.

ҲУҚУҚНИ МУҲОҒАЗА ҚИЛУВЧИ ОРГАНЛАР ФАОЛИЯТИДА СУНЪИЙ ИНТЕЛЛЕКТДАН ФОЙДАЛАНИШНИ ҲУҚУҚИЙ ТАРТИБГА СОЛИШ

АННОТАЦИЯ: мақолада хорижий давлатларнинг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари фаолиятида сунъий интеллект технологияларини хавфсиз ва самарали қўллашнинг асосий жиҳатлари ва мураккаб алгоритмик вазифалари, халқаро ташкилотлар томонидан баҳоланган сунъий интеллектнинг ўсиш суръатлари рейтинг ва уларнинг амалий аҳамияти, дунё мамлакатлариинг сунъий интеллектга оид қонунчилик ва уларнинг халқаро ҳуқуқий стандартларга мувофиқлигини таъминлаш зарурати асосланади.

Калит сўзлар: инновацион ёндашувлар, хавфсиз ва самарали фойдаланиш, сунъий интеллект ўсиш суръати, хорижий давлатлар қонунчилик амалиёти, халқаро ҳуқуқий стандартлар ва моделлар.

Сунъий интеллект технологияларини жорий этиш нафақат техник, балки ҳуқуқий, ахлоқий ва хавфсизлик мезонларини ҳам чуқур таҳлил қилишни талаб этади. Айниқса, прокуратура, тергов ва суд тизимларида сунъий интеллект томонидан қабул қилинган қарорларнинг аниқлиги, асосланганлиги ва инсон ҳуқуқларига зид бўлмаслиги энг муҳим шартлардан биридир. Шу билан бирга, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятида сунъий интеллект технологияларидан хавфсиз ва самарали фойдаланишнинг ҳуқуқий ва амалий жиҳатларини глобал тенденциялар билан уйғунлаштириб бориш, яъни сунъий интеллектни ахлоқий, ҳуқуқий тартибга солиш борасида илғор хорижий давлатлар тажрибаси, шунингдек халқаро ҳуқуқий стандартларни қўллаш стратегик жиҳатдан муҳимлигини англатади.

БМТнинг Савдо ва тараққиёт конференцияси (UNCTAD) маълумотларида 2033 йилга бориб сунъий интеллект бозори қиймати 4,8 триллион долларга етиши таъкидланмоқда¹. Ҳозирги кунда Европа Иттифоқидаги корхоналарнинг 13,48 фоизи ва йирик корхоналарнинг 41,7 фоизи сунъий интеллект технологияларидан фойдаланишмоқда². Бу каби технологиялар ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ва рақамли трансформацияни жадаллаштиришга ёрдам бериши билан бирга ўз навбатида, автоматлаштиришнинг меҳнат бозорига эҳтимолий таъсирини ҳам вуҷудга келтиради.

Шунингдек, Давосда бўлиб ўтган 2024 йилги Жаҳон иқтисодий форумида сунъий интеллект етакчиси Дарио Амодейнинг (Anthropic асосчиси) фикрича, 2026-2027 йилларга келиб деярли барча соҳаларни, деярли барча инсонлардан яхшироқ биладиган, тушунадиган сунъий интеллект тизимлари эгаллаши мумкин³. Шу боис, профессор Ёшуа Бенгю ўзининг хавотирларини сунъий интеллектнинг ҳозирги босқичидаги ҳолатидан келиб чиқиб, яъни унинг худди одамларга ўхшаб ҳар хил қонунчиликдаги бўшлиқларни (лазейкаларни) топа олаётганлигини, бу ҳолатлар, айниқса, келажакда улар янада ақллироқ бўлганда, оғир муаммоли вазиятларни келтириб чиқариши билан изоҳламоқда.

Ўз навбатида, юқоридаги каби сунъий интеллектни яратиш ва уни ишга тушириш билан боғлиқ халқаро вазиятлар уни тартибга соладиган янги ҳуқуқий ва ахлоқий қонунчилик ҳужжатларини яратиш зарурлигини белгилайди. Шундай бўлсада, бугунги кунда тараққий этган давлатларнинг ҳуқуқни қўллаш амалиётида робот судьялар, робот адвокатлар, робот полициячилар фаолият юритмоқда. БАА (Дубай шаҳри) прокуратура органларида сунъий интеллект сўровлар ва шикоятларни автоматлаштирилган тарзда таҳлил қилиш, текширишни бошлаш ёки рад этиш бўйича тавсиялар беради⁴. Буюк Британияда 2019 йилнинг февраль ойида бўлиб ўтган суд тингловида илк бор судланувчига суд мажлисида робот-адвокат маслаҳат бериб турди. Бу “DoNotPay” компанияси томонидан яратилган робот-адвокат судланувчининг смартфонда жойлашган дастур бўлиб, у мижозига суд жараёнида ўзини ўзи ҳимоя қилиш учун зарур маслаҳатлар ва тавсиялар бериб турган⁵.

Бундан ташқари, 2025 йилнинг 25 мартида Қозғистон Республикасининг Олмата шаҳрида яшовчи фуқаро ноқонуний қўлланилган йўл жари-

масини бекор қилиш ҳақида судга мурожаат қилишда ва ариза тайёрлаб беришда ҳуқуқий ёрдамчи сифатида “ChatGPT” чатботидан фойдаланди. Шунингдек, ушбу чатбот унга суд мажлисида судьянинг саволларига реал вақт режимида жавоб беришда ҳам ёрдам берди. Суд тингловидан сўнг, жарима бекор қилинди ва бу тинглов атиги 10 дақиқа давом этди⁶.

Хитой Олий халқ прокуратурасининг “Ақлли прокуратура” номли стратегик дастури расман ишга туширилиб, унда 2025 йилга қадар прокуратура фаолиятини тўлиқ рақамлаштириш ва интеллектуаллаштириш мақсад қилинган⁷.

Шу билан бирга, сунъий интеллект технологияларини ҳуқуқий тизимда қўлланилиши ҳуқуқий ва ахлоқий хавф-хатарларни ҳам юзага келтиради, яъни ҳуқуқий тенгсизлик, дискриминация, бир ёқламалик, маълумотлар махфийлиги, сунъий интеллект қарорларининг адолатлилигини таъминлаш ва ҳуқуқий жавобгарликни аниқлаш каби масалаларга ҳам эътибор қаратиш лозимлигини назарда тутди. Яқинда Бирлашган Миллатлар таълим, илмий ва маданий ташкилоти (UNESCO) томонидан 2024 йил сентябрь ойида ўтказилган сўров натижалари ташвишланарли тенденцияни кўрсатди: суд тизими вакилларининг (жумладан, судьялар, прокурорлар ва адвокатлар) 44 % ўз иш фаолиятида ChatGPT каби сунъий интеллект воситаларидан фойдаланмоқда⁸. Шунингдек, сунъий интеллектнинг афзалликларига қарамай, унинг суд жараёнларида қўлланилиши жиддий хавфларни ҳам келтириб чиқарган. Сўров натижалари инсон ҳуқуқларининг бузилиши эҳтимолини, жумладан шахсий ҳаётга дахлсизлик, сўз эркинлиги ва камситишга йўл қўймасликка доир ахлоқий ва ҳуқуқий муаммоларни аниқлади. Эътиборлиси, суд вакилларининг 10 нафаридан 7 нафари ҳуқуқий соҳада сунъий интеллект чат-ботларидан фойдаланиш хавфларини, хусусан, хато маълумотлар ва бирёқлама ёндашув муаммоларини тан олган. АҚШ Олий суди эса суд жараёнларида сунъий интеллектдан фойдаланиш борасида огоҳлантирган. Бунга сунъий интеллект томонидан тўқиб чиқарилган сунъий интеллект “галлюцинациялари”, яъни мавжуд бўлмаган суд амалиётларига ишора қилиши ёки нотўғри ҳуқуқий манбаларни келтириши сабаб бўлган.

Шу ўринда, айрим хорижий давлатларнинг ҳуқуқий тизимида сунъий интеллектни тартибга соладиган қонунчилик ҳужжатлари таҳлиliga тўхталиб ўтсак. Бугунги кунда тараққий этган хорижий давлатлар томонидан сунъий интеллектни ривожлантириш ва ҳуқуқий тартибга солиш бўйича 7 та халқаро келишув ва 50 дан ортиқ миллий стратегиялар қабул қилинди⁹.

2025 йил 2 февралдан бошлаб, Европа Иттифоқида “Сунъий интеллект тўғрисида”ги қонуни расман қабул қилинди¹⁰. Бу қонун ўз қоидаларини босқичма босқич амалга киритишни назарда тутиб, унинг дастлабки босқичи сунъий интеллектнинг айрим хавфли, яъни хавфсизлик, саломатлик ёки асосий ҳуқуқларга таҳдид солувчи ҳолатлар билан боғлиқ қўлла-ниш усулларини, айрим хавфли технологияларни, яъни заиф гуруҳларни алдаш учун мўлжалланган робот-қўнғироклар, инсон туйғуларини аниқловчи тизимларни таъқиқлайди.

Осиёда Сингапур давлати сунъий интеллект технологияларини суд тизимига жорий этишда эҳтиёткорлик билан ёндашадиган энг илғор давлатлардан бири ҳисобланади. Жумладан, 2024 йилда мамлакатда сунъий интеллектдан фойдаланишнинг ахлоқий ва ҳуқуқий жиҳатларини ўрганиш бўйича махсус комиссия тузилди. Бу комиссия сунъий интеллектнинг суд қарорларига таъсири, инсон ҳуқуқлари ва маълумотларни ҳимоя қилиш масалаларини муҳокама қилди. Жумладан, 2025 йил 10-11 февраль кунлари Францияда бўлиб ўтган "Сунъий Интеллект Ҳаракат Саммити"да (Global AI Action) Сингапурнинг янги сунъий интеллект хавфсизлик ташаббуслари эълон қилинди¹¹.

Жанубий Корея Республикасида сунъий интеллектнинг ахлоқий жиҳатлари ва бошқарув масалалари 2020 йил 23 декабрда қабул қилинган "Сунъий интеллект ахлоқий қоидалари бўйича Миллий Йўриқнома" билан тартибга солинади¹². Сунъий интеллектни яратиш ва ундан фойдаланиш жараёнида инсоният манфаатларини устувор деб билиш зарур. Бу борада эътиборга олиниши лозим бўлган учта асосий тамойил мавжуд бўлиб, улар сунъий интеллект тизимларини инсоният тараққиёти йўлида хизмат қилдиришга қаратилган. Ушбу тамойиллар қуйидагилардан иборат:

— инсон кадр-қимматини ҳурмат қилиш тамойилида ҳар қандай технологик ривожланиш, хусусан сунъий интеллектни қўллашда, инсон шаъни ва ҳуқуқлари олий қадрият сифатида эътироф этилиши лозим;

— жамиятнинг умумий манфаатини ҳисобга олиш тамойилида сунъий интеллектдан фойдаланиш натижалари кенг жамоатчилик манфаатларига хизмат қилиши, ижтимоий адолат ва тенгликни таъминлаши керак. Шунингдек, аҳолининг кенг қатламларини сунъий интеллект имкониятларидан хабардор қилиш ва ундан фойдаланишга йўналтириш учун турли қўринишдаги таълим ва малака ошириш дастурлари жорий этилиши лозим;

— технологиядан тўғри фойдаланиш тамойили эса сунъий интеллект имкониятлари масъулият билан, ҳалоллик, шаффофлик ва хавфсизлик принциплари асосида қўлланилиши зарур. Сунъий интеллектни лойиҳалаш, яратиш, жорий этиш ва ундан фойдаланиш жараёнларида масъулиятли ёндашув зарур. Сунъий интеллект технологияларига бўлган ижтимоий ишончни мустаҳкамлаш учун тизимлар фаолиятининг шаффофлиги ва тушунарлилиги юқори даражада таъминланиши керак.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, ҳар йили дунё миқёсида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар иш юритувида миллионлаб ҳужжат ва далилларни таҳлил қилишда инсон ресурсларига таянилади. Бу жараён кўпинча вақт ва куч талаб қилиши билан бирга, хатолик ва ноаниқликларга олиб келиши ҳам мумкин. Бироқ, бу технологияларни жорий этиш нафақат техник, балки ҳуқуқий, ахлоқий ва хавфсизлик мезонларини ҳам чуқур таҳлил қилишни талаб этади. Айниқса, прокуратура, тергов ва суд тизимларида сунъий интеллект томонидан қабул қилинган қарорларнинг аниқлиги, асосланганлиги ва инсон ҳуқуқларига зид бўлмаслиги энг муҳим шартлардан биридир. Шу боис, сунъий интеллект тизимлари тез фурсатда катта маълумотларни қайта ишлаш ва таҳлил қилиш имкониятига эга бўлсада, бироқ БМТ томонидан ўтказилган сўров натижалари унинг ахлоқий ва ҳуқуқий, айниқса, инсоннинг фундаментал ҳуқуқларига таъсирларини яққол намоён қилмоқда. Бу тизимлар баъзан ноаниқ қарорлар қабул қилиш, шахсий маълумотларнинг хавфсизлигини таъминлашда хатоликлар қиритиш ва айрим гуруҳларга нисбатан дискриминацияни кучайтириш хавфини оширади.

Юқорида келтирилган олимлар ва етуқ амалиётчи мутахассисларнинг сунъий интеллект ҳақидаги фикр-мулоҳазаларидан, халқаро ҳуқуқий стандартлар ва хорижий давлатлар қонунчилик амалиётидан келиб чиққан ҳолда, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятида сунъий интеллект технологияларидан хавфсиз ва самарали фойдаланишни такомиллаштириш мақсадида қуйидаги тавсияларни бериш мақсада мувофиқ бўлади:

Биринчидан, сунъий интеллект технологияларини ҳуқуқий тизимда қўллашда инсоннинг асосий ҳуқуқларини ҳурмат қилган ҳолда ва инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро қонунлар, меъёрий ҳужжатларда белгиланган турли демократик қадриятлар, ҳуқуқларни кафолатловчи тарзда ишлаб чиқиши ва қўлланилиши лозим.

Иккинчидан, ҳуқуқий тизимда сунъий интеллект тўлиқ автоматлаштирилган қарор қабул қилувчи сифатида эмас, балки инсон қарорларига кўмак берувчи восита сифатида ишлаши, яъни сунъий интеллектдан фақат тавсиялар олишда, якуний қарорни эса инсон-терговчи, прокурор ёки судья қабул қилиши лозим.

Учинчидан, прокуратура ва тергов органлари фаолиятида сунъий интеллектнинг ишлаш алгоритмларини мунтазам таҳлил қилиш, нотўғри қарорлар, дискриминацион элементлар ёки алгоритмик ноаниқликларни аниқлаш учун доимий мониторинг ва аудит бўлинмаларини ташкил этиш, уларнинг махсус рухсат, ҳуқуқий ва этик баҳолашлар мезонлари асосида фаолият олиб боришлари таъминланиши лозим.

Тўртинчидан, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг иш юритувидаги маълумотларнинг муҳофазасини кучайтириш мақсадида сунъий интеллект технологияларининг маҳаллий серверларини яратиш ва татбиқ қилиш лозим.

Бешинчидан, сунъий интеллект асосида яратилган ҳуқуқий ишланмаларнинг ҳуқуқий муҳитга мослигини баҳолаш, текшириш мақсадида ҳуқуқшунослар, дастурчилар ва экспертлардан иборат доимий ахлоқий эксперт кенгашларини ташкил этиш лозим.

Олтинчидан, сунъий интеллектдан масъулиятли ва ахлоқий фойдаланиш учун судьялар ва прокуратура ходимлари учун халқаро ёндашувлар асосида махсус йўриқномалар, ўқув курс, дастурларни ишлаб чиқиш ва улар асосида "IT" бўйича таълим берилиши лозим.

Еттинчидан, сунъий интеллект технологияларини ҳуқуқий тизимга жорий этишда миллий, ижтимоий ва ҳуқуқий шароитларни инобатга олиб, прокуратура, суд ва тергов органлари ходимларининг сунъий интеллектдан фойдаланиш жараёнида чекловлар ва мажбуриятларини белгилаб берадиган ягона миллий қонунчилик моделини, яъни "Сунъий интеллект тўғрисида"ги қонун ёки "Сунъий интеллектни қўллаш бўйича ахлоқий йўриқнома"ни ишлаб чиқиш зарур.

Юлдуз ЖАББАРОВА,

*Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси
таянч докторанти.*

Фойдаланилган адабиётлар:

1. <https://www.cnbc.com/2025/04/04/ai-could-affect-40percent-of-jobs-widen-inequality-between-nations-un.html>
2. "Имконият, хатар ва кафолатлар", ҳаммуаллифлар ю.ф.д., профессор М.М.Мамасиддиқов, М.М.Бобоев. "Ҳуқуқ" интерфаол газетасининг 2025 йил 27 февральдаги, 9-сон
3. <https://www.weforum.org/stories/2024/01/artificial-intelligence-ai-innovation-technology-davos-2024/>
4. <https://www.wam.ae/article/b5q8wqe-public-prosecution-develops-ai-supported-work>
5. "Суд ишларини юритишда сунъий интеллект имкониятлари", муаллиф ю.ф.д., профессор М.М.Мамасиддиқов. 2025, "Ҳуқуқ" интерфаол газетаси.
6. <https://www.agenzianova.com/en/news/Kazakhstan-uomo-ingaggia-chatpgt-come-avvocato-e-viene-assolto/>
7. "Хитой прокуратура органларида сунъий интеллектни қўллаш ҳолати ва афзалликлари", ҳаммуаллифлар ю.ф.д., профессор М.М.Мамасиддиқов ва Бош прокуратура Ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш ва ахборот хавфсизлиги бошқармаси бошлиғи ўринбосари М.Исламов, "Одиллик мезони" журнали, 3-сон, 2025 йил.
8. <https://unesdoc.unesco.org/ark:/48223/pf00>
9. "Суд ишларини юритишда сунъий интеллект имкониятлари", муаллиф ю.ф.д., профессор М.М.Мамасиддиқов. 2025, "Ҳуқуқ" интерфаол газетаси.
10. <https://www.wsgr.com/en/insights/the-eus-ai-act-starts-to-apply-as-of-february-2-2025.html>
11. <https://sgaisi.sg/>
12. <https://ai.kisdi.re.kr/eng/main/contents.domenuNO=500011;>

ЖИНОЯТ ИШЛАРИ БЎЙИЧА ДАСТЛАБКИ ТЕРГОВНИ ТЎХТАТИШ ВА ҚАЙТА ТИКЛАШДА ПРОКУРОР НАЗОРАТИ

АННОТАЦИЯ: мақолада жиноят ишлари юзасидан олиб борилаётган дастлабки терговни тўхтатиш ва терговни қайта тиклаш асослари, бу соҳада прокурор назоратини самарали ташкил этиш масалалари таҳлил этилган.

Калит сўзлар: жиноят иши, прокурор, дастлабки тергов, терговни тўхтатиш, терговни қайта тиклаш, тергов ҳаракатлари, айбланувчи, суд-ҳуқуқ, суриштирув.

Дастлабки тергов жиноят процессининг мустақил босқичи ҳисобланиб, у жиноят ишини қўзғатиш билан бошланади ва қонунда белгиланган тартибда ваколатли давлат органлари томонидан жиноятларни очиш, айбдорларни фош этиш, жиноят иши бўйича ишда қатнашаётган фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш ҳамда адолатли қарорлар қабул қилиш фаолиятини ўз ичига олади.

Дастлабки терговда шахсларнинг содир қилган қилмишида жиноят аломатлари бўлмаса ёки қонунда кўрсатилганидек, жазодан озод қилиш асослари мавжуд бўлса, қўзғатилган жиноят ишини тугатиш, жиноятларнинг келиб чиқиш сабаб ва шарт-шароитларини ўрганиб, уни бартараф қилиш чоралари кўрилади.

Дастлабки терговни тўхтатиш – тергов жараёнида тергов олиб борилишига тўсқинлик қиладиган ва тергов ҳаракатларини олиб боришга имкон бермайдиган ҳолатлар вужудга келганда амалга оширилади.

Жиноят иши бўйича тергов ҳаракатлари олиб борилишини тўхтатиш тушунчаси дастлабки тергов мобайнида амалиётда кўп қўлланилади. Чунки, тергов ҳаракатлари олиб борилишига имкон бермайдиган айрим ҳолатлар айнан дастлабки тергов жараёнида кўп учрайди, бу ҳолатлар бартараф этилганидан кейингина дастлабки терговни олиб бориш мумкин бўлади.

Дастлабки терговни олиб бориш учун имкон бермайдиган ҳолатлар Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 364-моддасида қайд қилинган бўлиб, улар дастлабки терговни тўхтатиш асослари деб номланган. Бу моддада дастлабки терговни тўхтатиш асослари билан биргаликда тартиби ҳам белгиланган.

Қонун талабига кўра, дастлабки тергов:

- 1) иш бўйича айбланувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилиниши лозим бўлган шахс аниқланмаган;
- 2) айбланувчининг қаерда эканлиги номаълум бўлган;
- 3) айбланувчи Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан чиқиб кетган, унинг терговга келишини таъминлаш имконияти бўлмаган;
- 4) айбланувчининг иштирок этишини истисно этадиган оғир ва давомли, лекин даволаб бўладиган касалликка чалинган ҳолларда тўхтатилади.

Жиноят иши бўйича дастлабки терговни тўхтатиб туриш учун 2 та шарт мавжуд:

биринчидан, жиноят иши юзасидан олиб борилаётган ҳодисада ҳақиқатдан ҳам жиноят аломатлари мавжуд бўлиши ва буни тасдиқловчи етарли далиллар тўпланган бўлиши талаб қилинади;

иккинчидан, айбланувчининг йўқлигида бажарилиши лозим бўлган барча тергов ва процессуал ҳаракатлар амалга оширилиши керак.

Жиноят иши юзасидан дастлабки терговни тўхтатиш тўғрисидаги қарор терговчи томонидан Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекси 369-моддасида кўрсатилган талаблар асосида чиқарилади. Қарорда ишнинг моҳияти ҳамда терговни тўхтатиш учун асослар, ЖПК 364-моддасининг биринчи қисми 2, 3 ва 4-бандларида назарда тутилган ҳолларда эса, айбланувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилинган шахс ҳам кўрсатилади.

Терговчи жиноят иши юзасидан олиб борилаётган дастлабки терговни тўхтатиш тўғрисида қарор чиқарганидан сўнг, бу ҳақида иш бўйича жабрланувчини, фуқаровий даъвогарни, фуқаровий жавобгарни ва уларнинг вакиллари хабардор қилади.

Тўхтатилган жиноят иши бўйича дастлабки терговни қайта тиклаш – жиноят иши юриштириш тўхтатиш институтининг ажралмас таркибий қисми ҳисобланиб, бу институтнинг вазифаларини амалга оширишда, жиноят-процессуал қонунчилик вазифаларини қўллашда бу икки ҳаракат бир-бирига боғлиқ бўлган ҳолда ягона институтни ташкил этади. Жиноят ишини тўхтатишнинг асосий вазифаси иш бўйича вужудга келган ҳолатларни бартараф этиш ҳисобланади. Бироқ, жиноят ишини қайта тиклашни қўлламасдан жиноят ишини тўхтатиш институтининг вазифаларини амалга ошириб бўлмайди.

Тўхтатилган жиноят иши бўйича дастлабки терговни қайта тиклаш асослари Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекси 371-моддасида қайд қилинган бўлиб, бунга кўра тўхтатилган жиноят иши бўйича дастлабки тергов:

-терговни тўхтатиш учун асос тариқасида назарда тутилган ҳолатлар тўлиқ бартараф этилганида ҳам дастлабки тергов қайта тикланади.

-иш бўйича айбланувчининг иштирокисиз бажарилиши мумкин бўлган қўшимча тергов ҳаракатларини ўтказиш зарурати туғилганида ҳам дастлабки тергов қайта тикланади.

Жиноят иши юзасидан дастлабки терговни тўхтатиш тўғрисидаги қарор қонунга номувофиқ чиқарилган бўлса, прокурор қарорнинг қонунийлигини назорат тартибида ўрганиб чиқади ва уни бекор қилиб, дастлабки терговни қайта тиклаш тўғрисида қарор қабул қилиши мумкин. Шу билан бирга, терговчи дастлабки тергов пайтида йўл қўйилган камчиликларни бартараф этиш ва қонуний қарор қабул қилинишини таъминлашлик учун Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекси 382-моддасига таянган ҳолда ёзма кўрсатма беради.

Жиноят ишини қўзғатиш, дастлабки терговни тўхтатиш ва тугатишнинг қонунийлиги устидан назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси жиноят-процессуал кодекси ва “Прокуратура тўғрисида”ги Қонунига асосан прокурорларга юклатилган. Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси 33-моддасида қайд этилган

нидек, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ва унга бўйсинувчи прокурорлар суриштирув ва дастлабки тергов босқичларида Ўзбекистон Республикаси қонунларининг аниқ ва бир хилда ижро этилиши устидан назоратни амалга оширади.

Қонунларнинг аниқ ва бир хилда бажарилиши устидан прокурор назорати таъминланганида, суриштирув ва дастлабки тергов органлари ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва жиноят процессуал қонунчилиги талабларига асосан қатъий тартибга солиши талаб этилади.

Амалдаги Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси 47-боби, "Суриштирув ва дастлабки тергов органлари, шунингдек терговга қадар текширувни амалга оширувчи органларнинг қонунларнинг ижро этилиши устидан назорат" – деб номланиб, бу соҳадаги прокурорнинг ваколатлари Жиноят-процессуал кодекси 382-моддасида батафсил баён этилган.

Бунга кўра, суриштирув ва дастлабки тергов ҳаракатларини юритишда қонунларнинг ижро этилиши устидан назорат прокурор томонидан амалга оширилади.

Суриштирув ва дастлабки тергов органлари томонидан қонунларнинг ижро этилиши устидан назоратни амалга ошириб, прокурор ўз ваколати доирасида, суриштирувчилар ва терговчиларнинг, шунингдек терговга қадар текширувни амалга оширувчи орган мансабдор шахснинг қонунга хилоф ҳамда асоссиз қарорларини бекор қилади.

Прокурорнинг суриштирув ва дастлабки тергов органларига тергов қилиш билан боғлиқ бўлган берган кўрсатмалари ана шу органлар учун мажбурий ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг 2016 йил 22 февраль кунги "Жиноятчиликка қарши кураш, суриштирув, дастлабки тергов ва тезкор-қидирув фаолиятида қонун устиворлигини ҳамда шахснинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимоясини таъминлаш тўғрисида"ги 129-сонли буйруғида, жиноят ишлари бўйича дастлабки терговни тўхтатиш ва терговни қайта тиклашда прокурор назоратини самарали ташкил этиш масалалари юзасидан аниқ вазифалар белгилаб берилган.

Таъкидлаш лозим, жиноят ишлари бўйича дастлабки тергов устидан прокурор назоратини ташкил этишда бундан ташқари қуйидагиларга алоҳида эътибор қаратиш талаб этилади, яъни:

- дастлабки терговни тўхтатиш ҳақида қабул қилинган қарорларнинг қонунийлиги бир ой муддатда назорат қилувчи прокурорлар томонидан ўрганилишини таъминлаш;
- дастлабки терговни тўхтатилган ишлар бўйича жиноятни фош этиш, айбланувчиларнинг муқаррар жавобгарлигини таъминлашга қаратилган барча чоралар кўрилганлиги синчковлик билан текширилишини таъминлаш;
- терговнинг сансалорликка солинишига, жиноят содир этган шахс аниқ бўлгани ҳолда жиноят фош этилмагани ёки бошқа важлар билан асоссиз тўхтатиш ҳолатларига йўл қўйилмаслигини таъминлаш;
- айбланувчининг касаллиги туфайли терговни тўхтатилган жиноят ишлари юзасидан унинг соғлиги тикланганлиги доимий равишда ўрганиб борилишини таъминлаш;
- айбланувчининг касаллиги туфайли терговни тўхтатилган жиноят ишлари юзасидан унинг соғлиги тикланганлиги доимий равишда ўрганиб борилишини таъминлаш;

- жиноят ишини ҳаракатдан тугатишга етарли асослар мавжуд бўлгани ҳолда, ишнинг судга юборилишига ёки дастлабки терговни тўхтатилишига йўл қўйилмаслигини таъминлаш;

- прокурорлар томонидан Жиноят-процессуал кодексининг 351-моддасига мувофиқ, қўшимча тергов муддати белгиланиб, терговнинг ҳар томонлама, тўлиқ ва ҳолисона ўтказилиши ҳамда қонуний қарор қабул қилиниши устидан қатъий назоратни таъминлаш.

Жиноят ишини тўхтатиш жиноят процессининг чекланган муддатлари ва уларни узайтиришнинг қатъий тартиби билан боғлиқ бўлиб, айрим хорижий мамлакатлар қонунчилигида муддатлар билан чегараланмаган, жиноят процессининг босқичларига нисбатан тўхтатишнинг процессуал қоидалари ҳам белгиланмаган. Масалан, Англия, АҚШ, Франция ва Германия каби давлатларда дастлабки тергов муддат билан чекланмагани боис, дастлабки терговни тўхтатиш институти ҳам мавжуд эмас.

Хулоса қилиб айтганда, жиноят ишлари бўйича дастлабки терговни тўхтатиш ва терговни қайта тиклаш юзасидан қабул қилинган қарорларнинг қонунийлиги устидан прокурор назоратини самарали таъминлашда прокурорларга катта масъулият юклатилган. Прокурорлардан терговчиларнинг иш юритувидаги жиноят ишлари бўйича тергов муддатига қатъий риоя этишлари, иш юзасидан йиғилган далилларни тўла ва ҳолисона текширмасдан, далилларни мустаҳкамламасдан, асосларсиз дастлабки терговни тўхтатиш ҳақида ёки етарли асосларсиз тўхтатилган жиноят иши бўйича терговни қайта тиклаш ҳақида шошма-шошарлик билан қарор қабул қилмасликлари учун назоратни кучайтиришлари талаб этилади.

Зеро, бу йўналишда прокурорлар томонидан назорат тўғри ташкил этилса, жиноят ишлари бўйича дастлабки терговни тўхтатиш ва терговни қайта тиклаш ҳақида қабул қилинган қарорларнинг қонуний, асосли ва адолатли бўлишига, охир оқибат содир этилган ҳар қандай жиноий қилмиш учун жазо муқаррарлигини таъминлашга хизмат қилади.

Баҳодир ХУДОЙБЕРДИЕВ,

Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси мустақил изланувчиси.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Тошкент 2023 йил.
2. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси, "Адолат" миллий ҳуқуқий ахборот маркази. Тошкент-2023 йил.
3. Ўзбекистон Республикасининг "Прокуратура тўғрисида"ги Қонуни (Янги таҳрири, охириги ўзгартиш ва қўшимчалар билан). Тошкент-2023 йил.
4. Б.Х.Пўлатов. Прокурор назорати. Тошкент "Ўзбекистон"- 2009 йил.
5. О.М.Мадалиев. Прокурор назорати. Махсус қисм. Тошкент-2012 йил.
6. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексига шарҳлар. Тошкент-2010 йил.
7. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Олий ўқув курслари. Суриштирув ва дастлабки тергов органларида қонунлар ижроси устидан прокурор назорати. Илмий-амалий қўлланма. Тошкент-2015 йил.
8. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Олий ўқув курслари. "Суриштирув ва дастлабки тергов органларида қонунларга риоя этилиши устидан назоратнинг долзарб масалалари" илмий-амалий мақолалар тўплами. Тошкент -2016 йил.
9. Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг 22.02.2016 йилдаги "Жиноятчиликка қарши кураш, суриштирув, дастлабки тергов ва тезкор қидирув фаолиятида қонун устиворлигини ҳамда шахснинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимоясини самарали таъминлаш тўғрисида"ги 129-сонли буйруғи.

АДВОКАТ МАҚОМИНИНГ ФУҚАРОЛИК ИШЛАРИДАГИ ҲУҚУҚИЙ ЖИҲАТЛАРИ

АННОТАЦИЯ: мақолада Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида адвокатларнинг фуқаролик жараёнидаги ҳуқуқий мақоми халқаро стандартлар ва хорижий мамлакатлар тажрибасини ҳисобга олган ҳолда таҳлил қилинган. Адвокатларнинг асосий ҳуқуқ ва мажбуриятлари, уларнинг мустақиллигини таъминлаш масалалари ҳамда амалиётда учрайдиган муаммоларга алоҳида эътибор қаратилган.

Калит сўзлар: адвокат мақоми, фуқаролик жараёни, ҳуқуқий тартибга солиш, халқаро стандартлар, одил судлов.

Глоблалашув ва ҳуқуқий тизимларнинг мураккаблашиб бориши шароитида адвокатларнинг фуқаролик суд иш юритувидаги роли ортиб бормоқда. Улар фақатгина мижоз манфаатларини ифодаловчи ва ҳимоя қилувчи шахс сифатида эмас, балки жамиятда қонун устуворлигини таъминлаш ва суд адолатини амалга оширишда фаол иштирок этувчи субъект сифатида ҳам муҳим ўрин тутаяди.

Фуқаролик процессуал кодексининг 68-моддасида адвокат тарафлар манфаатларини ишончнома асосида ифодалаш ҳуқуқига эгалиги белгиланган. Шу билан бирга, “Адвокатура тўғрисида”ги Қонунда адвокатларнинг касбий мустақиллиги, мижоз манфаатларини устувор ҳимоя қилиш мажбурияти ва уларнинг ҳуқуқлари кенг тарзда баён этилган.

Фуқаролик жараёнида адвокатнинг асосий ҳуқуқларига қуйидагилар киради:

- иш материалларига кириш ва уларни қўчириш;
- далилларни тақдим этиш ва уларни ўрганишда иштирок этиш;
- илтимосномалар, шу жумладан, судьяларни рад этиш илтимосларини тақдим этиш;
- суд мажлисларида иштирок этиш ва овозга чиқишлар;
- суд ҳужжатларидан шикоят қилиш ҳуқуқи.

Фуқаролик ва иқтисодий жараёнларда адвокатнинг ваколати шартнома асосида шаклланади. Шундай қилиб, суд жараёнларида адвокатнинг фаолияти шартномавий ваколат сифатида баҳоланади. Мижоз, яъни даъвогар ёки жавобгар ўзининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш учун судда иш юритиш ваколатини шартнома асосида адвокатга топширади. Шунингдек, профессионал ҳуқуқий фаолият билан шуғулланиш суд жараёнида фақатгина адвокатларга тегишли ҳисобланади.

“Адвокатура тўғрисида”ги Қонуннинг 91-моддасида қайд этилганидек, адвокатлик фаолияти адвокат ва мижоз ўртасида тузилган юридик ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги келишув (шартнома) асосида амалга оширилади. Бироқ, ушбу шартноманинг мавжуд бўлиши адвокатга суд жараёнларида иш юритиш ҳуқуқини автоматик равишда тақдим этмайди. Бу ҳуқуқни

амалга ошириш учун адвокатга тегишли ордер ва адвокатлик гувоҳномаси талаб этилади.

Адвокатлик фаолиятини амалга оширишда ҳар қандай қўшимча рухсатнома талаб қилиш ёки сунъий тўсиқлар яратиш қонунга хилофдир. Қонунда ушбу тартиб аниқ белгилаб қўйилган бўлиб, ордер ва адвокатлик гувоҳномасидан ташқари бошқа ҳужжатлар талаб этилиши тақиқланади.

“Ўзбекистон – 2030” стратегиясида адвокатлик фаолиятини такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилган бўлиб, бу институтнинг мамлакат ҳуқуқий тизимидаги аҳамияти юқори эканлигидан далолат беради.

Адвокатура мақомини ошириш унинг юриспруденция тизимидаги ролининг муҳимлигини тан олиш, адвокатлик кафолатларини кучайтириш ва фуқароларнинг ҳуқуқларини самарали ҳимоя қилишни таъминлашни ўз ичига олади. Фуқаролар ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишни кучайтирадиган малакали юридик ёрдамдан аҳолининг фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш ислохотларнинг муҳим йўналиши ҳисобланади.

“Ўзбекистон-2030” стратегияси доирасида адвокатлар сонини камида 2000 кишига етказиш режалаштирилган. Ушбу қадамлар адвокатлар юкини камайтириш, юридик ёрдам имкониятини ошириш ва унинг сифатини яхшилашга қаратилган, айниқса мамлакатнинг чекка ҳудудларида.

Адвокатлик фаолиятига оид халқаро стандартлар БМТнинг Юристлар роли тўғрисидаги асосий принциплари (1990), Инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги Европа конвенцияси (Европа Конвенцияси) ва Европа адвокатлар хартияси каби ҳужжатлар билан белгиланган. Ушбу ҳужжатлар адвокатларнинг мустақиллигини, уларнинг профессионал ҳуқуқлари ва кафолатларини ҳимоя қилиш, шунингдек, одил судловга тенг киришни таъминлашни таъкидлайди.

АҚШда адвокатлик фаолияти штатлар ассоциациялари томонидан тартибга солинади, улар профессионал стандартлар ва этика қоидаларини ўрнатади. Адвокатлар мустақиллиги Конституция билан ҳимояланган, малакани текшириш тизими эса мутахассисларнинг юқори даражада тайёргарлигини таъминлайди.

Германия қонунчилиги адвокатлар малакасига юқори талабларни ўрнатади, адвокатлар палаталари эса адвокатларнинг профессионал ҳимоясини таъминлашда фаол иштирок этади. Бу адвокатларга босим ўтказиш ҳолатларини минималлаштириш имконини беради.

Адвокатура институтининг мақоми ва фаолиятини такомиллаштириш фуқаролик жараёнларида қонунийликни таъминлаш ва жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтиришда муҳим аҳамият касб этади. Ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти тамойилларига мос равишда, адвокатларнинг мустақиллиги ва уларга бериладиган кафолатларни мустаҳкамлаш миллий ва халқаро ҳуқуқнинг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади.

Адвокатура институти турли давлатларда ҳар хил тартибга солинади. Миллий қонунчиликни такомиллаштириш бўйича таклифларни ишлаб чиқишда ҳисобга олиниши лозим бўлган ўзига хос жиҳатлар мавжуд.

Шунингдек, хорижий мамлакатлар тажрибаси адвокатлик соҳасида рақамли технологияларни жорий этиш муҳимлигини кўрсатади. Англосаксон ҳуқуқий тизимига эга бўлган давлатларда юридик касб давлат томонидан тартибга солинади ва бу жараён юридик фирмаларни рўйхатдан ўтказиш ҳамда уларнинг фаолиятини назорат қилиш билан боғлиқ бўлиб, уларга юридик хизматлар бозорининг бир қисми сифатида қаралади.

Англосаксон ҳуқуқий тизимидан фарқли ўлароқ, Европа Иттифоқи қонунчилиги адвокатлар учун этик талабларнинг мавжудлиги билан ажралиб туради. Хусусан, Европада адвокатларнинг трансчегаравий фаолиятини тартибга солувчи Европа Иттифоқи

адвокатлари учун Ахлоқ кодекси амал қилади. Бу ҳужжат 1988 йилда Страсбургда Европа адвокатлар ва юридик фирмалар Кенгаши томонидан қабул қилинган. Шу сабабли, мазкур кодекс Европа Иттифоқи мамлакатларидаги барча адвокатлар учун мажбурий ҳисобланади.

Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатадики, адвокатуранинг мустақиллиги ва самарали ҳимоя тизимини яратиш фуқаролик ишлари бўйича одил судловни таъминлашнинг асосий шартларидан биридир. Бу борада БМТ ва халқаро ташкилотлар томонидан қабул қилинган асосий тамойиллар, жумладан, Адвокатлар роли тўғрисидаги БМТнинг Ҳавана тамойиллари ва Европа Кенгашининг адвокатларнинг мустақиллигига оид стандартлари муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистонда фуқаролик жараёнида адвокатлар мақомини ҳуқуқий тартибга солиш ривожланмокда, бироқ уни янада модернизация қилиш талаб этилади. Миллий қонунчиликни халқаро стандартлар билан мувофиқлаштириш, адвокатлар мустақиллигини ҳимоя қилиш ва одил судловга тенг киришни таъминлаш уларнинг иш самарадорлигини оширишнинг асосий вазифалари ҳисобланади. Энг яхши хорижий амалиётларни жорий этиш ва адвокатлар ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг миллий механизмларини ривожлантириш мамлакат ҳуқуқий тизимини мустаҳкамлашга ва унга бўлган ишончни оширишга хизмат қилади.

Миллий қонунчиликни халқаро стандартларга мувофиқ такомиллаштириш, адвокатуранинг ўзини-ўзи бошқариш механизмларини ривожлантириш, адвокатларнинг малакасини ошириш ва рақамли ҳуқуқий хизматлардан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш адвокатлик фаолиятининг самарадорлигини оширишда муҳим аҳамиятга эга. Шу боис, "Ўзбекистон – 2030" стратегияси доирасида адвокатлар мақомини мустаҳкамлаш, уларнинг мустақиллигини таъминлаш ва рақамли ҳужжат айланишини жорий этиш бўйича амалга оширилаётган ислохотлар миллий суд-ҳуқуқ тизимини ривожлантиришдаги муҳим қадамлардан бири бўлиб хизмат қилади.

Шундай қилиб, адвокатура институтини ислох қилиш, унинг мустақиллигини таъминлаш ва адвокатларнинг фуқаролик жараёнларидаги ролини мустаҳкамлаш нафақат миллий ҳуқуқ тизими, балки халқаро миқёсда ҳам мамлакатнинг ҳуқуқий нуфузини оширишга хизмат қилади.

Улуғбек АХМЕДОВ,

Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси мустақил изланувчиси.

*Донишманд киши-
лар айрим нарсалар
устида ўз қузатишлари
пайтида умумий фикр-
лар ва мулоҳазалар юри-
тишга тугма қобили-
ятлари бўлган одамлар
эмас, балки тажриба
орқали асл ҳақиқатга
етишган инсонлардир.*

Абу Наср ФОРОБИЙ

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодекси.
2. Ўзбекистон Республикасининг "Адвокатура тўғрисида"ги Қонуни.
3. БМТнинг Юристарнинг роли тўғрисидаги асосий принциплари (1990).
4. Инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларни ҳимоя қилиш тўғрисидаги Европа конвенцияси.
5. Европа адвокатлар хартияси.
6. Schmitt H. "Rechtsanwalt im deutschen Zivilprozess". // Deutsche Juristische Zeitschrift, 2023.

МДҲга аъзо баъзи давлатларда болаларга нисбатан зўравонлик учун жиноий жавобгарлик

Ҳар бир давлат болаларни ҳимоя қилиш бўйича ўз ҳуқуқий тизимига эга бўлиб, бу борада халқаро стандартлар ва тавсияларга таянади. Болаларга нисбатан зўравонликнинг олдини олиш ва унга қарши курашиш бўйича миллий ҳамда халқаро қонунчиликни қиёсий таҳлил қилиш орқали турли давлатлардаги ҳуқуқий механизмларнинг ўхшаш ва фарқли жиҳатларини аниқлаш, самарали тажрибаларни ўрганиш ҳамда миллий қонунчиликни такомиллаштириш йўлларини белгилаш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексида болаларга нисбатан зўравонлик билан ёхуд зўравонликсиз тарзда содир этиладиган жиноятлар учун белгиланган жавобгарлик чоралари уларнинг ҳуқуқий ҳимоясини тўла таъминлаш учун етарли эмас, деган хулосага келиш мумкин. Бинобарин, шахсга қарши жиноятларнинг айрим турларида (Жиноят кодексининг 97, 104, 112 ва бошқа моддалари) жабрланувчи бола бўлган ҳолат жавобгарликни оғирлаштирувчи ҳолат сифатида назарда тутилмаган. Бу эса болаларга нисбатан содир этиладиган жиноятларга ҳуқуқий таъсирчанликнинг етишмаслиги ҳамда жазо сиёсатида уларнинг алоҳида ҳимояга муҳтож субъект сифатида инobatга олинмаётганини кўрсатади.

МДҲнинг айрим давлатлари тажрибаси шуни кўрсатадики, болаларга нисбатан жиноят содир этилган ҳолатларда жавобгарликни кучайтиришга қаратилган ҳуқуқий воситалар қонунчиликда аниқ белгилаб қўйилган бўлиб, бу орқали улар бола шахсининг алоҳида ҳимоясини таъминлаш масаласини норматив жиҳатдан ҳал этишга эришган. Жумладан:

Қасддан одам ўлдириш (болаларга нисбатан):

- Россия Федерацияси Жиноят кодексининг 105-моддаси 2-қисми “в” банди ушбу ҳолатда бир йилдан икки йилгача озодликни чеклаш билан саккиз йилдан йигирма йилгача озодликдан маҳрум қилиш ёки умрбод озодликдан маҳрум қилиш ёхуд ўлим жазоси билан жазоланади²;

- Қозоғистон Республикаси Жиноят кодексининг 99-моддаси 2-қисми “3” бандида назарда тутилган бўлиб, мол-мулк мусодара қилиниб ёки мусодара қилинмай, ўн беш йилдан йигирма йилгача озодликдан маҳрум қилиш ёхуд умрбод озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади³;

- Беларусь Республикаси Жиноят кодексининг 139-моддаси 2-қисми 2-банди бўйича назарда тутилган бўлиб, саккиз йилдан йигирма беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш ёки умрбод озодликдан маҳрум қилиш ёхуд ўлим жазоси билан жазоланади⁴;

- Украина Жиноят кодексининг 115-моддаси 2-қисмини “2” бандига кўра, ушбу жиноят ўн йилдан ўн беш йилгача ёки умрбод озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади⁵;

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 97-моддаси⁶да болаларга нисбатан қасддан одам ўлдириш жинояти жавобгарликни оғирлаштирувчи ҳолат сифатида алоҳида назарда тутилмаган. Мазкур модданинг 2-қисми “в” бандида “оғир аҳволдаги шахсга нисбатан”

содир этилган ҳолат белгиланган бўлса-да, ушбу норманинг қонуний мазмуни 14 ёшгача бўлган шахслар билан чекланади ва вояга етмаган шахсларни тўла қамраб олмайди. Натижада, агар мазкур жиноят 14 ёшдан 18 ёшгача бўлган шахсга нисбатан содир этилса, у модданинг биринчи қисми асосида малакаланишига олиб келади. Бу эса болаларни тўлиқ ҳуқуқий ҳимоя қилиш механизмлари етарли эмаслигидан далолат беради.

Қасддан баданга оғир шикаст етказиш (болаларга нисбатан):

- Россия Федерацияси Жиноят кодекси (111-моддаси 2-қисми “б” банди) бўйича - икки йилгача озодликни чеклаш ёки чеклашсиз уч йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади;

- Қозоғистон Республикаси Жиноят кодекси (106-моддаси 2-қисми “3” банди) бўйича мол-мулк мусодара қилиниб ёки мусодара қилинмай олти йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади;

- Беларусь Республикаси Жиноят кодекси (147-моддаси 2-қисми 1-банди) бўйича - беш йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўзбекистон Республикасининг амалдаги Жиноят кодексида мазкур масала бўйича ҳуқуқий бўшлиқ мавжуд бўлиб, қасддан баданга оғир ёки ўртача оғир тан жароҳати етказиш жиноятининг болаларга нисбатан содир этилиши жавобгарликни оғирлаштирувчи ҳолат сифатида назарда тутилмаган. Натижада, бундай ижтимоий хавфли қилмишлар учун белгиланадиган жазо чоралари бола шахсининг ҳаёти ва соғлиғига нисбатан махсус ҳимоянинг йўқлиги туфайли, ҳуқуқий таъсирчанлик ва профилактика самарадорлиги нуқтаи назаридан етарли эмас. Бу эса болаларнинг дахлсизлигини кафолатловчи қонунчилик асосларини кучайтириш зарурлигини тақозо этади.

Инсонни ундан аъзолари ва (ёки) тўқималарини трансплантация учун олишга розилик беришга мажбурлаш (Болаларга нисбатан):

Россия Федерацияси Жиноят кодекси 120-модданинг 2-қисмида ҳам инсон аъзолари ёки тўқималарини трансплантация қилиш учун олишга мажбурлаш, айбдорга аён бўлган ожиз аҳволда ёки айбдорга моддий ёки бошқа жиҳатдан қарам бўлган шахсга нисбатан зўрлик ишлатиб ёхуд зўрлик ишлатиш билан кўрқитиб содир этиш учун жавобгарлик белгиланган бўлиб, уч йилгача муайян фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқидан маҳрум қилиб ва усиз икки йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Қозоғистон Республикаси Жиноят кодекси 116-моддасининг 2-қисми "2" банди) мол-мулки мусодара қилиниб, муайян лавозимни эгаллаш ёки муайян фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқидан олти йилгача муддатга маҳрум қилиб ёки усиз олти йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Украина Жиноят кодексининг 144-моддаси 2-қисмига кўра, зўравонлик билан донорлик қилиш, яъни вояга етмаган шахсдан зўравонлик билан қон олиш ва ундан донор сифатида фойдаланиш уч йилгача муайян лавозимни эгаллаш ёки муайян фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқидан маҳрум қилиб ёки усиз беш йилгача озодликни чеклаш ёхуд уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўзбекистон Республикасининг амалдаги Жиноят кодексида ушбу масала юзасидан ҳам ҳуқуқий тартибга солишни такомиллаштириш зарурлиги кўзга ташланади. Яъни, Кодекснинг 115¹-моддасида мазкур қилмиш учун жавобгарлик белгиланган бўлиб, унинг иккинчи қисмида ожиз аҳволдаги шахсга нисбатан содир этилган қилмиш жавобгарликни оғирлаштирувчи ҳолат сифатида қайд этилган. Бироқ, юқорида таъкидланганидек, "ожиз аҳволдаги шахс" тушунчаси вояга етмаган шахсларни тўлиқ қамраб олмайди, бу эса ушбу тоифадаги шахсларга нисбатан жиноий қилмишлар учун ҳуқуқий кафолатларнинг етарлича таъминланмаслигини англатади.

Хулоса ўрнида таъкидлаш лозимки, қатор хорижий давлатлар жиноят қонунчилигида болаларга нисбатан содир этилган айрим тоифадаги жиноятлар жавобгарликни оғирлаштирувчи ҳолат сифатида алоҳида назарда тутилган. Бу эса бола шахсини ҳуқуқий жиҳатдан кучайтирилган ҳимоя объекти сифатида тан олиш амалиётининг ифодасидир. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексида ушбу жиҳатларни инкор этмасдан, болаларга нисбатан содир этиладиган жиноятлар учун жазони оғирлаштиришга қаратилган нормаларни жорий этиш амалдаги ҳуқуқий кафолатларни янада мустаҳкамлашга хизмат қилиши шубҳасиз.

Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикасининг амалдаги Жиноят кодексида болаларга нисбатан содир этиладиган номусга тегиш билан боғлиқ жиноятлар учун назарда тутилган жазо чоралари бола шахсининг жисмоний ва маънавий дахлсизлигини самарали ҳимоя қилиш учун етарли даражада қатъий эмас, деган фикрни илгари суриш мумкин.

Амалдаги Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 118-моддаси тўртинчи қисмида 14 ёшга тўлмаган шахснинг номусига тегиш жинояти учун 15 йилдан 20 йилгача озодликдан маҳрум қилиш жазоси назарда тутилган бўлса-да, мазкур санкциянинг жиноятнинг оғир оқибатлари ва жабрланувчининг ёшига нисбатан муносоиблиги шубҳа остида қолади. Шу боис, жазонинг таъсирчанлиги ва профилактик аҳамиятини ошириш мақсадида ушбу нормани қайта кўриб чиқиш зарур деб ҳисоблаймиз.

Бу борада қатор хорижий давлатларнинг жиноят қонунчилиги тажрибасини илғор деб баҳолаш мумкин. Хусусан, Россия Федерацияси (ЖК 131-м.)⁷, Молдова

(ЖК 171-м.)⁸ Украина (ЖК 153-м.)⁹ Қозоғистон (ЖК 120-м.)¹⁰ каби мамлакатларнинг Жиноят кодексида мувофиқ, вояга етмаганларга нисбатан номусга тегиш жинояти учун 20 йилгача озодликдан маҳрум қилиш жазоси белгиланган бўлиб, агар мазкур жиноят 14 ёшга тўлмаган шахсга нисбатан содир этилса, умрбод озодликдан маҳрум этиш чораси қўлланилиши мумкин. Ўзбекистон Республикасининг амалдаги Жиноят кодексида эса умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазоси фақат икки ҳолатда — қасддан одам ўлдириш ва терроризм жиноятлари учун — назарда тутилган.

Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда, болаларга нисбатан содир этиладиган номусга тегиш жиноятлари учун жавобгарлик чораларини янада қатъийлаштириш, хусусан, агар ушбу жиноят 14 ёшга тўлмаган шахсга нисбатан содир этилган бўлса, 25 йилгача ёки умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазосини жорий этиш ҳуқуқий адолатни таъминлаш, жабрланувчи шахснинг дахлсизлигини мустаҳкам ҳимоя қилиш ва бу турдаги жиноятларнинг олдини олишда самарали профилактик механизм сифатида хизмат қилиши мумкин. Зеро, болаларга нисбатан жинсий зўравонликнинг ҳам жисмоний, ҳам психологик оқибатларни келтириб чиқарадиган ўзига хос деструктив хусусиятини ҳисобга олган ҳолда, хорижий қонунчиликлари ижобий тажрибасини инобатга олиш керак. Бу вояга етмаганлар ва кичик ёшдаги болаларнинг жинсий дахлсизлиги кафолатларини сезиларли даражада кучайтириш имконини беради.

Аббос АБДУҒОФАРОВ,

*Ўзбекистон Республикаси ИИБ Академияси мустақил
ишланувчиси.*

Фойдаланилган адабиётлар:

1. 1924 йилги Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги Женева декларациясида, 1959 йил 20 ноябрда БМТнинг Бош Ассамблеяси томонидан қабул қилинган Бола ҳуқуқлари декларацияси, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси, Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт (23 ва 24-моддаларда), Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт (10-модда), ихтисослашган муассасалар ва болаларнинг фаровонлиги масалалари билан шуғулланувчи халқаро ташкилотларнинг Низомлари ҳамда "Бола ҳуқуқлари тўғрисида"га Конвенция. 20.11.1989. <https://lex.uz/docs/2595913>.
2. "Уголовный кодекс Российской Федерации" от 13.06.1996 N 63-ФЗ (ред. от 28.12.2024) (с изм. и доп., вступ. в силу с 01.03.2025). https://www.consultant.ru/document/cons_doc_LAW_10699/
3. Уголовный кодекс Республики Казахстан. (с изменениями и дополнениями по состоянию на 01.01.2025 г.). https://online.zakon.kz/Document/?doc_id=31575252&pos=5;-106#pos=5;-106
4. Уголовный кодекс Республики Беларусь <https://pravo.by/document/?guid=3871&rp0=hk9900275>.
5. Уголовный кодекс Украины от 5 апреля 2001 года № 2341-III (с изменениями и дополнениями по состоянию на 09.01.2025 г.) https://online.zakon.kz/Document/?doc_id=30418109&pos=8;-106#pos=8;-106
6. O'zbekiston Respublikasining Jinoyat kodeksi. <https://lex.uz/mact/-111453>.
7. Уголовный кодекс Российской Федерации от 13.06.1996 N 63-ФЗ (ред. от 28.12.2024) (с изм. и доп., вступ. в силу с 01.03.2025). <https://www.consultant.ru>.
8. Уголовный кодекс Республики Молдова от 18 апреля 2002 года № 985-XV (с изменениями и дополнениями по состоянию на 06.06.2024 г.). <https://continent-online.com>
9. Уголовный кодекс Украины от 5 апреля 2001 года № 2341-III (с изменениями и дополнениями по состоянию на 09.01.2025 г.). https://online.zakon.kz/Document/?doc_id=30418109&pos=205;62#pos=205;62.
10. Уголовный кодекс Республики Казахстан от 3 июля 2014 года № 226-V (с изменениями и дополнениями по состоянию на 06.03.2025 г.). https://online.zakon.kz/Document/?doc_id=31575252&pos=5;-106#pos=5;-106.

ДАСТЛАБКИ ЭШИТУВ ЎТКАЗИШНИНГ ПРОЦЕССУАЛ АСОСЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

АННОТАЦИЯ: мақолада дастлабки эшитувнинг процессуал асослари, тартиб-таомиллари, ҳуқуқий бўшлиқлар, судьянинг ташаббуси ҳамда тарафларнинг илтимосномаси, дастлабки эшитув муддатлари ва жиноят-процессуал қонунчиликни такомиллаштириш масалалари илгари сурилган.

Калит сўзлар: дастлабки эшитув асослари, жиноят ишини тўхтатиб туриш, тугатиш, прокурорга юбориш, жиноят ишларини бирлаштириш, ажратиш, номақбул далилларни ишдан чиқариб ташлаш, суд ажрими, айбланувчи, ҳимоячи, судья, прокурор.

Ҳуқуқни қўллаш амалиётида жиноят ишларини дастлабки эшитув босқичида кўриб чиқиш муддатини ишни судда умумий тартибда муҳокама қилиш муддатига киритиш ёки киритмаслик масаласида турли ёндашувлар мавжудлигини кўриш мумкин. Бу эса, амалдаги жиноят-процессуал қонунчилиги нормаларини ҳар хил қўллаш натижасида турли тушунмовчиликлар келиб чиқишига сабаб бўлмоқда.

Ваҳоланки, амалдаги ЖПКда дастлабки эшитув босқичининг процессуал асослари, тартиби, муддатлари алоҳида белгиланганлигини кўришимиз мумкин. Унда жиноят ишини судда кўриш учун тайёрлаш босқичида судья узоғи билан ўн сутка ичида тегишли ажримлардан бирини чиқариши лозимлиги кўрсатилган бўлса, ЖПКнинг 405-моддасида жиноят ишини судда муҳокама қилиш муддати ишни муҳокама қилиш бошланган кундан эътиборан икки ойдан ошмаслиги кераклиги кўрсатиб ўтилган. Бундан жиноят ишини судда кўриш учун тайёрлаш босқичи учун белгиланган ўн сутка муддат жиноят ишини судда муҳокама қилиш муддатига қўшилмайди, деган хулосага келишимиз мумкин бўлади.

Шу каби англашилмовчиликларнинг олдини олиш учун бизнингча, амалдаги ЖПКнинг 405-моддаси иккинчи қисмига “Дастлабки эшитув ўтказиш муддатлари жиноят ишини судда муҳокама қилиш муддатига кирмайди”, деб ўзгартириш киритиш мақсадга мувофиқ.

Иккинчидан, жиноят-процессуал қонунчилигида суд томонидан тарафларнинг илтимосига кўра ёки ўз ташаббуси билан жиноят иши бўйича дастлабки эшитув ўтказишнинг умумий тартиби белгиланган бўлса-да, лекин номақбул далилларни чиқариб ташлаш тўғрисидаги ишларда суднинг ташаббус кўрсатиши борасида аниқ қоидалар белгиланмаганлиги ҳуқуқни қўллаш амалиётида турли хил тушунмовчиликлар келиб чиқишига сабаб бўлаётганлигини кўриш мумкин. Айнан мазкур омилни инобатга олиб номақбул далилларни чиқариб ташлаш тўғрисидаги ишларда суднинг ташаббус кўрсатиши амалдаги ЖПКда асослантирилиши даркор.

Унга кўра, амалдаги ЖПКнинг 405¹¹-моддаси, биринчи қисмини “Тарафлар жиноят иши материалларидаги ҳар қандай далилни, агар уларни номақбул далиллар деб ҳисобласа, чиқариб ташлаш тўғрисида илтимоснома беришга ёки суд ўз ташаббусига кўра номақбул далилларни чиқариб ташлаш ҳақида дастлабки эшитув ўтказишга ҳақли”, деб қайд этиш мақсадга мувофиқ.

Учинчидан, амалдаги жиноят процессуал қонунчилигида барча судларда жиноят ишлари ошқора кўрилиши, бундан давлат сирларини кўриқлаш манфаатларига зид келадиغان ҳоллар, шунингдек, жинсий жиноятлар тўғрисидаги ишлар кўрилатган ҳоллар мустасно эканлиги, судларда жиноят ишларининг ошқора кўрилиши принципини чеклайдиган қўшимча талабларни жорий этиш таққиланишига оид қоидалар белгиланган.

Амалдаги ЖПКда жиноят ишлари бўйича дастлабки эшитув ёпиқ суд мажлисида кўриб чиқирилиши қайд этилган. Аммо, бугунги кунда судларнинг дастлабки эшитув ўтказишга етарли асослари мавжуд бўлгани ҳолда видеоконференцалоқа режимидан фойдалана олмаётганликлари жараён иштирокчиларининг ортқича вақт ва ресурс сарфлашларига сабаб бўлмоқда. Бу эса ҳақли эътирозларни вужудга келтирмоқда.

Қонунчиликдаги мазкур қарама-қаршиликларни бартараф этиш мақсадида, АҚШ, Буюк Британия, Канада, Австралия ва Германия каби ривожланган давлатларда дастлабки эшитув очик суд мажлисида кўрилиши инобатга олиниб, қонунчиликда дастлабки эшитув босқичи очик суд мажлисида ўтказилиши лозимлиги ҳақидаги меъёр миллий қонунчилигимизга киритилиши лозим деб биламиз.

Фикримизча, амалдаги Жиноят-процессуал кодекси 405⁶-моддасининг биринчи қисми “Дастлабки эшитув судья томонидан очик суд мажлисида якка тартибда, тарафлар иштирокида ўтказилади, бундан давлат сирларини кўриқлаш манфаатларига зид келадиغان ҳоллар, шунингдек жинсий жиноятлар тўғрисидаги ишлар кўрилатган ҳоллар мустасно”, деб ўзгартирилиши лозим.

Тўртинчидан, ҳуқуқни қўллаш амалиётида дастлабки эшитув босқичида ишни кўриб чиққан судьянинг умумий суд муҳокамасида ҳам иштирок этаётганлиги бўйича турлича талқинлар кузатилмоқда.

Ваҳоланки, амалдаги ЖПКда биринчи инстанция судида ишни кўришда иштирок этган судья ўз иштирокида чиқарилган ҳукм, ажрим бекор қилинганидан кейин ўша ишни кўришда иштирок эта олмаслиги қайд этилган.

БМТ Инсон Ҳуқуқлари Қўмитаси кўрсатмалари, Европа Инсон Ҳуқуқлари Судининг (ЕИҲС) тавсиялари, АҚШ, Буюк Британия, Германия каби ривожланган мамлакатларнинг илғор тажрибалари таҳлилидан келиб чиққан ҳолда дастлабки эшитув босқичида жиноят ишини амалдаги ЖПКнинг 83, 84-моддаси биринчи ва бешинчи қисмлари билан тугатган судья ушбу ишни кейинчалик умумий суд муҳокамасида ва кейинги босқичларда кўришда иштирок эта олмайди деган хулосага келишимиз мумкин.

Амалдаги ЖПКнинг 76-моддасига “Жиноят ишларини дастлабки эшитув босқичида ЖПКнинг 83-моддаси биринчи ва 84-моддаси бешинчи қисмлари билан тугатган судья мазкур жиноят ишини кейинчалик биринчи инстанция судида умумий суд муҳокамасида, апелляция, кассация ҳамда тафтиш инстанциясида кўриб чиқишда иштирок эта олмайди” деб қўшимча киритиш мақсадга мувофиқ.

Бешинчидан, айбланувчи тариқасида ишда иштирок этишга жалб қилиниши ҳақида қарор чиқарилган шахснинг дастлабки эшитув босқичида айбланувчи деб юритилиши бизнингча мунозарали. Сабаби, амалдаги жиноят-процессуал қонунчилигида айбланувчи судда судланувчи деб аталиши ҳақидаги қоидалар белгиланганлиги, дастлабки эшитув суд муҳокамасининг умумий қоидалари бўйича судья томонидан ёпиқ суд мажлисида якка тартибда, тарафлар иштирокида ўтказилиши, амалдаги ЖПКнинг 25-моддаси тўртинчи қисмида судланувчи (айбланувчи эмас) тараф сифатида иштирок этиши қайд этилгани, дастлабки эшитув босқичида жиноят ишлари ЖПКнинг 83, 84-моддаси биринчи, бешинчи қисмлари билан тугатилиши мумкинлиги каби бир қатор қоидаларни инобатга олиб, илғор хорижий мамлакатлар тажрибалари асосида дастлабки эшитув босқичида шахснинг ҳуқуқий мақоми “судланувчи” деб юритилиши асослантирилиши лозим.

Шунга кўра, амалдаги Жиноят-процессуал кодексининг 49¹-бобида "айбланувчи" деган сўзни "судланувчи" деган сўзга тегишли сон ва келишида ўзгартириш мақсадга мувофиқ.

Олтинчидан, амалдаги ЖПКнинг 405¹²-моддасига кўра, судья жиноят ишнинг суд томонидан кўриб чиқишига доир тўсқинликларни бартараф этиш учун уни тарафларнинг илтимосномасига кўра ёки ўз ташаббуси билан прокурорга юборишга ҳақли.

Бироқ, амалдаги қонунчиликда прокурорга юборилган жиноят иши прокурор томонидан қанча вақт ичида судга қайта юборилиши ёки жиноят ишнинг кейинги тақдири ҳақида судни хабардор қилиш механизми мавжуд эмас. Бизнингча, дастлабки эшитув босқичида жиноят ишини прокурорга юбориш тўғрисидаги суд ажримида қандай ҳолатларга аниқлик киритилиши ҳақидаги масалалар билан бир қаторда ажримнинг ижро муддати ёки жиноят ишнинг кейинги тақдири ҳақида судни хабардор қилиш масалалари кўрсатилиши мақсадга мувофиқ деб биламиз.

Еттинчидан, амалдаги ЖПКнинг 13-моддаси биринчи қисмига кўра, жиноят ишлари ҳайъатда кўрилади, Жиноят кодекси 15-моддасининг иккинчи-тўртинчи қисмларида назарда тутилган жиноятлар тўғрисидаги ишлар эса, судья томонидан якка тартибда кўрилади.

Бироқ, амалдаги ЖПКнинг 405⁶-моддаси биринчи қисмида дастлабки эшитув судья томонидан ёпиқ суд мажлисида якка тартибда, тарафлар иштирокида ўтказилиши қайд этилган.

Шу ўринда Жиноят кодексининг 15-моддаси бешинчи қисмида назарда тутилган қасддан содир этилиб, қонунда ўн йилдан ортиқ муддатга озодликдан маҳрум қилиш ёхуд умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазоси назарда тутилган жиноят ишлари дастлабки эшитув босқичида кўриб чиқиши ҳақидаги амалдаги ЖПКнинг 405⁶-моддаси биринчи қисми ҳамда 13-моддаси ўртасида бир-бирига мувофиқ келмайдиган қоидаларни кўришимиз мумкин.

Шунга кўра, ҳуқуқни қўллаш амалиётида турли талқинлар юзага келишининг олдини олиш мақсадида, амалдаги ЖПКнинг 13-моддаси биринчи қисмини "Жиноят ишлари ҳайъатда кўрилади, Жиноят кодекси

15-моддасининг иккинчи-тўртинчи қисмларида назарда тутилган жиноятлар тўғрисидаги ишлар эса судья томонидан якка тартибда кўрилади, Кодекснинг 49¹-бобида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно" деб ўзгартирилиши мақсадга мувофиқ, деб биламиз.

Саккизинчидан, баъзан жиноят ишлари тегишли судларга келиб тушганлиги ҳақида тарафлар хабарсиз қолиб кетаётганликлари оқибатида уларнинг дастлабки эшитув ўтказиш ҳақидаги илтимосномалари судлар томонидан асоссиз рад этилаётганлиги ҳолатлари ҳам учрамоқда.

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг 14.05.2022 йилдаги "Жиноят ишларини биринчи инстанцияда кўриб чиқишга тайёрлаш бўйича суд амалиёти тўғрисида"ги 6-сонли Пленум қарорига кўра, судья айблов далолатномаси ёки айблов ҳулосасининг кўчирма нусхаси айбланувчи томонидан олинган кундан эътиборан уч сутка ўтгандан сўнг берилган дастлабки эшитув ўтказиш тўғрисидаги илтимосномани, башарти илтимоснома бериш муддати ўтказиб юборилиши сабаблари узрли эмас деб топилса, рад этишга ҳақли эканлиги кўрсатилган.

Шунга кўра, амалдаги жиноят-процессуал қонунчиликка жиноят ишлари судларга келиб тушган вақтда тарафларни бу ҳақда хабардор қилган ҳолда тегишли ажримлардан бирини чиқариши мақсадга мувофиқ.

Тўққизинчидан, амалдаги жиноят-процессуал қонунчиликда дастлабки эшитув натижаларига кўра, судья томонидан қуйидаги ажримлардан бири қабул қилинади ёки рад этилади:

- 1) жиноят иши бўйича иш юртишни тўхтатиб туриш;
- 2) жиноят иши бўйича иш юртишни тугатиш;

3) жиноят ишини айблов далолатномасини, айблов ҳулосасини ёки тиббий йўсиндаги мажбурлов чорасини қўллаш тўғрисидаги қарорни тасдиқлаган прокурорга юбориш;

4) жиноят ишларини бирлаштириш ёки ажратиш;

5) номақбул далилларни ишдан чиқариб ташлаш тўғрисида.

Шу ўринда дастлабки эшитув ўтказиш ҳақидаги илтимосномалар суд томонидан рад этилганда ёки дастлабки эшитув натижалари бўйича жиноят ишлари бирлаштирилган ёхуд суд ажрими билан номақбул далиллар ишдан чиқариб ташланганда, суднинг кейинги ҳаракатлари нимадан иборат бўлади деган савол туғилиши табиий.

Мазкур ҳолатга ечим сифатида "амалдаги ЖПКнинг 405¹⁴-моддаси биринчи қисми 1,5-бандларида назарда тутилган асослар рад этилганда ёки жиноят ишларини бирлаштириш, номақбул далилларни жиноят ишдан чиқариб ташлаш тўғрисида ажрим чиқарилганда суд бир вақтда ишни судда кўриш учун тайинлаш масаласини ҳал этишга ҳақли" деган қоида амалдаги жиноят-процессуал қонунчиликда белгилаш мақсадга мувофиқ деб биламиз.

Ҳулоса сифатида жиноят ишларини соддалаштирилган тартибда дастлабки эшитув тарзида кўриб чиқиш орқали сифатли жиноят ишларининг судга келиб тушишини таъминлаш, номақбул далилларнинг процессуал тақдирини ўз вақтида аниқлаш, айблов далилларининг қонунийлиги ва ҳаққонийлигини текширишда тарафларнинг тортишувини таъминлаш, тергов босқичида шахсларнинг бузилган ҳуқуқларини дастлабки эшитув босқичида тўлиқ тиклаш тартибини янада соддалаштириш, жиноят ишларининг кейинги тақдирини тез ва адолатли ҳал этиш муҳим аҳамият касб этади.

Садриддин ЭСАНАЛИЕВ,

*Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси
мустақил ишланувчиси.*

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Д.Г.Дик. "Соотношение познания и доказывания на предварительном слушании по уголовным делам" России. Дис. ... канд. юр. наук.
2. Д.М.Миразов. "Дастлабки тергов идоралари фаолияти устидан контроль ва назоратни такомиллаштиришнинг назарий, ташкилий ва процессуал жиҳатлари". Юридик фанлар доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. 2016 йил, 92-93 бетлар.
3. Д.С.Довудова "PRELIMINARY HEARING OF CRIMINAL CASES: FEATURES, ISSUES AND NEED FOR IMPROVEMENT". International Journal Of Law And Criminology. (ISSN – 2771-2214) VOLUME 02 ISSUE 08 Pages: 19-24.
4. Довудова Дилзода Сулаймановна. "Жиноят процессининг суд муҳокамасида прокурор иштирокининг назарий ва амалий масалалари". Юридик фанлар доктор (DSc) илмий даражасини олиш учун тайёрланган диссертацияси. 2024 й, 5-83.
5. Долгих Татьяна Николаевна, "Институт предварительного слушания в уголовном судопроизводстве России". Диссертация на соискание ученой степени кандидата юридических наук. 2007 г, 50 стр/213.
6. Дудко Н.А. Производство по уголовным делам, рассматриваемым судом с участием присяжных заседателей: предварительное слушание. Барнаул, 2003. С.84
7. Ковтун Н.Н., Юнусов А.А. Полномочия судьи в стадии назначения судебного заседания существенно "подкорректированы" разъяснениями Пленума // Российский судья. - 2004. - № 9. - С. 10-18.
8. М.А.Верещагина. «Процессуальный порядок признания доказательств недопустимыми в ходе предварительного слушания». России. Дис. ... канд. юр. наук. - Челябинск, 2008. - С. 227.
9. М.З.Раджапова. "Жиноят ишларини юқори суд инстанцияларида кўрилишида прокурор функциялари ва ваколатларини такомиллаштириш: қиёсий-ҳуқуқий таҳлил". Юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун тайёрланган ДИССЕРТАЦИЯ. Тошент, 2023 й. 283 б.
10. П.Л.Ишимов. "Процессуальный порядок подготовки уголовного дела к судебному разбирательству". Диссертация на соискание ученой степени кандидата юридических наук. ИЖЕВСК – 2005. Ст 39.
11. С.М.Рахмонова, "Предварительное слушание дела как форма назначения дела к судебному разбирательству". Диссертация на соискание ученой степени доктора юридических наук. – Т. 2018. -, -289 стр.
12. Шодиев Фулом Махамматович "Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини чекловчи тергов ҳаракатлари устидан суд назорати". Юридик фанлар номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация, 2010 йил.
13. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси.
14. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси.

КАССАЦИЯ ИНСТАНЦИЯСИ ИНСТИТУТИНИНГ КЕЛИБ ЧИҚИШ ТАРИХИ ВА РИВОЖЛАНИШИ

АННОТАЦИЯ: мақолада кассация институтининг келиб чиқиши ҳамда юртимизда жорий қилиниш босқичлари, амалга оширилган ислохотлар борасида сўз юритилади.

Калит сўзлар: кассация инстанцияси, апелляция инстанцияси, суд ҳокимияти, "Бир суд – бир инстанция" тамойили, суд қарорларини қайта кўриш институтлари.

"Кассация" французча сўздан олинган бўлиб, "бузиш", "синдириш" маъносини англатади. Қонуний кучга кирган суд қарорлари кассация тартибда юқори инстанцияда қайта текширилади. Кассация суди илк бор Буёк Франция революцияси даврида ташкил этилган. Дастлаб у "Кассация трибунали" деб номланган ва судлар қонун талабларига қатъий риоя қилишлари ҳамда қонун чиқарувчи ҳокимиятининг имтиёзли ҳуқуқига тажовуз қилмасликларини таъминлаган.

XV-XVI асрлар кассация инстанциясининг шаклланиш босқичи ҳисобланади. Бу даврда Францияда кассациянинг ваколатлари ва асосий йўналишлари ривожланди. Шу жумладан, қуйи судларнинг суд қарорлари фақат кассация шикоят доирасида далилларни текшириш судига топширилиши, шунингдек қуйи судларнинг одил судловни амалга оширишда процессуал қонун нормаларига мувофиқлигини аниқлаш каби функциялари вужудга келган.

XVII-XIX асрлар Францияда кассация суд ишларини юритиш институти сифатида энг ёрқин ва жадал ривожланиш даврини бошдан кечирди. Бу даврда қуйидагилар қонунчилик билан мустаҳкамланди: 1) кассация шикоятини топшириш учун вақт чегараси белгиланган ва ўша кундан бошлаб ҳисоблаб чиқилган, эътироз қилинган суд қарорининг чиқарилиши, муддатнинг ўтказиб юборилиши ишни кассация суди томонидан кўриб чиқишига тўсқинлик қилиши; 2) суд қарорини кассацияда кўриб чиқиш учун асослар, бу низони кўриб чиқишнинг процессуал тартибини бузиш, ваколатни суиистеъмол қилиш, суд қарорининг моддий ҳуқуқ нормаларига мос келмаслиги ҳамда суд қарорларининг адолатсиз бўлиши; 3) адолатни ўрнатиш ва қонунни талқин қилиш масалаларида кассация инстанциясининг мустақиллиги белгиланган.

Худди шундай, юртимизда ҳам кассация институтининг жорий этилиши ва ривожланиши узоқ даврни ўз ичига олганлиги сабабли, ривожланиш хронологиясини шартли равишда олти босқичга бўлиб, ўрганишимиз мумкин.

Биринчи босқич 1922-1991 йилларни ўз ичига олиб, бу даврга қадар суд ишлари шарият нормаларига асосланиб, қоzi ва бийлар томонидан амалга оширилган. Мамлакатимиз ҳудудига Чор Россияси босқинидан сўнг 1922 йил 25 июлдаги Низомга асосан, қозилик судларининг ҳукмлари устидан апелляция шикояти бериш учун қозилик судларининг уездлари ташкил этилган.

Фуқаролик, интизомий ҳамда ҳарбий ишлар кассация тартибда РСФСР Олий суди томонидан кўриб чиқилган. Ушбу даврда ЖПК (янги тахрирда 1924-1927 йилда) ҳамда 1959 йилда янги тахрирда ЖПК қабул қилиниши оқибатида суд тизимида биринчи инстанция, кассация, назорат, раёсат, пленум босқичлари ташкил этилган.

Иккинчи босқич 1991-2001 йиллар. Бу даврда Ўзбекистон Республикаси суд тизимини ислоҳ қилиш бўйича кўплаб қонун ва қонуности ҳужжатлари қабул қилинди. Ўтган давр мобайнида кассация институти тубдан ўзгарди.

Хусусан, 1992 йил 8 декабрда Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, 1993 йил 2 сентябрда "Судлар тўғрисида"ги Қонун ва 1994 йил 22 сентябрда янги тахрирдаги Жиноят кодекси ҳамда Жиноят-процессуал кодекслари қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси 1992 йил 8 декабрда қабул қилинган Конституциясининг 11-моддасида, суд ҳокимиятининг мустақил тармоғи сифатида эътироф этилган, 1995 йил 1 апрелдан кучга кирган Жиноят-процессуал кодексига илгари амалда бўлган Жиноят-процессуал кодексларида назарда тутилмаган, ҳукм, ажрим ва қарорларнинг қонунийлиги, асослилиги ва адолатлилигини текшириш ҳамда унинг умумий шартларини белгилловчи ўн биринчи бўлим киритилди.

Учинчи босқич 2001 йилдан 2017 йилгача бўлган даврни ўз ичига олади. Ушбу даврда жиноий жазоларни либераллаштириш, одил судлов самарадорлигини ошириш, судда иш кўрилиши муддатларини қисқартириш, апелляция институтини жорий этиш ҳамда жиноят ва фуқаролик ишларининг кассация тартибда кўрилишини ўзгартириш каби вазифалар амалга оширилди.

Жумладан, бу даврда қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқи судларга олиб берилди, ўлим жазоси ва мол-мулкни мусодара қилиш жазоси бекор қилинди, суд мустақиллигини таъминлаш, судлар фаолиятини ташкилий, моддий-техник жиҳатдан ва молиявий таъминлашни амалга оширувчи Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузурида махсус ваколатли орган ташкил этилди, айбланувчини лавозимидан четлаштириш, шахсни тиббий муасасага жойлаштириш ҳақидаги илтимосномаларни кўриб чиқиш судлар ваколатига ўтказилди, судлар фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологиялари жорий этилди.

Тўртинчи босқич 2017 йилдан 2021 йилга қадар бўлган даврни ўз ичига олади. Бу даврда суд-ҳуқуқ соҳасини ислоҳ этиш борасида 40 дан ортиқ қонун, фармон ва қарорлар қабул қилинди. Қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш борасида стратегик аҳамиятга эга муҳим қадам ташланди.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Олий суди ва Олий ҳўжалик судлари бирлаштирилиб, фуқаролик, жиноий, маъмурий ва иқтисодий суд иш юритуви соҳасида суд ҳокимиятининг ягона олий органи – Ўзбекистон Республикаси Олий суди ташкил этилди.

Мазкур ислохотларни изчил давом эттириш мақсадида, Президентимиз томонидан 2020 йил 24 июль куни "Судлар фаолиятини янада такомиллаштириш ва одил судлов самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПФ-6034-сонли Фармонининг имзоланиши бу соҳада яна бир муҳим қадам бўлди.

Фармонга мувофиқ, суд ҳуқуқ тизимида 2021 йилнинг январидан бир қатор ўзгаришлар юзага келди. Жумладан, Жиноят-процессуал кодексига Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 12 январдаги Қонуни билан "Биринчи инстанция судининг ҳукми, ажрими

устидан апелляция тартибида шикоят бериш (протест билдириш) тўғрисидаги 55¹-боб, "Апелляция тартибида иш юритиш" тўғрисидаги 55²-боб ҳамда "Кассация инстанцияси судида иш юритиш" тўғрисидаги 56¹-бобларининг киритилиши кассация инстанциясида иш юритиш тартибини такомиллаштириш билан суд назоратига бўлган эътибор янада кучайди.

Фармонга асосан суд босқичларини бекор қилиш орқали "Бир суд – бир инстанция" тамойили жорий этилди. Яъни, туманлараро, туман (шаҳар) судларининг қарорларини вилоят даражасидаги судлар томонидан апелляция тартибида, апелляция тартибида кўрилган суд қарорларини кассация тартибида қайта кўриб чиқиш, кассация тартибида кўриб чиқилган ишлар бўйича суд қарорларини эса Олий суд раиси, Бош прокурор ва уларнинг ўринбосарлари протестига кўра кассация тартибида такроран кўриб чиқиш назарда тутилди. Суд ишларини назорат тартибида кўриш институти эса тугатилди.

Бешинчи босқич, 2021 йилдан 2024 йилгача бўлган даврни ўз ичига олади. Мазкур даврда суд тизимидаги амалга оширилган ислохотлар билан бир қаторда, жиноят процессуал қонунчилигига киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар туфайли қонунчилик айрим нормалари ўртасида мазмунан номувофиқликлар ва ҳуқуқий бўшлиқлар мавжудлиги кузатилди.

Жумладан, суд тизимида жорий қилинган "Бир суд – бир инстанция" тамойили Олий суд фаолиятига амалда тадбиқ қилинмаган эди.

Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 28 июлда янги тахрирда қабул қилинган "Судлар тўғрисида"ги Қонунининг 18-моддасига кўра, "Ўзбекистон Республикаси Олий суди ўз ваколатлари доирасида ишларни биринчи, апелляция ва кассация инстанцияси суди сифатида, шу жумладан кассация инстанцияси судида такроран, шунингдек янги очилган ҳолатлар бўйича кўриб чиқади" деб қайд этилган.

Ушбу қонун нормаси "Бир суд – бир инстанция" тамойилига зид бўлиб, амалиётда Олий суд фаолиятида иш ҳажмининг ошиб кетиши оқибатида, одил судловни амалга ошириш, жиноят ишларини қонуний муддатларда кўриб чиқишда ва тайинланган суд мажлисларини ўз вақтида бошлашда қийинчиликларни вужудга келтирди.

Статистик таҳлилларга кўра, Олий суд жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати томонидан жиноят ишларини мазмунан кўриб чиқилиши ортди, яъни судлов ҳайъати томонидан 2020 йилда жами 1.523 нафар шахсга нисбатан 1.214 та жиноят иши кўриб чиқилган бўлса, 2021 йил мобайнида 7.560 нафар шахсга нисбатан 7.004 та жиноят иши кўрилган бўлиб иш ҳажми 6 бараварга ошган, шу жумладан, шикоят (ариза, муурожаат ҳамда протест)ларнинг жиноят иши ҳужжатлари асосида синчковлик билан, тўлиқ ва ҳар томонлама ўрганиб чиқиш кўрсаткичлари кескин кўпайди.

Олтинчи босқич, 2024 йилдан ҳозирги кунга қадар бўлган даврни ўз ичига олади. Мазкур давр 2023 йил 27 сентябрдаги "Суд қарорларининг қонунийлиги, асослилиги ва адолатлилигини текшириш институти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида" ЎРҚ-869 сонли Қонуннинг қабул қилиниши билан бевосита боғлиқ ҳисобланади.

Хусусан, суд тизимига "Бир суд – бир инстанция" тамойили жорий этилиб, суд қарорларини кассация тартибида кўриб чиқиш ваколати Олий судга олиб берилган эди. Мазкур тартиб жорий қилинган Олий судда иш ҳажми ошиб, одил судловни амалга ошириш, жиноят ишларини қонуний муддатларда кўриб чиқишда ва тайин-

ланган суд мажлисларини ўз вақтида бошлашда қийинчиликлар вужудга келди. Ўрта бўғин судлари, яъни вилоят ва унга тенглаштирилган судлар жиноят ишларини фақат апелляция тартибида кўриб чиқиш билан чекланиб қолди.

Бундан ташқари, кассация инстанциясида суд терговини ўтказиш ваколати мавжуд эмаслиги боис, Олий суд томонидан жиноят ишлари бўйича апелляция инстанцияси қарорларини бекор қилиб, қайта кўриб чиқиш учун қуйи судларга қайтарилиши фуқароларнинг овозгарчилигига сабаб бўлди.

Юқоридаги муаммоларни бартараф қилиш мақсадида ЎРҚ-869 сонли қонун қабул қилинди. Мазкур қонун билан қонуний кучга кирган суд қарорларини кассация тартибида кўриб чиқиш ваколати вилоят ва унга тенглаштирилган судларга ўтказилди.

Шунингдек, апелляция ёки кассация тартибида кўрилган суд қарорларини тафтиш тартибида кўриш институти жорий қилинди ҳамда апелляция шикоятини бериш муддати 2 бараварга (яъни 20 кундан 10 кунга) қисқартирилди.

Шу билан бирга, юқори инстанция судлари томонидан қуйи судлар қарорини бекор қилган ҳолда ишни янгитдан кўриш учун қуйи судга юбориш амалиёти тугатилди ва Олий суд иш бўйича якуний қарор қабул қилиш тартиби жорий қилинди. Бу эса фуқароларнинг ортиқча овозгарчилигини олдини олиш билан бирга, Олий суд томонидан якуний қарор қабул қилиниши ва қуйи судлар учун ягона суд амалиёти яратилиши билан аҳамиятлидир.

Таъкидланганидек, ушбу қонуннинг ҳаётга татбиқ этилиши судьяларнинг масъулиятини ошириб, ишларнинг сифатли ва ўз вақтида кўрилишига, суд қарорларини қайта кўришда вилоят ҳамда уларга тенглаштирилган судларнинг имкониятларидан самарали фойдаланишга, фуқароларнинг шикоят қилиш ҳуқуқидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш ва норозиликлар ҳамда ортиқча сарсонгарчиликларнинг олдини олишга хизмат қилади.

Хулоса қилиб айтганда, суд қарорларининг қонунийлиги ва асослилигини қайта кўриб чиқишда кассация институтининг такомиллаштирилиши фуқароларнинг одил судловга эришиш даражасини юксалтириш, ишларни судда кўриш сифатини ошириш ҳамда холис, адолатли ва қонуний суд қарорларини қабул қилиш учун тарафларнинг тенглиги ва тортишувчанлигини амалда таъминлашга қаратилгани билан алоҳида аҳамият касб этади.

Аббосжон ТЕМИРОВ,

Судьялар олий мактаби мустақил изланувчиси.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар. Дарслик. М.Х.Рустамбоев ва У.Тухташев. Тошкент: Илм Зиё нашриёти, 2012. - 48-49 бетлар.
2. Суд-ҳуқуқ тизимидаги стратегик ислохотлар инсон манфаатлари учун хизмат қилмоқда / URL: <https://strategy.uz/index.php?news=1442>
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 24.06.2020 йилдаги "Судлар фаолиятини янада такомиллаштириш ва одил судлов самарадорлигини оширишга доир қўшимча чоралар тадбирлар тўғрисида"ги ПФ-6034-сонли Фармони // URL: <https://lex.uz/docs/4910826>
4. Ўзбекистон Республикасининг "Судлар тўғрисида"ги Қонуни, 28.07.2021 йилдаги ЎРҚ-703-сон.
5. Ўзбекистон Республикаси судлари фаолияти ҳисоботи // URL: https://sud.uz/wp-content/uploads_2020.pdf
6. Жиноят ишлари бўйича судларнинг 2021 йилдаги фаолияти ҳақида ахборот // URL: <https://sud.uz/2501-4/>
7. 2023 йил 27 сентябрдаги "Суд қарорларининг қонунийлиги, асослилиги ва адолатлилигини текшириш институти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги ЎРҚ-869 сонли қонуни // URL: <https://lex.uz/en/docs/6619783>,
8. Ковтков Д.И. «Кассационное производство в гражданском процессе», М.2016. С.6.
9. Курс уголовного процесса / Под ред. д.ю.н., проф. Л.В. Головки. - 2-е изд., испр. - М.: Статут, 2017.



ХИЁНАТ ВА ЖИНОЯТ

Коррупцияга нисбатан мурасасиз муҳитнинг яратилиши билан ҳуқуқ-тартибот органлари томонидан кўриладиган чора-тадбирларнинг кучайиши ва фуқаролар ўз ҳақ-ҳуқуқларини талаб қилишларининг одат тусига кириши, жазо муқаррарлигининг таъминланиши баробарида, жойларда коррупция ва порахўрлик жиноятини келтириб чиқарувчи шарт-шароит ва омиллар бартараф этилмоқда. Уларга қарши аёвсиз кураш олиб борилмоқда.

1989 йили Нукус шаҳрида туғилган фуқаро Б. А. эгаллаб турган лавозимига кўра мансабдор шахс бўла туриб, мансаб ваколати бўйича иш фаолияти давомида соҳага доир барча Қонун, Низом, йўриқнома ва буйруқларга амал қилиши кўрсатилган бўлсада, 2023 йил 25 январь куни хусусий кархонасининг ҳудудига жойлашган қизил мия илдизини қайта ишлаш цехида содир бўлган ёнғин оқибатида 2 нафар ишчилар вафот этганлиги ҳолати юзасидан текшириш ўтказишга тегишли раҳбарнинг буйруғи билан комиссия раиси этиб тайинланганидан, ўзининг гаразлиниятларини амалга оширишда фойдаланиш мақсадида ўз хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда юқоридаги 2 нафар ишчилар вафоти ишлаб чиқариш билан боғлиқ бахтсиз ҳодиса бўлишига қарамасдан, хусусий кархонада меҳнатни муҳофаза қилиш қоидалари бузилмаганлиги тўғрисида хулоса бериш эвазига шу корхона директоридан 10 минг АҚШ доллари миқдорида пора талаб қилган.

Жиноят иши юзасидан олиб борилган дастлабки тергов ҳаракатлари давомида барча объектив далиллар Жиноят процессуал кодекси талаблари асосида тўпланиб, уларнинг ҳар томонлама тўла ва ҳолисона равишда текширилиши таъминланиб, судланувчи Б. А.нинг айби жиноят ишидаги ариза, стенограмма, пулга кимёвий ишлов бериш ва овоз ёзиш мосламасини тақдим қилиш баённомалари, воқеа жойини кўздан кечириш, нарса ва ашёларни олиш баённомалари, мансаб лавозим йўриқномалари, суд кимёвий экспертиза хулосалари, ашёвий далил деб олинган пул маблағлари, шунингдек барча далиллар йиғиндиси билан тўлиқ исботини топган, деб ҳисобланди.

Дастлабки тергов органи томонидан судланувчи жиноий ҳаракати мансабдор шахс бўлгани ҳолда ўз хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда содир этиши лозим ёки мумкин бўлган муайян ҳарактни пора берган шахснинг манфаатларини кўзлаб бажариши ёки бажармаслиги эвазига шахсан ўзи қонунга хилоф эканлигини била

туриб, моддий қимматликлар олиш белгиларига кўра, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 210-моддаси 2-қисми “б” банди билан айблов эълон қилиниб, “қамокқа олиш” тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилган ҳамда иш ҳужжатлари мазмунан кўриб чиқилиши учун Жиноят ишлари бўйича Нукус шаҳар судига юборилган.

Жиноят ишлари бўйича Нукус шаҳар суди дастлабки тергов органи томонидан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 210-моддаси 2-қисмининг “б” банди билан айбланиб судга берилган жиноят ишини кўриб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 130-моддаси 1-қисми, 138-моддаси талабидан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Жиноят процессуал Кодексининг 454-457, 460, 463, 465-468, 471-473, 476-моддаларига риоя қилиб ҳукм қилди:

А.Б. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 210-моддаси 2-қисмининг “б” бандида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбли деб топилди. Ва унга Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 210-моддаси 2-қисмининг “б” банди билан Жиноят кодексининг 45-моддасига асосан 2 йил мансабдорлик вазифаларида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилиниб, 5 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлади...

Ҳа, харом луқма, хиёнат ва жиноят. Кимки, қонунларимизни оёқ ости қилса, бузса, ўзгалар ҳақиға хиёнат қилса, бир кунмас, бир кун тубсиз жарға равона бўлади. Шундай экан, халқимизда “Ёмонликни кўп қувган-кутилмас балога йўлиқар”, деган гап бор. Бу дегани-ёмонлик шундай бир мараз яраки, у сира ҳам битмайди, даволаб бўлмайди. Шундай экан, авваламбор ёмонлик қилмай яша, ўзингни харом-хариш, фаҳш ишлардан тийгин...

Маҳмуд БАЙНИЁЗОВ,

Қорақалповистон Республикаси жиноят ишлари бўйича
Нукус шаҳар суди судьяси.

СУД ҲИМОЯСИ ФУҚАРОЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАНФААТЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШДА МУҲИМ МЕХАНИЗМ

Фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлашда суд ҳокимиятининг ўзига хослиги ҳақида сўз юритар эканмиз шуни таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда суд ҳокимияти мустақил тармоқ бўлиб, қонун устуворлигини таъминлаш, ижтимоий адолатни қарор топтириш каби муҳим вазифани бажаради.

Фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишда суд ҳокимияти куйидаги хусусиятларга эга:

Биринчидан, мустақам ҳуқуқий базага таяниш – бу судлар қарор қабул қилишда миллий қонунчилик ва халқаро нормаларга асосланади.

Иккинчидан, мустақиллик принципи – судлар ижро ва қонун чиқарувчи ҳокимиятдан мустақил равишда фаолият юритиши лозим.

Учинчидан, очиқлик ва шаффофлик – фуқаролар суд ишларини кузатиб бориши, оммавий ахборот воситалари орқали суд фаолияти ҳақида маълумот олиши мумкин.

Фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, ҳар бир демократик давлатнинг асосий тамойилларидан бири ҳисобланади. Бу, биринчи навбатда, давлатнинг барча институтлари ва органлари, шу жумладан суд ҳокимияти томонидан амалга оширилади. Суд фуқароларнинг бузилган ҳуқуқларини тиклаш, уларга нисбатан адолатни таъминлаш ва қонун устуворлигини кафолатлашда ҳал қилувчи ўрин тутади. Шу боис, судлар томонидан фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга муҳим омил сифатида қаралади.

Фуқаролар ўз ҳуқуқлари бузилган деб ҳисобласа, судга мурожаат қилишлари мумкин. Бу ҳуқуқ конституция ва процессуал қонунчилик билан кафолатланган.

Жумладан, ҳар кимга ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органларининг ҳамда бошқа ташкилотларнинг, улар мансабдор шахсларининг қонунга ҳилоф қарорлари, ҳаракатлари ва ҳаракатсизлиги устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқи кафолатланади.¹

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев таъкидлаганидек, "Адолат бу – давлатчиликнинг мустақам пойдеворидир. Адолат ва қонун устуворлигини таъминлашда эса суд ҳокимияти ҳал қилувчи ўринни эгаллайди."²

Инсон манфаатлари ва қонун устуворлигини таъминлайдиган бу соҳани такомиллаштириш давлатимизнинг доимий эътиборида бўлиб келган. Сўнгги саккиз йилда судларга доир 70 га яқин қонун, фармон ва қарор қабул қилинган фикримизнинг исботидир.

Фуқаролик жараёнининг демократик тамойиллари суд фаолиятида асосли ҳал қилув қарорлари, ажримлар ва қарорлар чиқарилишини таъминлашга қаратилган.

Судларга келиб тушадиган даъво аризалар (ариза) фуқаролик процессуал қонунчиликда ўрнатилган тартибда кўриб чиқилади ва ҳал қилинади.

Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодекси 4-моддасида судга мурожаат қилишнинг шакли белгилаб берилган бўлиб, унга кўра, судга мурожаат қилиш:

фуқаролик ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган низолар бўйича — даъво аризаси шаклида;

буйруқ тартибида иш юритиш бўйича, алоҳида тартибда юритиладиган ишлар бўйича, шунингдек ушбу Кодексда назарда тутилган бошқа ҳолларда — ариза шаклида;

апелляция ёки кассация, тегишли тафтиш инстанцияси судларига мурожаат этилганда — шикоят (протест) шаклида амалга оширилади.

Фуқароларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун қўшимча қулайликлар яратиш, даъво аризалари ва аризаларни қабул қилиш ҳамда уларни кўриб чиқиш борасидаги дастлабки жараёнларни янада соддалаштириш мақсадида фуқаролик ишларини судда кўриш ва ҳал қилишнинг бирмунча сод-

далаштирилган тартиби – буйруқ тартибида иш юритиш институти жорий этилган.

Бу ўз навбатида низоли талабларни фуқаролик ишини кўзғатмасдан, ишни судда мазмунан кўрмай туриб, тез ва соддалаштирилган шаклда ҳимоя қилишга эришилмоқда.

Жумладан, республика судлари томонидан 2023 йилда 438.617 та суд буйруқлари чиқарилган бўлса, 2024 йил давомида бу кўрсаткич 964.195 тани ташкил қилиб, ўтган йилга нисбатан 525.578 та ёки 1,2 баробарга ортган.

Даъво тартибида кўриладиган ишларнинг ўзига хослиги шундаки, бунда муайян ҳуқуқ тўғрисидаги низо мавжуд бўлади. Бузилган ёки низолашилаётган фуқаролик ҳуқуқини ҳимоя қилиш тўғрисидаги талаб сифатида кўриладиган даъво – судда иш кўришнинг предмети бўлиб, даъвонинг далиллар асосида исботланишига қараб суд томонидан қаноатлантирилади ёки рад қилинади.

Даъво тартибидаги ишларнинг ўзига хос хусусиятларидан яна бири бу — тарафлар ўзаро тенг бўлган фуқаролик, меҳнат, оилавий, уй-жой ва бошқа ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган низолар бўйича бузилган ҳуқуқ ёки қонуний манфаатларни ҳимоя қилиш учун судга мурожаат қиладилар.

Фуқароларнинг бузилган ҳуқуқ ва манфаатларини тиклашни сўраб, судларга йўллаган даъво аризалари асосида кўрилган ишларнинг статистик маълумотларини таҳлил қилар эканмиз, бунда судларда кўрилаётган ишларнинг сони йилдан йилга ортиб бораётганини ва бу борада судлар томонидан салмоқли ишлар амалга оширилаётганини кузатиш мумкин.

Жумладан, 2023 йилда судларда жами кўрилган 460.275 та ишлардан 298.505 таси бўйича ҳал қилув қарорлари чиқарилиб, 263.065 та ёки 88,1 фоиз даъво аризалар қаноатлантирилган.

2024 йилда эса жами 532.989 та ишлар кўрилиб, ўтган йилга нисбатан ишлар сони 72.714 та ёки 15,8 фоизга ортган.

Ҳал қилув қарори чиқариш билан кўрилган 330.919 та ишлардан 290.570 таси ёки 87,8 фоизи бўйича даъво аризалар қаноатлантирилиб, фуқароларнинг ҳуқуқлари суд орқали тиклангани фикримизнинг исботидир.

2023 йилда судларда (фуқаролик ишлари ва суд буйруқларининг) жами иш сони 903.892 тани ташкил қилган бўлса, 2024 йилда 1.497.184 тани ташкил қилиб, ўтган йилга нисбатан иш ҳажми 593.292 та ёки 65,6 фоизга ортган.

Бундан кўринадики, фуқароларнинг судларга бўлган ишончи йил сайин ортиб бормоқда.

Хулоса ўрнида шуни айтиш жоизки, судлар томонидан фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш – ҳуқуқий давлатнинг ажралмас қисми ҳисобланади. Судлар адолатни таъминлаш, ҳуқуқбузарликларни бартараф этиш ва қонун устуворлигини таъминлашда асосий механизм вазифасини бажаради. Шунинг учун суд тизимини янада такомиллаштириш, унинг шаффофлигини ва самарадорлигини ошириш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

Алишер АБДУЛЛАЕВ,
Судьялар олий мактаби тингловчиси.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 55-модда.
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёевнинг Олий Мажлисга мурожаатномасидан. <https://president.uz/uz/lists/view/4057>



ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИНИ ҚўЛАБ-ҚУВВАТЛАШДА МУЛКИЙ СУҒУРТАНИНГ АҲАМИЯТИ

Тадбиркорлик фаолиятини қўлаб-қувватлаш жамиятнинг ривожланишида муҳим аҳамият касб этади. Тадбиркорлар янги иш ўринларини яратади, инновацион лойиҳаларни амалга оширади ва иқтисодий ўсишга туртки беради. Лекин, тадбиркорлик фаолиятининг ўзгарувчан табиати, хавф-хатарлар ва ноаниқликлар ҳам кўп. Бунинг учун тадбиркорлар ҳар қачон малака ва қувватга, шунингдек, ҳимояга эҳтиёж сезади. Бу ерда мулкий суғурта муҳим роль ўйнайди, чунки, у тадбиркорларга молиявий хавф-хатарлардан, табиий офатлардан, иқтисодий инқирозлардан ва бошқа кўплаб муаммолардан ҳимояланиш имконини беради.

Мулкий суғурта тадбиркорларга ўз бизнесларини ҳимоя қилиш, потенциал йўқотишларни минималлаштириш ва инвестицияларни қўлаб-қувватлашга шароит яратади. Халқаро ва маҳаллий тажриба мулкий суғуртанинг аҳамиятини кўрсатмоқда. Суғурта — бизнес учун молиявий хавф-хатарлардан сақланиш ва фаолиятни ўз йўналишида давом эттиришдир.

Мулкий суғурта шунингдек, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳаларидаги хусусий секторнинг барқарорлигини таъминлашда катта аҳамиятга эга. Хусусан, жорий фаолиятни давом эттириш ва янги бизнес-режаларни амалга ошириш учун суғурта ёрдамида тадбиркорлар ишлаб чиқаришнинг самарадорлигини ва ривожланишини таъминлашлари мумкин.

Шунингдек, суғурта сиёсатлари ёрдамида давлат ва хусусий сектор ўртасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлаш, молиявий барқарорликни таъминлаш ва тадбиркорлик муҳитини яхшилаш йўлида муҳим қадамлар қўйилади. Мулкий суғурта фаолияти тадбиркорларнинг хавф-хатарларга нисбатан стратегик ёндашувларни шакллантиришга ёрдам бериб умумий иқтисодий аҳамиятга эга бўлган лойиҳаларни амалга оширишга имкон яратади.

Шу боис, тадбиркорлар учун мулкий суғурта муҳим восита ва стратегик инструмент бўлиб, иқтисодий барқарорлик ривожланишида катта роль ўйнайди.

Мулкий суғурта тадбиркорлик фаолиятида ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш, савдо ва бошқа иқтисодий фаолиятларда иштирок этувчи субъектларнинг молиявий хавфсизлигини таъминлайди. Тадбиркорлар учун мулкий суғурта нафақат хатарларга қарши ишлов бериш, балки иқтисодий барқарорликни сақлаш ва тадбиркорлик муҳитини яхшилаш учун ҳам зарур воситадир. Суғурталаш мулкнинг номинатив ёки бошқа турдаги хатарлардан муҳофазасини таъминлаш, шахсий ва юридик шахсларнинг активларини сақлашда қўл келади.

Тадбиркорлик фаолиятининг кенгайиши ва жадал ривожланиши ортидан мавжуд иқтисодий хавфлар ҳам кескин ошмоқда. Ушбу хавфлар молия ва иқтисодиётга салбий таъсир кўрсатиши мумкин, шунинг учун тадбиркорлар ўзларини иқтисодий юқлардан ҳимоя қилиш учун турли суғурта компанияларига мурожаат қилишмоқда. Бу, айниқса, тармоқлардаги технологиялар, транспорт ва маҳсулотларнинг ишлаб чиқариш жараёнларидаги ноқисликлар ва табиий офатлар каби омилларга таъсир кўрсатиш эҳтимоли юқори бўлган ташкилотлар учун муҳимдир.

Мулкий суғуртани жорий қилиш — бу фақат бизнеснинг хатарларга қарши муҳофазасини таъминлаб қолмай, балки унинг ижобий-иқтисодий ўсишини ҳам қўлаб-қувватлайди. Шу билан бирга, бу тадбиркорлар учун ишбилармонлик муҳитининг барқарорлигини сақлашга хизмат қилади. Масалан, хўжалик объектлари, молиявий активлар, турли хил маҳсулотлар ва хизматлар суғурталаниши билан алоқадор бўлган ҳодисаларнинг йўқолиши ёки зарар кўришининг олдини олиш мумкин.

Тадбиркорларнинг суғуртага бўлган эҳтиёжини тушуниш ва уларнинг фаолиятларини суғурта маҳсулотлари орқали муҳофаза қилиш тадбиркорлик соҳасидаги кўплаб муаммоларнинг ечимини топишга имкон беради. Мулкий суғурта шунга қарамай, фақат бир вақтнинг ўзида, балки кўп йил-

лар давомида тадбиркорликнинг хавфсиз ва барқарор фаолиятига хизмат қилиши мумкин.

Мулкий суғурта — бу тадбиркорлар ва аҳолининг мулкларини турли хатарлардан (фавқулодда ҳолатлар, ётланган хатоликлар, табиий офатлар, огир зарарлар ва бошқалар) суғурталаш жараёнидир. Ушбу суғурта тиббиёт, транспорт, кимёвий хавф-хатарлар каби яна кўплаб хатарлардан муҳофаза қилишга ёрдам беради. Мулкий суғурта хўжалик субъектлари учун нафақат моддий зарарларни камайтириш, балки уларни таваккал қилишининг хавфсиз йўлини таъминлаш вазифасини ҳам бажаради.

Хўжалик субъектлари мулкларини суғурталанган бўлса, улар зарур бўлган ҳолда компенсация олган ҳолда ишларини давом эттиришлари мумкин. Бу, айниқса, ётланган хатарлар ва табиий офатлар каби тасодифий ва огир ҳолатларда жуда муҳим аҳамиятга эга.

Мулкий суғуртани қўллашнинг асосий аҳамияти:

1. Моддий зарарларнинг камайтилиши: мулкий суғурта касб-хизмат, хўжалик юритишда катта муаммоларни ҳал қилишга ёрдам беради. Суғурта компанияси томонидан зарарлар қопланиши бизнеснинг барқарорлигини таъминлайди.

2. Тадбиркорлик ишлаб чиқаришини ошириш: тадбиркорлар мулкий суғурта орқали ўзларининг активларини муҳофаза қилишлари мумкин, бу эса бизнесни самарали йўлга қўйишга ёрдам беради.

3. Барқарорликни таъминлаш: тадбиркорликда хавф-хатарлар ва йўқолишлар бўлиши мумкин, шунинг учун мулкий суғурта соҳага барқарорлик ва ишонч ҳосил қилади.

4. Ҳукумат ва қонунчилик талабларига риоя қилиш: кўплаб мамлакатларда мулкий суғурта тадбиркорларга юридик талабларга жавоб бериш учун талаб қилинади. Бу қонунларга мувофиқликни таъминлайди.

Хулоса қилиб айтганда, мулкий суғурта тадбиркорлик фаолиятини барқарорлаштириш ва тадбиркорларнинг активларини хавф-хатарлардан муҳофаза қилишнинг муҳим механизмидир.

Жасур ИБРАГИМОВ,

Судьялар олий мактаби тингловчиси.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси.
2. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси.
3. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодекси.
4. Ўзбекистон Республикасининг "Судлар тўғрисида"ги Қонуни.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 2 августдаги "Ўзбекистон Республикасининг суғурта бозорини ислоҳ қилиш ва унинг жадал ривожланишини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-4412-сон Қарори.
6. Қишлоқ хўжалиги субъектларида қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилини суғурталашда суғурта муқофоти учун тўлов харажатларининг бир қисmini қоплаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори, №373.
7. Суғурта хизматлари бозорини янада ривожлантиришнинг комплекс чора-тадбирлари тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори.
8. "Суғурта фаолияти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни.
9. Ўзбекистон Республикасининг суғурта бозорини ислоҳ қилиш ва унинг жадал ривожланишини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори.

БЕЗОРИЛИК ЖИНОЯТИ УЧУН ЖАВОБГАРЛИК ИНСТИТУТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ АЙРИМ МАСАЛАЛАРИ

АННОТАЦИЯ: ушбу мақолада жамоат тартибига қарши жиноят сифатида безориликнинг ижтимоий хавфлилик даражаси ва ҳуқуқий табиати таҳлил қилинган ҳолда хорижий давлатлар тажрибасидан келиб чиқиб, унга нисбатан жавобгарлик институтини янада такомиллаштириш бўйича таклифлар илгари сурилади ҳамда бу йўналишда самарадорликни оширишга қаратилган ҳуқуқий механизмларни шакллантириш зарурати асослаб берилади.

Калит сўзлар: безорилик, сиёсий, мафкуравий, ирқий, миллий ёки диний адоват ва нафрат, муайян ижтимоий гуруҳга нисбатан адоват ва нафрат, уюшган гуруҳ.

Жамиятда сиёсий, мафкуравий, ирқий, миллий ёки диний адоват ёхуд муайян ижтимоий гуруҳга нисбатан нафрат ва адоват замирида содир этилган жиноятлар нафақат жисмоний шахсларни, балки бутун бир жамиятни нишонга олишга қаратилган бўлади. Бундай адоват ва нафратни тарғиб қилиш халқаро ва миллий миқёсда жиддийлик билан қўйиб ташлаш зарур. Шу билан бирга, бундай жиноятлар жамиятнинг умумэтироф этилган одоб-ахлоқ қоидаларига, шунингдек, миллатлараро ва диний муносабатларга энг катта таҳдиддир.

Сиёсий, мафкуравий, ирқий, миллий ёки диний адоват, нафрат ёки муайян ижтимоий гуруҳга нисбатан нафрат ва адоват замирида безорилик содир этилиши ўзида жамиятнинг турли қатламлари ўртасидаги жиддийлик билан қўйиб ташлаш зарур. Шу билан бирга, бундай жиноятлар жамиятнинг умумэтироф этилган одоб-ахлоқ қоидаларига, шунингдек, миллатлараро ва диний муносабатларга энг катта таҳдиддир.

Безорилик жиноятининг жиноий-ҳуқуқий жиҳатларини такомиллаштиришда эътиборга лойиқ жиҳатлардан яна бири бу унинг содир этилиш шакллари ва жиноят субъектларининг ижтимоий хавфлилик даражаси билан боғлиқдир. Амалдаги Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 277-моддасида безорилик жинояти жамиятда юриш-туриш қоидаларини қасддан менсимаслик, уриш-дўппослаш, баданга енгил шикаст етказиш ёки ўзганинг мулкига зиён бериш ёхуд нобуд қилиш, анча зарар етказиш билан боғлиқ бўлган хатти-ҳаракатлар сифатида тавсифланади. Ушбу моддада жиноятни оғирлаштирувчи ҳолатлардан бири – унинг бир гуруҳ шахслар томонидан амалга оширилиши эканлиги қайд этилган. Бироқ, мазкур норма доирасида безориликнинг уюшган гуруҳ томонидан содир этилиши ҳолати алоҳида оғирлаштирувчи омил сифатида назарда тутилмаган.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 29-моддасида жиноятларни биргалашиб иштирокчиликда содир этиш шакллари назарда тутилган. Унга кўра, жиноятда иштирокчилик: оддий иштирокчилик, мураккаб иштирокчилик, уюшган гуруҳ, жиноий уюшма шаклида бўлади. Икки ёки ундан ортиқ шахснинг биргаликда жиноий фаолият олиб бориш учун олдиндан бир гуруҳга бирилашиб уюшган гуруҳ деб топилади².

Амалиётда жиноятларнинг айнан гуруҳ ҳолатида содир этилиши уларнинг ижтимоий хавфини сезиларли даражада оширади. Чунки, уюшган гуруҳ аъзолари томонидан содир этилган жиноятлар режалаштирилган, ташкилотчилик элементларига эга ва кўпинча таъсир доираси кенгрок бўлади. Бундай жиноятлар нафақат индивидуал шахсларнинг ҳуқуқларига, балки бутун жамоатчилик хавфсизлигига жид-

дий таҳдид туғдиради. Шу нуқтаи назардан, безорилик жиноятининг уюшган гуруҳ томонидан содир этилиши ҳолатини алоҳида оғирлаштирувчи омил сифатида миллий қонунчиликда белгилаш эҳтиёжи юзага чиқади.

Хусусан, қиёсий ҳуқуқшунослик нуқтаи назаридан Россия, Арманистон³, Грузия каби давлатларнинг Жиноят кодекслари бу борада эътиборга молик тажрибани намоён этади. Ушбу давлатлар қонунчилигида безориликнинг уюшган гуруҳ томонидан содир этилиши алоҳида оғирлаштирувчи ҳолат сифатида бевосита кўрсатилган. Бу эса жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасига қараб аниқ ёндашувни таъминлайди ҳамда суд амалиётида жиноятни тўғри таснифлаш ва адолатли жазо чораларини белгилашга хизмат қилади.

Миллий қонунчилигимизда бу жиҳатнинг мавжуд эмаслиги айрим ҳолларда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан жиноятни нотўғри баҳолаш ёки унга енгил жазо тайинлашига олиб келиши мумкин. Бундай бўшлиқ, айниқса, жамоат хавфсизлигини таъминлаш борасида салбий оқибатларга сабаб бўлади. Шу боисдан ҳам 277-моддани такомиллаштириш орқали унга безориликнинг уюшган гуруҳ томонидан содир этилиши ҳолатини оғирлаштирувчи омил сифатида қиритиш ҳуқуқий жиҳатдан асосли бўлади.

Бундай ўзгартириш қиритилиши бир неча муҳим натижаларга олиб келади: биринчидан, безориликнинг айнан уюшган шакллари нисбатан профилактик чораларни кучайтириш имконини беради; иккинчидан, жиноятни содир этишда гуруҳ манфаати, олдиндан келишув ва ташкилотчилик каби жиҳатлар эътиборга олиниб, унга нисбатан қатъийроқ ёндашув татбиқ этилади; учинчидан эса, халқаро ҳуқуқий стандартларга мувофиқлик таъминланади.

Умуман олганда, безорилик жиноятининг уюшган гуруҳ томонидан содир этилиши ҳолатини Жиноят кодексининг тегишли моддасида оғирлаштирувчи ҳолат сифатида акс эттириш ҳуқуқий сиёсатнинг жиноятчиликка қарши курашиш борасидаги самарадорлигини оширади. Бу нафақат жиноятнинг ижтимоий хавфини тўғри баҳолашга, балки жиноятчиликнинг профилактикасини кучайтиришга, суд-ҳуқуқ амалиётида аниқлик ва адолатни таъминлашга хизмат қилади. Шу сабабли, мазкур жиҳатни қонунчиликда белгилаш зарурати нафақат назарий, балки амалий асосга ҳам эгадир.

Дилмурод АМИРОВ,

Судьялар олий мактаби тингловчиси.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 22.11.2024 й., 03/24/1004/0948-сон. <https://lex.uz/docs/111453>
2. Уголовный кодекс Республики Армения. <http://www.parliament.am/legislation.php?ID=1349>
3. "Уголовный кодекс Российской Федерации" от 13.06.1996 N 63-ФЗ (ред. от 28.02.2025). Статья 213. https://www.consultant.ru/document/cons_doc_LAW_10699/

ҚУРИЛИШ СОҲАСИДАГИ ДАВЛАТ ХИЗМАТЛАРИГА ОИД НИЗОЛАРНИНГ МАЪМУРИЙ СУДГА ТААЛЛУҚЛИЛИГИ

АННОТАЦИЯ: мақолада қурилиш соҳасида кўрсатиладиган давлат хизматлари ва улар билан боғлиқ маъмурий низола хусусида сўз боради. Қурилиш органлари томонидан қабул қилинадиган маъмурий ҳужжатлар, ушбу ҳужжатлар устидан шикоят қилишнинг ҳуқуқий асослари ҳамда маъмурий судлар ваколати атрофлича таҳлил этилган. Шунингдек, маъмурий ҳаракатлар (ёки ҳаракатсизлик) натижасида юзага келадиган низола ва уларни ҳал қилишда маъмурий судларнинг роли ва аҳамияти ёритилган.

Калит сўзлар: давлат хизматлари, маъмурий орган, маъмурий суд, ҳаракатсизлик, маъмурий қарор, ҳуқуқларни ҳимоя қилиш, қонунийлик.

Қурилиш соҳасидаги давлат хизматлари деганда, қурилиш фаолиятини бошлаш ва амалга ошириш учун зарур рухсатномалар ва расмий тартиб-таомиллар тушунилади. Масалан, бино ва иншоотларнинг ташқи кўринишини ўзгартиришни келишиш, бинонинг ихтисослашувини ўзгартириш ёки реконструкция қилиш учун рухсатнома олиш, қурилиш-монтаж ишларини бошлашни давлат рўйхатидан ўтказиш, қурилган объектни фойдаланишга қабул қилиш каби хизматлар шу тоифага киради.

Мазкур давлат хизматларини кўрсатиш жараёнида турли низола келиб чиқиши мумкин. Низоларнинг келиб чиқиш сабаблари турлича бўлиб, улар маъмурий ҳаракатсизлик, қарорнинг қонунийлигига шубҳа, манфаатдор учинчи шахсларнинг эътирозлари натижасида юзага келади.

Шу ўринда низоларнинг маъмурий судга тааллуқлилиги масаласига тўхталиб ўтиш ўринли. Ушбу тоифадаги низоларда қуйидаги учта белгининг бир пайтда мавжудлиги ишнинг маъмурий суд судлови тааллуқли эканини англатади:

ишда жавобгар маъмурий орган бўлиши;

ариза (шикоят) маъмурий органнинг ҳужжатида ёки ҳаракат (ҳаракатсизлик) маъмурий ва бошқа оммавий ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқиши;

устидан ариза (шикоят) берилган ҳужжат ёки ҳаракат (ҳаракатсизлик) маъмурий ва бошқа оммавий ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиққан бўлиши.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми 2019 йил 24 декабрдаги “Маъмурий органлар ва улар мансabdор шахсларининг қарорлари, ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан шикоят қилиш тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш бўйича суд амалиёти ҳақида”ги 24-сонли қарорининг 8-бандига асосан, маъмурий судлар бино, иншоот ва бошқа объектларни жойлаштириш, лойиҳалаштириш, қуриш, реконструкция қилиш, фойдаланишга топшириш, фойдаланиш ва бузишга келишиш ва рухсат бериш (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 20 апрелдаги 200-сонли “Қурилиш соҳасига оид ягона маъмурий қурилиш регламентларини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарори) тўғрисидаги ишларни ҳам Кодексда назарда тутилган тартибда кўриб чиқиш белгиланган.

Миллий қонунчилигимизда қурилиш органларининг маъмурий орган эканлиги кўрсатилган.

“Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида”ги Қонуннинг 4-моддасига кўра, маъмурий органлар – маъмурий-ҳуқуқий фаолият соҳасида маъмурий бошқарув ваколати берилган органлар, шу жумладан давлат бошқаруви органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, шунингдек, ушбу фаолиятни амалга оширишга ваколатли бўлган бошқа ташкилотлар ва махсус тuzилган комиссиялар тушунилади.

Шунга кўра, қурилиш органлари маъмурий орган ҳисобланади ва унда маъмурий бошқарув ваколати мавжуд. Бундан ташқари, қурилиш органлари маъмурий орган сифатида маъмурий акт қабул қилади.

Мисол учун, Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 20 апрелдаги 200-сон қарори билан тасдиқланган маъмурий регламентларга асосан бино ва иншоотнинг ташқи кўринишини ўзгартириш келишилганлиги ҳақидаги ҳулоса, қуришни лойиҳалаштиришга рухсатнома, лойиҳа-смета ҳужжатларини келишганлиги ҳақидаги ҳулоса, объект рўйхатдан ўтказилганлиги ҳақидаги кўчирма, қурилиш-монтаж ишлари тугалланган объектдан фойдаланиш учун рухсатнома каби маъмурий актларни беради.

Мазкур ҳужжатлар юқорида таъкидлаб ўтилган маъмурий акт хусусиятларига тўғри келади.

Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисидаги қонунининг 3-моддасида ушбу Қонун маъмурий органларнинг манфаатдор шахсларга нисбатан маъмурий-ҳуқуқий фаолиятига, шу жумладан лицензия, рухсат бериш, рўйхатдан ўтказиш қоидаларига, давлат хизматларини кўрсатиш билан боғлиқ бошқа тартиб-таомилларга, шунингдек қонунчиликка мувофиқ бошқа маъмурий-ҳуқуқий фаолиятга нисбатан татбиқ этилиши кўрсатилган.

Юқоридагиларга асосан, қурилиш соҳасидаги маъмурий низола мазмуни жиҳатдан хилма-хил, ammo уларнинг барчасида ҳал қилувчи масала – давлат органи қарори ёки хатти-ҳаракатининг қонунийлигини таҳлил қилишдир. Маъмурий судлар бу борада фуқароларнинг ҳақ-ҳуқуқини ҳимоя қилишда жуда муҳим рол ўйнамоқда. Зеро, суд орқали нафақат алоҳида низола ҳал этилади, балки давлат органлари учун ҳам бир турдаги “сигнал” бўлади – келгусида қарор қабул қилишда қонун талабларини пухта бажариш лозимлиги ҳақида огоҳлантирувчи омил сифатида хизмат қилади.

Женис ДОСЫМБЕТОВ,

Судьялар олий мактаби тингловчиси.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекси, Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 25.01.2018 й., <https://lex.uz/docs/3527353>
2. Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисидаги қонуни. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 08.01.2018 й., <https://lex.uz/docs/3492199>
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 21 декабрдаги ПФ-269-сон Фармони. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 21.12.2022 й., <https://lex.uz/docs/6324756>
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 25 январдаги ПФ-14-сон Фармони. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 25.01.2023 й., <https://lex.uz/docs/6369997>
5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Қурилиш соҳасига оид ягона маъмурий қурилиш регламентларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 200-сон қарори, Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 20.04.2022 й., <https://lex.uz/docs/5970701>
6. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигидан 2023 йил 27 октябрда 3467-сон билан рўйхатга олинган “Давлат хизматлари ягона реестри”, <https://lex.uz/docs/6646956>
7. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми 2019 йил 24-декабрдаги “Маъмурий органлар ва улар мансabdор шахсларининг қарорлари, ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан шикоят қилиш тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги 24-сонли қарори. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 24.12.2019 й., <https://lex.uz/docs/4711311>

ФУҚАРОЛИК ҲУҚУҚИДА ШАРТНОМАВИЙ МУНОСАБАТЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ

АННОТАЦИЯ: ушбу мақолада фуқаролик ҳуқуқида шартномавий муносабатларнинг жамият ва иқтисодиётдаги ўрни, ҳуқуқий табиати ва амалий аҳамияти таҳлил қилинган. Хусусан, кўчмас мулкка оид шартномаларда учраётган ҳуқуқий муаммолар ва уларнинг ечимлари муҳокама қилинган. Суд амалиёти, ҳуқуқий муносабатлар мазмуни, нотариал расмийлаштиришнинг аҳамияти ҳамда аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини ошириш зарурати хусусида фикр юритилган.

Калит сўзлар: шартнома, шартномавий муносабатлар, кўчмас мулк, нотариал расмийлаштириш, келишув.

Ҳар қандай ҳуқуқий демократик жамиятда фуқаролар ва юридик шахслар ўртасидаги ҳуқуқий муносабатлар, аввало, шартномавий муносабатлар билан юзага келади ва тартибга солинади. Шартнома – бу тарафларнинг ўзаро ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилаб берадиган ҳуқуқий ҳужжат бўлиб, унинг тузилиши, бажарилиши ва бузилиши фуқаролик ҳуқуқининг энг муҳим институтларидан биридир.

Шу боис, фуқаролик-ҳуқуқий қонунчилиги соҳасидаги ҳуқуқшунос олимлар томонидан шартнома ҳуқуқи ва унинг турлари, шакллари бевосита ва билвосита тарзда ўрганилган.

Бинобарин, ҳуқуқшунос О.Оқюлов шартномалар инсоният томонидан энг қадимдан фойдаланиб келинаётган юридик восита ҳисобланиши ва у англо-саксон, қитъа, мусулмон ва патриархал (маҳаллий одатларга асосланган) каби барча мавжуд ҳуқуқий тизимларда ҳам беистисно равишда қўлланилишига эътибор қаратади¹.

Х.Р.Раҳмонқулов эса, шартноманинг қуйидаги хусусиятларини ажратиб кўрсатган:

- ҳуқуқий муносабат сифатида: у иштирокчиларнинг фуқаролик ҳуқуқлари ва мажбуриятларини белгилайди, ўзгартиради ёки бекор қилади;
- мажбуриятларни келтириб чиқарувчи юридик факт сифатида: битимнинг тузилиши фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларни вужудга келтиради;
- иштирокчиларнинг хоҳиш-иродаси билан мажбуриятнинг юзага келишини қайд этувчи ҳужжат сифатида: битим ёзма шаклда тузилиши мумкин².

Демак, шартнома бу — келишув бўлиб, у орқали икки ёки ундан ортиқ шахс ўзаро ҳуқуқ ва мажбуриятларни белгилайди, ўзларининг эрк ифодаси орқали муайян ҳуқуқий натижаларга эришишни кўзлайди. У фуқаролик муомаласининг асосий шакли бўлиб, жамиятда мулккий муносабатларни тартибга солиш, иқтисодий алоқаларни йўлга қўйиш ва субъектлар ўртасидаги ишончли ҳамкорликни таъминлашда муҳим аҳамиятга эгадир. Шартнома нафақат юридик механизм сифатида, балки ҳуқуқий маданият ва ҳуқуқий онгнинг таркибий қисми сифатида ҳам намоён бўлади. Шу жиҳатдан, унинг мазмуни, шакли ва ҳуқуқий табиатини чуқур ўрганиш — замонавий фуқаролик ҳуқуқи ривожини учун заруратдир.

Сўнгги йилларда олиб борилаётган суд-ҳуқуқ ислохотларида ҳам фуқаро-вий-ҳуқуқий муносабатларга алоҳида эътибор қаратилаётганлиги бежиз эмас.

Масалан, фуқаролик ишлар бўйича судлар томонидан биринчи инстанцияда кўрилган битимлар билан боғлиқ ишлар статистикасига назар ташлайдиган бўлсак, 2020 йилда 51 898 та, 2021 йилда 175 758 та, 2022 йилда 29 2201 та, 2023 йилда 158 548 та, 2024 йилда эса 177 711 та фуқаролик ишлари кўриб чиқиб таъминланганини кўришимиз мумкин³.

Шартномавий муносабатларни таҳлил этар эканмиз, айниқса кўчмас мулкка оид шартномалар борасидаги ҳуқуқий-амалий масалаларга алоҳида эътибор қаратиш талаб этилади. Маълумки, Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ кўчмас мулк олди-сотдиси, уни ижарага бериш ёки бегараз бериш ва бошқа ҳуқуқий битимлар нотариал расмийлаштирилиши талаб этади. Бу талабнинг жорий этилиши биринчи навбатда шартнома тарафлари ўртасида ҳуқуқий аниқликни таъминлаш, мулк ҳуқуқининг расман ўтишини кафолатлаш ва кейинчалик юзага келиши мумкин бўлган низоларнинг олдини олишга қаратилган.

Шунингдек, нотариал расмийлаштириш жараёнида тарафлар шартнома мазмуни билан таништирилади, уларнинг эрк ифодаси қайд этилади ва шу билан бирга ҳуқуқий оқибатлар тушунтирилади. Аммо, амалиётда кўп ҳолларда мазкур талабларга риоя этилмаслиги ҳолатлари кузатиш мумкин. Айниқса, ҳуқуқий билим даражаси паст бўлган фуқаролар, чекка ва қишлоқ ҳудудларда истиқомат қилув-

чи аҳоли ҳамда моддий имкониятлари чекланган шахслар ўртасида кўчмас мулкка оид шартномалар нотариал тасдиқдан ўтказилмасдан амалга оширилмоқда. Бундай ҳолларда шартнома фақат оғзаки келишув ёки юридик кучга эга бўлмаган ёзма ҳужжатлар асосида тузилади.

Амалиётда шундай вазиятлар учрайдики, мулкни сотиб олувчи шахс келишилган пул миқдорини тўлаб, мулкни ўз ихтиёрига олиб, ундан фойдаланишга киришади. Аммо шартнома расмийлаштирилмагани боис, мулк ҳуқуқи расман унга ўтмайди. Бу эса, ўз навбатида, ҳуқуқий муаммолар ва низоларни келтириб чиқаради. Баъзи ҳолларда эса айрим сохта шахслар мазкур ҳуқуқий бўшлиқдан фойдаланиб, бир кўчмас мулкни бир неча шахсга қайта-қайта “сотиш” ҳолатига қўл уришмоқда. Бу фақатгина тўғридан-тўғри мулкни сотиб олган шахснинг эмас, балки бошқа учинчи шахсларнинг ҳам ҳуқуқ ва манфаатларига жиддий зарар етказиши, жамиятда мулк бозорига бўлган ишончнинг пасайтириши.

Шу сабабли суд амалиётида бундай ҳолатларга ёндашувда оддий техник расмийлаштириш эмас, балки асл ҳуқуқий муносабатнинг моҳияти эътиборга олиниши муҳим ҳисобланади. Яъни, фуқаролик ҳуқуқи фақат расмий ҳужжатлар билан эмас, балки аслида юз берган муносабатлар ва амалий ҳаракатлар билан ҳам белгиланиши мумкин. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 486-моддасида назарда тутилган ҳолатларда, агар далолатнома тузилган бўлса, пул маблағлари тўлангани ва мулк аслида топширилгани исботланган бўлса, бундай битим расмийлаштирилмаган тақдирда ҳам суд томонидан эътиборга олиниши мумкин. Бу фуқароларнинг ҳуқуқий манфаатларини ҳимоя қилиш ва кўчмас мулк бозорида шаффофликни таъминлашга хизмат қилади.

Мазкур муаммони ҳал этишда бир нечта ёндашувлар муҳим аҳамият касб этади. Биринчидан, аҳоли ўртасида ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни ошириш зарур. Фуқаролар шартнома тузишда, айниқса кўчмас мулк каби катта қийматга эга объектлар билан боғлиқ битимларда, нотариал расмийлаштириш зарурлигини англаб етишлари лозим. Иккинчидан, нотариал хизматларга бўлган имкониятларни кенгайтириш, айниқса чекка ҳудудларда хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш талаб этилади. Учинчидан, расмийлаштирилмаган шартномаларга оид суд амалиётида бир хил ёндашувларни шакллантириш, яъни қонун нормаларига таянадиган бир хил қарорлар қабул қилиниши орқали фуқаролар ўртасида ишончли мустаҳкамлаш мумкин.

Шу тариқа, шартномаларни нотариал расмийлаштириш нафақат юридик талаб, балки фуқароларнинг ҳуқуқий ҳавфсизлигини таъминловчи муҳим ҳуқуқий механизмдир. Бу талабга амал қилиш орқали жамиятда ҳуқуқий адолатни таъминлаш, мулкка бўлган ишончли кучайтириш ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш мумкин. Мазкур масалада ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, судлар, нотариуслар ҳамда фуқароларнинг ўзаро ҳамкорлиги ҳуқуқий муносабатлар барқарорлигининг асосий омилларидан бири ҳисобланади.

Хуршид РАСУЛОВ,

Судьялар олий мактаби тингловчиси.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Шартнома ҳуқуқи. /Ҳуқуқшунослик ихтисоси бўйича олий ўқув юртли магистратура талабалари учун. -Т.: ТДҲИ нашриёти, 2006. -337 бет. Муаллифлар жамоаси (1-2 боблар муаллифи О.Оқюлов) 4-бет.
2. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига шарҳ. 1-жилд (биринчи қисм) Адлия вазирлиги. -Т.: Vektor-Press», 2010. Шарҳ 746-б. Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академиясининг академиги, юридик фанлари доктори, профессор Х.Р.Раҳмонқулов, Юридик фанлари доктори, профессор О.О.Оқюлов тахрири остида.
3. Ўзбекистон Республикаси Олий суди томонидан тақдим этилган статистик маълумотлар. <https://stat.sud.uz/assets/uploads/civil/pdf/civil-2024-full.pdf>



КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ ДАВР ТАЛАБИ

Дарҳақиқат, коррупция мураккаб ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ҳодиса бўлиб, жамият тараққиёти-нинг муҳим омиллари бўлмиш тинчлик, осойишталик, адолат, қонун устуворлиги каби ижтимоий-ҳуқуқий қадриятларни йўқ қилади, мамлакатнинг ривожига тўсиқ бўлади. Шунингдек Давлат раҳбари назарда тутган “ҳалоллик вакцинаси” билан эмлаш – бу муайян соҳада коррупцияга қарши қаратилган ташкилий ва ҳуқуқий асосларни яратиш, мавжудларини замон талаблари асосида такомиллаштириш ва унга қатъий риоя қилиш механизмларини жорий қилиш орқали унга қарши комплекс тарзда курашишни англатади.

Коррупцияга қарши кураш бугунги кунга хос мавзу эмас. Инсоният пайдо бўлиб, давлатчилик шакллана бошлабдики, бу иллатга қарши мунтазам курашиб келинади. Тарихий асарларда ўз даврида коррупцияга қарши қандай курашилгани у нималарда намоён бўлиши батафсил баён қилинган. Хусусан, Низомулмулкнинг “Сийёсатнома” асарида қозилар ва ҳокимлар порахўр бўлмасликлари учун уларнинг маошларини кўтариш кераклиги, чунки паст маош коррупцияга берилишига сабаб бўлиши таъкидланган. Агар, маошини кўтариб қўйганда ҳам порахўрлик қилсалар уларни лавозимидан келиб чиқиб, жазолаш кераклиги айtilган. Чунки, халққа хиёнат давлатга хиёнат дегани, фақат қозининг билими эмас балким, одоб-ахлоқи, маънавияти ҳам кучли бўлиши лозим”, дея таъкидланган.

Суд-тергов амалиёти инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш кафолатларини таъминлаш бўйича самарали механизмлар тўлиқ ишга солинмаганлиги, шунингдек жиноят содир этганликда ва шахсий дахлсизликка оид конституциявий ҳуқуқларини суд орқали ишончли таъминлаш чораларини кучайтириш зарурияти мавжудлигини кўрсатди.

“Ўзбекистон 2030” стратегиясида белгиланган устувор йўналишлардан келиб чиқиб, судлар фаолияти самарадорлигини ошириш ишни судга қадар юритишда тарафларнинг тенглиги ва тортишуви принципини амалда таъминлаш, шунингдек, тезкор-қидирув ҳамда тергов фаолиятида шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини самарали ҳимоялашга эришиш мақсадида инсонлар онгида уларнинг тақдирига енгил-елпи қарашнинг олдини олиш, оддий инсонлар онгидаги коррупция ҳолатларнинг бир тури деб ҳисобланмаслик лозим.

Бундан ташқари, Президентимиз Ш.М.Мирзиёев Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига кириш тантанали маросимига бағишланган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги маърузасида “Жамиятимизда коррупция, турли жиноятларни содир этиш ва бошқа ҳуқуқбузарлик ҳолатларига қарши курашиш, уларга йўл қўймаслик, жиноятга жазо, албатта, муқаррар экани тўғрисидаги қонун талабларини амалда таъминлаш бўйича қатъий чоралар кўришимиз зарур” деб таъкидлаган эди.

Шунга қўра, Республикада коррупцияга қарши курашишнинг ҳуқуқий механизми яратилгани ҳолда 2017 йил 3 январда Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонуни қабул қилинди ҳамда шундан сўнг бир қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда коррупциянинг олдини олиш ва бартараф этиш бўйича чора-тадбирлар белгиланди.

Шунингдек, коррупция ҳолатларининг олдини олиш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Президентининг манфаатлар тўқнашуви тўғрисидаги 2024 йил 5 июндаги № ЎРҚ-931-сонли қонуни қабул қилинди.

Унга қўра, **манфаатлар тўқнашуви** дейилганда, шахснинг шахсий (бевоқифа ёки билвосита) манфаатдорлиги унинг ўз лавозим ёки хизмат мажбуриятларини лозим даражада бажаришига таъсир кўрсатаётган ёхуд таъсир кўрсатиши мумкин бўлган ҳамда шахсий манфаатдорлик билан фуқароларнинг, ташкилотларнинг, жамиятнинг ёки давлатнинг ҳуқуқлари, қонуний манфаатлари ўртасида қарама-қаршилик юзага келаётган (мавжуд манфаатлар тўқнашуви) ёки юзага келиши мумкин бўлган (эҳтимолий манфаатлар тўқнашуви) вазият.

давлат органининг ёки бошқа ташкилотнинг ходими — давлат органларида ёки бошқа ташкилотларда меҳнат шартномаси (контракт) асо-

сида ёхуд сайлаб қўйиладиган ёки тайинланадиган лавозимларда меҳнат (хизмат) фаолиятини амалга ошираётган бошқарув ходими;

манфаатлар тўқнашуви тартибга солиш бўйича махсус бўлима — давлат органларининг ёки бошқа ташкилотларнинг коррупцияга қарши ички назорат бўлиналари (ва) ёки кадрлар бўлиналари;

шахсий манфаатдорлик — давлат органининг ёки бошқа ташкилотнинг ходими ёхуд у билан алоқадор шахслар ушбу ходим томонидан бевоқифа ёки билвосита қарор қабул қилиниши ёки ходимнинг ушбу жараёнда бошқача тарзда иштирок этиши натижасида олиши мумкин бўлган ҳар қандай наф ёки афзаллик;

яқин қариндошлар — ота-оналар, ака-укалар, опа-сингиллар, ўғиллар, қизлар, эр-хотинлар, шунингдек эр-хотинларнинг ота-оналари, ака-укалари, опа-сингиллари ва фарзандлари булар барчаси коррупция ҳолатларини вужудга келтирувчи белгилардир.

Ўзбекистоннинг янгиланган сиёсати жамиятида адолат ва қонун устуворлигини олий даражага кўтариш, замонавий, самарали давлат бошқарувини жорий этиш, давлат хизматчиларида коррупциявий ҳолатларнинг барча кўринишларига нисбатан, халқ манфаатларини сўзсиз таъминлаш каби юксак ғояларга таянмоқда.

Ушбу ислохотларнинг туб замирида Президентимиз томонидан илгари сурилган “Халқ давлат органларига эмас, балки давлат органлари халққа хизмат қилиши керак” деган тамойил мужассам.

Хориж давлатларида коррупция билан боғлиқ статистикага эътибор қиладиган бўлсак, 2024 йил 30 январь ҳолатига қўра, Венесуэла 11, Сурия 13, Жанубий Судан 13, Яман 16 ўринларни эгаллаб туришибди. Бу мамлакатларнинг барчаси узоқ давом этаётган инқирозларни, асосан қуролли моjarоларни бошидан кечирмоқда.

23 мамлакат, шу жумладан Буюк Британия 71, Исландия 72, Нидерландия 79, Швеция 82, каби бир қанча демократик давлатлар, шунингдек бир қатор давлатлар Эрон 24, Россия 26, Тожикистон 20 бу йил тарихий энг паст даражага етди.

Бу давлатларда коррупция ҳолатлари аниқлангач, ҳаракат ва оқибатлари муҳокама қилиниб, унга қўлланилган жазолар мунтазам равишда эълон қилиб борилади. ИИВ ҳар йили коррупция фактлари ва алоқадор шахсларни жазолаш чоралари тўғрисида парламентга ҳисобот беради.

Шунингдек, расмий ахлоқ қоидалари бузилиши учун жавобгар мансабдор шахсларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари тизими яратилган.

Коррупция ҳаракатлари учун асосий жазо сифатида давлат ташкилотларида ишлаш ҳуқуқидан ва барча ижтимоий имтиёزلардан маҳрум қилиш ва бошқа таъсир чоралари қўлланиб келинмоқда.

Саккизта давлат ўз рейтингини яхшилашга муваффақ бўлди. Ирландия 77, Жанубий Корея 63, Арманистон 47, Ветнам 41, Малдив ороллари 39, Молдова 42, Ангола 33, Ўзбекистон 33 ўринларни эгаллашди.

Хулоса сифатида айтиладиган бўлсак, мустақил, ошқора ва яхши ресурсларга эга суд ва ҳуқуқ-тартибот идоралари коррупцияга қарши курашда марказий ўрин тутди.

Зухра КАБУЛОВА,

Судьялар олий мактаби тингловчиси.

КАДАСТР ОРГАНЛАРИ УСТИДАН МАЪМУРИЙ СУДГА ШИКОЯТ ҚИЛИШНИНГ ЎЗИГА ХОСЛИКЛАРИ

Кадастр органларининг қарори — маъмурий ҳужжат сифатида индивидуал характерга эга бўлиб, кадастр органининг оммавий-ҳуқуқий муносабатларни юзага келтиришга, ўзгартиришга ёки тугатишга қаратилган ҳамда айрим жисмоний ва юридик шахслар учун ёхуд муайян хусусий белгиларига кўра ажратиладиган шахслар гуруҳи учун ҳуқуқий оқибатлар келтириб чиқарувчи таъсир чораси ҳисобланади.

Кадастр органлари мансабдор шахсларининг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) дейилганда кадастр органининг жисмоний ва юридик шахсларга нисбатан маъмурий-ҳуқуқий фаолият соҳасида амалга оширилган, маъмурий ёки процессуал ҳужжат бўлмаган, юридик аҳамиятга эга ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) англашилади.

Маъмурий органлар ва улар мансабдор шахсларининг ҳаракатлари дейилганда эса қарор шаклида ифодаланмаган бўлса ҳам, бироқ манфаатдор шахслар ҳуқуқлари ва эркинликларини бузилишига олиб келган ёки уларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини амалга оширилишига тўсқинлик қилган юридик аҳамиятга эга фармойишлар тушунилади.

Ҳаракатсизлик эса, маъмурий орган ёки унинг мансабдор шахси зиммасига норматив-ҳуқуқий ва бошқа ҳужжатлар (лавозим йўриқномалари, низоми, регламентлар, буйруқлар) билан юклатилган мажбуриятни бажармасликдир.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, манфаатдор шахс ўз ҳуқуқлари ва эркинликларини бузадиган қарор ва ҳаракат (ҳаракатсизлик) устидан шикоят билан юқори турувчи органга ёхуд бевосита судга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга.

Агар давлат ва ўзини ўзи бошқариш органлари ҳамда маъмурий-ҳуқуқий ваколат берилган бошқа органлар мансабдор шахсларининг ҳаракатлари натижасида юридик ва жисмоний шахсларга нисбатан ҳуқуқ ва мажбурият келтириб чиқарувчи ҳужжат қабул қилса, манфаатдор шахс мансабдор шахсларининг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги)ни қонунга хилоф деб топиш тўғрисидаги шикоят билан эмас, балки шундай ҳаракатлар натижасида қабул қилинган ҳужжатни ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисида ариза билан судга мурожаат қилиши лозим.

Бундай мурожаатлар ва уларга илова қилинган ҳужжатлар судга электрон тарзда ҳам юборилиши мумкин.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, ариза (шикоят) ҳокимият-давлат органлари, ўзини ўзи бошқариш органлари ҳамда маъмурий-ҳуқуқий ваколат берилган бошқа органлар мансабдор шахсларининг юридик оқибат келтириб чиқарувчи ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан мурожаат қилганда берилади.

Конституциянинг 55-моддасига асосан, ҳар ким ўз ҳуқуқ ва эркинликларини қонунда тақиқланмаган барча усуллар билан ҳимоя қилишга ҳақли. Ҳар кимга ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органлари ҳамда бошқа ташкилотларнинг, улар мансабдор шахсларининг қонунга хилоф қарорлари, ҳаракатлари ва ҳаракатсизлиги устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқи кафолатланади.

2018 йил 1 апрелдан Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекс қабул қилиниши билан кадастр органларининг қарорлари ва ҳаракат (ҳаракатсизлиги) юзасидан келиб чиқувчи низоларни судда кўришнинг процессуал тартиби алоҳида қонунчилик билан тартибга солинадиган бўлди.

Бунинг амалий аҳамияти маъмурий ишларни судлар томонидан кўриб чиқиш фуқаролик процессуал қонунчилигига асосланиб эмас, балки маъмурий ишларни юритишга доир алоҳида процессуал қонун

билан тартибга солиниши керак бўлса-да, аммо кадастр органларининг қарорлари ва ҳаракат (ҳаракатсизлиги) юзасидан келиб чиқувчи низоларни кўриш қоидалари олдинги қонунчилик билан деярли бир хил, яъни 2018 йил 1 апрелга қадар амалда бўлган Фуқаролик процессуал кодексига ҳам умумий асосларда эканлигини кўришимиз мумкин. Бу ўз навбатида ушбу тоифадаги ишларнинг алоҳида ўзига хос жиҳатларидан келиб чиқиб такомиллаштиришни талаб этади.

Миллий қонунчилигимизда кадастр органларининг маъмурий органга кириш кирмаслиги келтирилмаган. Тўғри, кадастр органи давлат органи эканлиги барчага маълум. Аммо, ҳар қандай давлат органи маъмурий орган ҳисобланавермайди.

Кадастр Агентлиги давлат аппаратининг бир қисми ҳисобланиб, давлат функциясини амалга оширувчи ер соҳасида давлат ҳокимият ваколатларига эга бўлган ташкилотдир.

Маъмурий органлар — маъмурий-ҳуқуқий фаолият соҳасида маъмурий бошқарув ваколати берилган органлар, шу жумладан давлат бошқаруви органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, шунингдек ушбу фаолиятни амалга оширишга ваколатли бўлган бошқа ташкилотлар ва махсус тузилган комиссиялардир. Ушбу таърифдан келиб чиқиб, кадастр органларини маъмурий орган деб ҳисоблашимиз мумкин, чунки унда маъмурий бошқарув ваколати (мисол учун, кадастр органларини ер участкаларини рўйхатдан ўтказиш) мавжуд. Шунингдек, кадастр органлари маъмурий орган сифатида маъмурий акт чиқариш ҳуқуқига ҳам эга ҳисобланади.

Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекснинг 4-моддасига мувофиқ ҳар қандай манфаатдор шахс ўзининг бузилган ёки низолаштирилган ҳуқуқларини ёхуд қонун билан кўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш учун маъмурий судга мурожаат қилиш ҳуқуқи кафолатланган. Қонунчиликда назарда тутилган ҳолларда, судга прокурор, давлат органлари ва бошқа шахслар мурожаат қилиши ҳам мумкин.

Кадастр органлари қарорларининг индивидуал шахсларга мажбурий хусусиятга эга бўлиши уларни норматив ҳужжат сифатида белгилашимизга асос бўлмайди. Негаки, "Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида"ги қонуннинг 3-моддасига асосан норматив-ҳуқуқий ҳужжат қонунчиликка мувофиқ қабул қилинган, умум-мажбурий давлат кўрсатмалари сифатида ҳуқуқий нормаларни белгилашга, ўзгартиришга ёки бекор қилишга қаратилган расмий ҳужжатдир.

Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекснинг 27-моддасида маъмурий судлар томонидан ҳал этиладиган ишлар рўйхати берилган бўлиб, унга кўра биринчи қисм бешинчи бандида давлат рўйхатидан ўтказишни рад этиш ёхуд белгиланган муддатда давлат рўйхатидан ўтказишдан бўйин товлаш устидан шикоят қилиш тўғрисидаги ишлар маъмурий судга тааллуқлидир.

Ахтам УМАРОВ,

Судьялар олий мактаби тингловчиси.

ХАР КИМНИНГ ШИКОЯТ ҚИЛИШ ХУҚУҚИ КАФОЛАТЛАНГАН

Жиноят ишлари бўйича қабул қилинган суд қарорларининг қонунийлиги, асослилиги ва адолатлилигини текширишни янада такомиллаштириш мақсадида 2023 йил 27 сентябрда “Суд қарорларининг қонунийлиги, асослилиги ва адолатлилигини текшириш институти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги ЎРҚ-869-сонли қонуни қабул қилинди.

Мазкур қонун билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексига қонуний кучга кирмаган суд қарорларини шикоят (протест) асосида апелляция тартибида, қонуний кучга кирган суд қарорларини кассация тартибида, апелляция ёки кассация тартибида кўрилган суд қарорларини тафтиш тартибида қайта кўришга, шунингдек қонуний кучга кирган суд қарорларини кассация тартибида кўриш бўйича ваколатларни вилоят судларига ва уларга тенглаштирилган судларга ўтказишга ҳамда юқори судлар томонидан суд қарорларини бекор қилиб, ишни янгидан кўриш учун қуйи инстанция судларига юбориш амалиётини тугатишга доир процессуал нормаларни назарда тутувчи ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди.

Ушбу қонун билан Ўзбекистон Республикаси жиноят процессуал қонунчилигида суд қарорларини қайта кўришнинг янги тартиби, яъни тафтиш инстанцияси жорий этилганлиги алоҳида аҳамиятга эга.

Хусусан, қонунчилигимизга тафтиш инстанцияси суди ишларини тафтиш шикояти (хусусий шикоят), протест (хусусий протести) бўйича ишнинг ҳақиқий ҳолатлари тўлиқ аниқланганлигини ва жиноят кодексининг нормалари тўғри қўлланилганлигини, иш юритишни амалга ошириш чоғида Жиноят процессуал кодексининг нормаларига риоя этилган-этилмаганлигини, биринчи инстанция, апелляция, кассация ва тегишли тафтиш инстанцияси суди ҳукмининг, ажримининг қонунийлиги, асослилиги ва адолатлилигини ишда мавжуд бўлган ҳамда тафтиш инстанцияси суди томонидан қўшимча равишда текширилган далиллар бўйича текширилиши белгиланган.

Олий суднинг жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатида эса жиноят ишлари бўйича туман ва шаҳар судларининг, ҳудудий ҳарбий судларнинг Қорақалпоғистон Республикаси суди, вилоятлар, Тошкент шаҳар судлари, Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий суди томонидан апелляция, кассация ёки тафтиш тартибида кўриб чиқилган ҳукмлари, ажримлари, шунингдек ушбу судлар томонидан туман ва шаҳар судлари, ҳудудий ҳарбий судлар томонидан кўрилган ишлар юзасидан апелляция, кассация ёки тафтиш тартибида чиқарилган ҳукмлари ва ажримлари тафтиш тартибида кўрилади.

Бундан ташқари, қонун нормаларининг бир хилда ва тўғри қўлланилишини таъминлаш мақсадида 2024 йил 25 июнда “Судлар томонидан жиноят ишларини тафтиш тартибида кўриб чиқишнинг айрим масалалари тўғрисида”ги Олий суд Пленумининг 18-сонли қарори қабул қилинди.

Олий суд Пленумининг “Судлар томонидан жиноят ишларини тафтиш тартибида кўриб чиқишнинг айрим масалалари тўғрисида”ги қароридан қонун нормаларини судларда қўллашда эътибор қаратилиши зарур бўлган муҳим тушунтиришлар ўрин олган. Ушбу тушунтиришларда тафтиш инстанцияси судида жиноят ишларини тафтиш тартибида

кўриш учун нафақат шикоят ва протест, балки хусусий шикоят ҳамда хусусий протест асос бўлиши мумкинлиги, тафтиш инстанциясига берилган ваколатларга кўра ишнинг ҳақиқий ҳолатлари тўлиқ аниқланганлиги ва Жиноят кодекси нормалари тўғри қўлланилганлиги, иш юритишни амалга ошириш чоғида Жиноят-процессуал кодекси нормаларига риоя этилган-этилмаганлиги қўшимча равишда текширилган далиллар бўйича текширилиши шартлиги алоҳида белгилаб қўйилган.

Сататистик маълумотларга кўра, 2024 йил мобайнида тафтиш тартибида 5 993 шахсга нисбатан 5 048 та жиноят иши кўриб чиқилган бўлиб, шундан 172 шахсга нисбатан қуйи инстанция судлари томонидан чиқарилган қарорлар бекор қилиниб, 700 шахсга нисбатан чиқарилган суд қарорлари ўзгартирилган.

Олий суднинг Жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати томонидан тафтиш тартибида 1 269 шахсга нисбатан 1 103 та жиноят иши кўриб чиқилган бўлса, 163 нафар шахсга нисбатан қуйи судлар томонидан чиқарилган қарорлар бекор қилиниб, 281 нафар шахсга нисбатан чиқарилган суд қарорлари ўзгартирилган.

Хорижий давлатларда жиноят ишлари бўйича суд қароридан юқори судларга тафтиш тартибида шикоят қилиш (апелляция ва кассация) тартиби давлатнинг ҳуқуқ тизимига қараб турлича бўлади.

Халқаро тажрибада асосий икки турдаги ҳуқуқ тизими мавжуд:

1. *Англо-саксон тизими* (масалан, АҚШ, Буюк Британия, Канада, Австралия);
2. *Континентал (романо-герман) тизими* (масалан, Германия, Франция, Россия).

Россияда жиноят ишлари бўйича суд қарорларидан шикоят қилиш апелляция, кассация ва назорат шикоятлари орқали амалга оширилади.

Бунда назорат шикояти Олий судга шикоят қилиш ҳуқуқига эга. Агар кассация ҳам адолатсиз деб ҳисобланса, Россия Федерацияси Олий суди (Верховный суд)га шикоят қилиш мумкин.

Бунда фақат муҳим процессуал ва конституциявий масалалар бўйича қаралади.

Хулоса қилиб айтидиган бўлсак, қонунчилигимизда жорий этилган ушбу тартиб суд ҳукми, ажримларининг қонунийлиги, асослилиги ва адолатлилиги қуйи судлар томонидан йўл қўйилган хато ва камчиликларни тузатиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий кафолатларини янада кучайтиришга, иш бўйича барча ҳолатлар суд томонидан ҳар томонлама ва тўлиқ текширилишига ҳамда халқимизнинг судларга бўлган ишончининг янада ошишига хизмат қилади.

Элдор ЭГАМБЕРДИЕВ,
Судьялар олий мактаби тингловчиси.

ДАВЛАТ ИЖРОЧИСИНИНГ ҚАРОРЛАРИ УСТИДАН ШИКОЯТ ҚИЛИШ МУДДАТЛАРИ

Давлат ижрочилари жисмоний ва юридик шахсларнинг бузилган ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг охирги босқичида туриб, уни ҳал этиш ваколатига эга бўладилар. Суд ва бошқа орган ҳужжатларининг паст даражадаги ижроси нафақат жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари бузилишига, балки, бошқа салбий оқибатларга олиб келади. Ижро иши юритишда суд ва бошқа органлар ҳужжатлари ижро этилиб, субъектларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинади.

1975 йилда ижро ишини ҳуқуқнинг алоҳида мустақил соҳаси деб эълон қилган россиялик процессуалист олим М.К.Юковнинг фикрича, суд ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш бу фуқаролик процессининг мантикий давоми (бир қисми, бўлаги) эмас. Шунингдек, ижро ҳуқуқи бу – ҳуқуқ соҳасида мустақил ҳуқуқ тармоғи бўлиб, ҳуқуқ тизими бу тармоқсиз тўғри ишлай олмайди. Ижро ҳуқуқи ижро иши юритиш давомида юзага келадиган ижтимоий муносабатларни тартибга солади ва давлатнинг мажбурлов кучи билан субъектив-моддий ҳуқуқ ёки қонун билан қўриқланадиган манфаатларни махсус норматив акт (ижро варақаси) орқали ҳимоя қилади. Олимнинг хулосасига кўра, бу ҳуқуқ соҳаси юридик бутунликка эга, яъни ўзининг предмети ва махсус ҳуқуқий тартибга солиш методига, хусусий тамойиллар ва умумий қоидаларга эга. Бизнинг фикримизча, ушбу ёндашув бошқаларига қараганда анча тўғри. Лекин, шунингдек олиш керакки, ижро иши юритишга процессуал ҳуқуқ соҳаларининг асоси сифатида қарашимиз керак. Замонавий ҳуқуқшунослик фанида аксарият ҳуқуқшунослар ижро иши юритиш фуқаролик ёки иқтисодий процессуал ҳуқуқнинг босқичи сифатида қарайдилар. Бундай қараш аъёнавий ёндашув ҳисобланади. Бошқа ҳуқуқшунос процессуалист олимларнинг таъкидлашича эса, ижро иши юритиш бу фуқаролик ёки иқтисодий процессуал ҳуқуқнинг босқичи эмас, балки ҳуқуқнинг мустақил соҳасидир.

Ушбу фикрлардан мажбурий ижро бюросининг бевосита маъмурий орган эканлигини англашимиз мумкин. Зеро, "Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида"ги қонуннинг 4-моддасида маъмурий органлар — маъмурий-ҳуқуқий фаолият соҳасида маъмурий бошқарув ваколати берилган давлат бошқаруви органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, шунингдек ушбу фаолиятни амалга оширишга ваколатли бўлган бошқа ташкилотлар ва махсус тузилган комиссиялар эканлиги белгиланган.

Маъмурий тартиб-таомил эса маъмурий органларнинг маъмурий-ҳуқуқий фаолиятини тартибга солувчи процессуал қоидалардир. Шунга кўра давлат ижрочисининг юридик аҳамиятга эга хатти-ҳаракатлари ёки қарорлари устидан шикоят қилиш тартиби "Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида"ги қонун асосида юқори турувчи органлар ёки "Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисида"ги кодексда белгиланган қоидалари билан ҳал қилиниши лозим.

Бунда Мажбурий ижро бюросининг давлат органлари ва ташкилотлари ва бошқа ташкилотлар билан ҳамкорлиги билан боғлиқ ҳаракат ва қарорлари (21-модда. Давлат ижрочисининг давлат органлари, кредит ташкилотлари ва бошқа ташкилотлар билан ҳамкорлиги) ўрганиш предметига кирмаслиги ва у муносабатлар бошқа қонун ҳужжатлари ("Банк сири тўғриси-

да"ги, "Шахсга доир маълумотлар тўғрисида"ги қонун ва ҳ.к) билан тартибга солинишига эътибор қаратилиши лозим.

Давлат ижрочисининг қонуний кучга кирган суд ҳужжати ижроси бўйича чора кўрмаганлиги ёки бошқа ғайриқонуний ҳаракатларни содир этганлиги судга бериладиган шикоятнинг объекти бўлиши мумкинлиги, Давлат ижрочисининг хатти-ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан шикоят қилиши кодексда назарда тутилган талабларга риоя қилинган ҳолда ариза (шикоят) бериш йўли билан амалга оширилади. Ушбу аризалар (шикоятлар) кодексда белгиланган тартибда, ушбу Кодекснинг 23-бобида назарда тутилган хусусиятлар инобатга олинган ҳолда маъмурий судлар томонидан кўриб чиқилиши белгиланган.

Қонунчиликда ушбу шикоятларга белгиланган муддатлар ўзига хос хусусият касб этиб, Кодексда давлат ижрочисининг қарори ёки хатти-ҳаракатлари устидан шикоят қилишда "Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида"ги муддатлар қўлланиши тўғридан-тўғри кўрсатиб ўтилган.

Бироқ, бу муддат жуда қисқа эканлигини ҳамда фуқаролар ва юридик шахсларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш механизмини такомиллаштириш мақсадида ушбу муддатни қайта кўриб чиқиш лозим.

Жумладан, қонуннинг 861-моддасида Давлат ижрочисининг қарори, ҳаракати (ҳаракатсизлиги) устидан шикоят қарор чиқарилганлиги тўғрисида хабар қилинган кундан ёки манфаатдор шахсга ўз ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари бузилганлиги ҳақида маълум бўлган пайтдан эътиборан ўн кунлик муддатда давлат ижрочиси жойлашган ердаги маъмурий судга ёхуд бўйсунув тартибида юқори турувчи органга, мансабдор шахсга берилади.

Аксарият маъмурий органларнинг қарорлари ва хатти-ҳаракатлари устидан шикоятлар қарор чиқарилганлиги тўғрисида хабар қилинган кундан ёки манфаатдор шахсга ўз ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари бузилганлиги ҳақида маълум бўлган пайтдан эътиборан, бир ойлик муддат белгиланган.

Ушбу қоидадан келиб чиқиб Қонуннинг 861-моддасидаги 10 кунлик муддатга юқори турувчи орган амал қилишини, маъмурий судга мурожаат қилиш муддатини эса Кодекс талабларидан келиб чиққан ҳолда белгилаш юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳуқуқлари ҳимоя қилинишини янада мустаҳкамлашга хизмат қилган бўлар эди.

Муҳаммадусмон АБДУВАЛИЕВ,
Судьялар олий мактаби тингловчиси.



ЭЛЕКТРОН ОНЛАЙН-АУКЦИОН САВДОЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА ЎТКАЗИШ ЖАРАЁНИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Электрон савдо майдончаларини жорий этиш коррупцион ҳолатларни камайтиришга хизмат қилса-да, амалиётда айрим қонунбузилишлар учрамоқда. Масалан, ер ажратишда аукцион ўтказмасдан қарор қабул қилиш ёхуд аукцион эълон қилмасдан тўғридан-тўғри шартномалар тузиш каби ҳаракатлар қонунга зид ҳисобланади. Бундай ҳолатлар учун тегишли жавобгарлик чораларини қўллаш амалиёти мавжуд.

Шу билан бирга, электрон аукционларни ўтказиш тартиб-қоидаларини бузиш ҳолатлари ҳам учрайди. Жумладан, баъзи ҳолларда аукцион эълонлари матнида ортиқча талаблар киритиб, айрим иштирокчиларни четлаб қўйишга уринишлар бўлган – бу эса юқорида таъкидланганидек қонунда қарши қўйилган хатти-ҳаракатдир. Яна бир кўриниш – аукцион савдоларида айрим иштирокчилар нархни сунъий ошириб, голиб бўлгач тўловни амалга оширмаслик мақсадида савдони бекор қилишга уринган. Илгари бундай ҳолатлар сабаб аукционлар такроран ўтказилиб, вақт ва ресурслар йўқотилган.

Мавжуд муаммоларни бартараф этиш учун сўнгги йилларда қонунчиликка қатор ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди ҳамда амалий чоралар кўрилди. Биринчидан, электрон аукционларда қатнашувчи томонларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун қатъий қоидалар белгиланди. Хусусан, агар аукцион голиби ўз мажбуриятларини бажаришдан бўйин товласа (масалан, савдо якунида тўловни амалга оширмаса), бундай иштирокчи “ноҳолис” сифатида бир йил муддатга барча аукционлардан четлаштирилади, такроран шу хатти-ҳаракатни содир этса, муддат чекловисиз (доимий) четлатилади². Бу тартиб ноқонуний савдолашув ва савдони атайлаб издан чиқариш ҳолатларини жиловлашга хизмат қилмоқда.

Иккинчидан, аукцион савдолари голиби томонидан тўлов қилиниши ва мулкнинг қабул қилиб олинишини кафолатлаш мақсадида махсус ҳисобварақлар тизими жорий этилди. 2021 йил 1 октябрдан бошлаб аукцион натижасида тўланадиган маблағлар алоҳида ҳисобда тўпланиб, фақат голиб лотни қабул қилиб олганини тасдиқлагандан сўнг сотувчига ўтказилиши йўлга қўйилди.

Учинчидан, электрон аукцион операторига нисбатан иштирокчиларга тенг шароит яратиш мажбурияти юклатилган, яъни оператор савдо давомида ҳеч бир иштирокчига нисбатан маълумотларни ошкор қилиш ёки бошқа тарзда имтиёз бериш ҳуқуқига эга эмас. Аукцион жараёни тўлиқ онлайн тарзда ва ҳар бир иштирокчига махфий идентификация рақами берилган ҳолда ўтказилиши ҳам коррупция хавфини камайтиради.

Тўртинчидан, аукционларда рақобат муҳитини таъминлаш учун лотлар бўйича барча маълумотлар эълон қилиниб, камида икки иштирокчи қатнашиши тақозо этилади.

Бешинчидан, аукцион якунлари бўйича тузилган олди-сотиш шартномаларини расмийлаштириш жараёни ҳам электрон кўринишда тезкор амалга оширилмоқда. Масалан, давлат мулкни хусусийлаштириш аукционига голиб билан шартнома электрон имзоланиб, барча мажбуриятлар бажарилгач, харидорга электрон тартибда мулк ҳуқуқи ордери берилади. Бу эса ортиқча бюрократик кечиктиришларнинг олдини олиб, битим натижасини қонуний кучга киритади.

Ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда прокуратура ҳузурида тузилган махсус кенгашлар доимий равишда электрон савдолар соҳасидаги қонунбузилишларни мониторинг қилиб

бормоқда. Шунингдек, Коррупцияга қарши курашиш агентлиги ва Давлат активларини бошқариш агентлиги томонидан “E-auksion” платформасидаги савдо натижалари таҳлил қилиниб, шубҳали ҳолатлар аниқланганда унга чора кўрилмоқда. “Электрон онлайн аукционларни ташкил этиш” АЖ тизимида ҳам ички мувофиқлик назорати йўлга қўйилиб, монополияга қарши талаблар бузилмаслигини таъминлаш, манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш каби чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Аҳоли ва тадбиркорларнинг электрон аукционларга ишончини ошириш мақсадида савдо натижалари интернетда эълон қилиниб, ҳар бир лот бўйича якуний нарх ва голиб ҳақида маълумотлар очиқланмоқда. Натижада сўнгги йилларда электрон аукционларда иштирокчилар сони кескин ошди (масалан, 2017 йили атиги 5,6 минг киши рўйхатдан ўтган бўлса, 2021 йилга келиб бу кўрсаткич 130 мингдан ортиқни ташкил этган), бу эса савдоларнинг рақобатли ўтишига замин яратади.

Хулоса сифатида электрон аукцион савдоларини янада такомиллаштириш ва уларда ҳуқуқбузарликларнинг мутлақо олдини олиш мақсадида қуйидаги таклифларни билдирамиз:

- 1) электрон аукционлар жараёнини барча босқичларда тўлиқ рақамлаштириш ва инсон омилини максимал даражада чеклаш (масалан, ер участкаларини аукционга чиқаришдан аввал хулосалар бериш босқичини ҳам тўлиқ электронлаштириш);
 - 2) аукционларда келишиш ва тил бириктиришга қарши самарали назорат механизмларини ишлаб чиқиш (жумладан, аукцион савдоларини онлайн кузатиш ва таҳлил қилиш орқали фэйриоддий тенденцияларни аниқлаш);
 - 3) “E-auksion” платформасининг киберхавфсизлигини доимий равишда синовдан ўтказиб, ахборотлар бузилмаслигини кафолатлаш;
 - 4) электрон аукционлар соҳасида қонун бузган мансабдор шахсларга нисбатан жавобгарликни кучайтириш (масалан, маъмурий жарималарни ошириш ёки айрим ҳолатларда жиноий жавобгарликни қўллаш);
 - 5) аҳолининг хабардорлигини ошириш ва иштирокчилар учун қўшимча қулайликлар яратиш орқали электрон аукционларда кенг жамоатчилик назоратини таъминлаш.
- Юқоридаги чора-тадбирларни амалга оширилиши электрон онлайн-аукцион савдоларининг янада шаффоф ва адолатли бўлишига, қонунбузилиш ҳолатларининг олдини олишга хизмат қилади.

Авазжон САТТОРОВ,

Судьялар олий мактаби тинловчиси.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Электрон онлайн-аукционни ўтказиш тартибини соддалаштириш, унинг шаффофлигини ошириш ҳамда иштирокчилар ҳуқуқларининг ишончли ҳимоясини кафолатлаш чора-тадбирлари тўғрисида” Қарори. <https://lex.uz/docs/-5525718>
2. <https://kun.uz/news/2020/06/09/yer-uchastkalarini-olish-uchun-xulosa-berishda-23-mingdan-ortiq-qonun-buzilishi-holatlari-aniqlangan-dxa>

БОЛА ҲУҚУҚЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ БЎЙИЧА ХОРИЖИЙ ДАВЛАТЛАР ТАЖРИБАСИ

Озарбайжон Республикасининг “Бола ҳуқуқлари ҳақида”ги қонунининг 3-моддасига кўра, болаларга оид давлат сиёсати ҳар бир боланинг муносиб моддий-маиший шароитларда ўсиб-ўлғайишини таъминлашга, илғор талаблар асосида таълим олишини ва боланинг муносиб фуқаро бўлиб етишишини таъминлашга қаратилган.

Шунингдек, Озарбайжон Республикаси ФПКнинг 10-моддасида ҳам мамлакатимиз фуқаролик процессуал қонунчилигидан фарқли равишда ёпиқ суд мажлисида кўриладиган ишларнинг рўйхати батафсил баён этилганлигини кўриш мумкин. Ушбу моддага мувофиқ давлат, хизмат ва тижорат сирлари, шахсий ҳамда оилавий сирларни ошкор қилмаслик ва вояга етмаган шахслар манфаатига зид келган ишлар ёпиқ суд мажлисида кўрилади. Шунингдек, агар ишнинг очик суд мажлисида кўрилиши этика, жамоат тартиби ва давлат хавфсизлиги нуқтаи назардан одил судлов манфаатларига зид бўлса, у ҳолда суд мажлиси тўлиқ ёки унинг бир қисми ёпиқ тарзда кўрилади.

Францияда ота-оналар автоматик равишда биргаликда васийлик ҳуқуқини олишади (ауторитё парентале сонжоинте). Бу шуни англатадики, иккала ота-она ҳам фарзандларига нисбатан бир хил ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлиб, болаларга тааллуқли муҳим қарорлар ўзаро келишув асосида қабул қилиниши керак. Жуда камдан-кам ҳолларда, судья ота-оналардан бирини васийликдан маҳрум қилиш тўғрисида қарор қабул қилиши мумкин. Ушбу амалиёт бола ҳуқуқларини таъминлашда ҳам отага, ҳам онага бир хил ҳуқуқ бериш орқали ҳар томонлама қўллаб-қувватлашни назарда тутган.

Қозоғистон Республикасида 53 та моддадан иборат бўлган “Қозоғистон Республикасида Бола ҳуқуқлари тўғрисида”ги қонун мавжуд бўлиб, унда болаларнинг деярли барча ҳуқуқлари ва давлат органларининг ушбу соҳадаги ваколат ва вазифалари батафсил белгиланган. Мазкур қонуннинг 6-моддасида Қозоғистон Республикасининг болалар манфаатларига доир давлат сиёсатининг мақсадлари белгиланган бўлиб, унда қуйидагилар акс этган:

- 1) болаларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш, уларни камситишнинг олдини олиш;
- 2) болалар ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларининг асосий кафолатларини мустаҳкамлаш, шунингдек, ҳуқуқбузарлик ҳолатларида уларнинг ҳуқуқларини тиклаш;
- 3) бола ҳуқуқларини кафолатлашнинг ҳуқуқий асосларини шакллантириш, боланинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш учун тегишли органлар ва ташкилотларни яратиш;
- 4) болаларнинг жисмоний, интеллектуал, маънавий ва ахлоқий ривожланишига кўмаклашиш, уларда ватанпарварлик, фуқаролик ва тинчликсеварликни сингдириш, шунингдек, боланинг шахсини жамият манфаатларига, давлат халқларининг аъналарига, эришган ютуқларига мувофиқ амалга ошириш; миллий ва жаҳон маданияти;

5) вояга етмаганларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини ривожлантириш бўйича мақсадли ишларни таъминлаш.

Болалар манфаатларини кўзда тутувчи давлат сиёсати давлат органлари фаолиятининг устувор йўналиши ҳисобланади ва қуйидагиларга асосланади:

- 1) бола ҳуқуқларини қонун билан таъминлаш;

2) болаларнинг ҳар томонлама тарбияланишини таъминлаш, уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, уларни жамиятда тўлақонли ҳаётга тайёрлаш мақсадида оилани давлат томонидан қўллаб-қувватлаш;

3) минтақавий хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда болалар ҳаётини яхшилашга қаратилган давлат минимал ижтимоий стандартларини белгилаш ва уларга риоя қилиш;

4) мансабдор шахслар ва фуқароларнинг бола ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини бузганлик, унга зарар етказганлик учун жавобгарлиги;

5) боланинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш функцияларини бажарадиган жамоат бирлашмалари ва бошқа ташкилотларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш.

Қирғизистон Республикасида болаларни ҳимоя қилиш тизими давлат органлари, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари, ижтимоий хизматлар кўрсатувчи муассасалар, шунингдек, оғир ҳаёт шароитида болаларни ҳимоя қилишга қаратилган чора-тадбирлар мажмуидан иборат. Меҳнат, ижтимоий таъминот ва миграция вазирлиги болаларни ҳимоя қилиш бўйича ваколатли орган бўлиб, биргаликдаги саъй-ҳаракатларни мувофиқлаштиради.

Ўтган йил охиридан бошлаб вазирлик ташаббуси билан республикада илк бор оилавий зўравонликдан ҳимоя қилиш бўйича маҳаллий қўмиталар ташкил этилди. Улар орасида маҳаллий ҳокимият вакиллари, маҳаллий ҳамжамият вакиллари ва фуқаролик жамияти вакиллари бор. Қўмиталарнинг вазифаси оиладаги зўравонлик ва аёллар, болалар, кексалар ва ногирон фуқаролар ҳуқуқлари бузилишининг биргаликда олдини олишдан иборат.

Бундан ташқари, Қирғизистонда 697 нафар вояга етмаганлар ишлари бўйича инспектор фаолият юритиб, уларнинг вазифалари болаларга нисбатан зўравонликнинг олдини олиш ва зўравонликдан жабр кўрган болаларга ёрдам беришдан иборат. Ушбу амалиёт бола ҳуқуқлари бузилишининг олдини олишга, уларни давлат ҳимоясига олган ҳолда бузилган ҳуқуқларини тиклашга хизмат қилади.

Хорижий мамлакатларнинг тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, болаларни ҳимоя қилиш бўйича давлат сиёсати аниқ стратегия ва қонунлар асосида амалга оширилганда, ижобий натижаларга эришиш мумкин. Жумладан, Франция, Қозоғистон, Қирғизистон ва бошқа давлатлар ўз миллий қонунчилигини такомиллаштириш, болаларнинг ҳуқуқларини таъминлаш ва уларни зўравонликдан ҳимоя қилиш бўйича самарали чора-тадбирларни жорий этмоқда. Шу боисдан, бола ҳуқуқларини ҳимоя қилишда халқаро тажрибани иноватта олиш билан бирга, миллий аъналар ва менталитетни ҳисобга олган ҳолда ҳуқуқий база ва ташкилотлар фаолиятини ривожлантириш муҳим аҳамиятга эга. Фақат шу йўл орқали болалар учун хавфсиз, соғлом ва фаровон муҳит яратиш мумкин.

Жасурбек ТУРОПОВ,

Судьялар олий мактаби тингловчиси.



ИҚТИСОДИЁТНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ШАРТНОМАЛАРНИНГ ЎРНИ ВА АҲАМИЯТИ

Фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлар бўйича назариячи олимлар ҳар хил мезонларга биноан шартномаларнинг бир қанча турларини таснифлаган. Жумладан, олимлар товарлар олди-сотди шартномалари (маҳсулот етказиб бериш шартномаси, чакана савдо, улгуржи савдо), иш ва хизматлар кўрсатиш шартномалари (пудрат, транспорт хизматлари, юридик хизматлар), ижара шартномалари (кўчмас мулк ижараси, транспорт воситалари ижараси), молиявий шартномалар (кредит, қарз, лизинг), сувурта шартномалари, ҳадя (совға қилиш) шартномалари, интеллектуал мулк объектларига оид шартномалар (муаллифлик ҳуқуқлари, патентлар, лицензия шартномалари), шериклик ва ҳамкорлик шартномалари (қўшма корхона тузиш, консессия), ишлаб чиқариш ва кооперация шартномалари (франчайзинг, дистрибуторлик) каби турларга бўлишган.

Албатта иқтисодий ривожлантиришда юқоридаги шартномалардан ташқари давлат томонидан яратиб берилган солиқ, божхона, инвестицион ва бошқа соҳаларни ривожлантиришга оид қонунчилик асослари муҳим ўрин тутати.

Иқтисодий муносабатлар фуқаролик қонунчилигида белгилангандек, мулкчиликнинг турли шакллари, шу жумладан, хусусий мулк шакли негизига қурилган бўлиб, товар-пул муносабатлари тизимида бошқарувнинг демократик усуллари қўлланиладиган жамиятда шартнома ўз табиати, мазмуни ва кўзлаган мақсадига кўра унинг тенг ҳуқуқли иштирокчилари ўртасида қиймат, эквивалентлилик ва ҳақ эвазига амалга оширишга доир муносабатларнинг юридик тартибга солиш воситаси сифатида хизмат қилади.

Шартнома эркинлиги тамойилининг мазмуни ФКнинг 354-моддасида мустаҳкамлаб қўйилган. Унга кўра, фуқаролар ва юридик шахслар шартнома тузишда эркиндилар. Ҳеч ким тарафларни шартнома тузишга мажбур қила олмайди. Шу сабабли шартнома юридик шахсларнинг ўз хоҳишига кўра, ўз эрки иродаси билан тузилади.

Шартномаларнинг иқтисодийта таъсирини ўрганиш меҳнат бозоридаги ўзгаришларни ва янги иш ўринларини таҳлил қилиш имконини беради. Шартномалар ҳуқуқий тизимнинг муҳим қисми бўлиб, улар ижтимоий ва иқтисодий алоқаларни янада ишончли қилишга ёрдам беради. Ҳуқуқий аниқ шартнома тизими мавжуд бўлса, бу бизнесда хавф-хатарларга қарши курашиш имконини беради ва иқтисодий фаолиятни тартибга солади.

Шартномалар тарафлар ўртасида ҳуқуқий мажбуриятларни аниқ белгилайди, бу эса иқтисодий фаолиятни ишончли ва тартибли қилади, иқтисодий жараёнларни соддалаштиради, чунки улар амалга ошириладиган фаолиятни аниқ белгилайди. Бу, ўз навбатида, ресурсларни самарали тақсимлашга ёрдам беради ва бозорнинг тез ривожланишини таъминлайди.

Шунингдек, халқаро миқёсда шартномалар бизнес ва савдо алоқаларини ривожлантиради. Мамлакатнинг эса иқтисодий ривожланишида катта роль ўйнайди. Мисол учун, товарлар ва хизматлар алмашинуви, шунингдек, инвестиция ва технологияларни импорт қилишни осонлаштиради. У мамлакатлар ўртасида иқтисодий алоқалар ўрнатишда асосий ҳуқуқий восита бўлиб хизмат қилади.

Статистика агентлигининг маълумотларига кўра, 2024 йилда Қорақалпоғистон Республикаси — 681,6 млн, Андижон вилояти — 4,2 млрд, Бухоро вилояти — 1,3 млрд, Жиззах вилояти — 2 млрд, Қашқадарё вилояти — 1,1 млрд, Навоий вилояти — 1,6 млрд, Наманган вилояти — 1,3 млрд, Самарқанд вилояти — 3 млрд, Сурхондарё вилояти — 416,1

млн, Сирдарё вилояти — 675 млн, Тошкент вилояти — 5,9 млрд, Фарғона вилояти — 2,1 млрд, Хоразм вилояти — 857 млн ва Тошкент шаҳри — 25,3 млрд (барчаси АҚШ доллари) кесимида ташқи савдо айланмасини ташкил қилган.

Бугунги кунга келиб Ўзбекистон жаҳоннинг 198 мамлакати билан савдо алоқаларини амалга ошириб келмоқда. 2024 йилда савдо айланмасида юқори улушга эга бўлган ҳамкор давлатлар: Хитой — 12,5 млрд; Россия — 11,6 млрд; Қозоғистон — 4,3 млрд; Туркия — 2,9 млрд; Жанубий Корея — 2 млрд; Германия — 1,2 млрд; Туркменистон — 1,1 млрд; Афғонистон — 1,1 млрд; Франция — 1,1 млрд ва Ҳиндистон билан 980 млн АҚШ долларга етиб борган.

Президентимизнинг 2023 йил 10 ноябрдаги “Кичик ва ўрта бизнесни молиявий қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони билан Иқтисодиёт ва молия вазирлиги таъсисчилигида “Тадбиркорликни ривожлантириш компанияси” акциядорлик жамияти шаклида қайта ташкил қилинди.

Шу муносабат билан 2025 йил 1 февраль ҳолатига кўра, рўйхатдан ўтган оилавий корхоналар сони 69 646 тани ташкил қилди.

Улар иқтисодий фаолияти бўйича, яъни савдо соҳасида — 23 352 та, саноат соҳасида — 20 032 та, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар соҳасида — 11 810 та, қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги соҳасида — 7 061 та, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизмат кўрсатиш соҳасида — 821 та, ташиш ва сақлаш соҳасида — 621 та, қурилиш соҳасида — 618 та, ахборот ва алоқа соҳасида — 494 та ва бошқа соҳаларда — 4 837 тани ташкил қилган.

Бундан ташқари Статистика агентлиги маълумотларига кўра, 2025 йил 1 февраль ҳолатига биноан фаолият юритаётган чет эл инвестицияси иштирокидаги корхона ва ташкилотлар сони 15 163 тани ташкил этди.

Улардан энг юқори улушга эга бўлган Хитой — 3 467 та, Россия — 2 973 та, Туркия — 1 869 та, Қозоғистон — 1 060 та, Жанубий Корея — 660 та ҳамда АҚШ — 303 тани ташкил қилади.

Хулоса қилиб айтганда, шартномаларнинг аниқ ва ҳуқуқий асосда тузилиши хўжалик юритувчи субъектларни низолардан химоя қилади, хавф ва таваккалчиликларни камайтиради. Шу сабабли, иқтисодий муносабатларда иштирок этаётган барча томонлар учун шартномавий маданиятни ривожлантириш, ҳуқуқий саводхонликни ошириш ва амалдаги қонунчиликка асосланган тарзда фаолият юритиш долзарб аҳамиятга эга.

Бобир ХОЛМУРОДОВ,

Судьялар олий мактаби тингловчиси.

ЮРИДИК ШАХС ТУЗМАГАН ҲОЛДА ТАДБИРКОРЛИК БИЛАН ШУҒУЛЛАНУВЧИ СУБЪЕКТЛАРНИНГ ЎЗИГА ХОС ЖИҲАТЛАРИ

Юридик шахс ташкил этмасдан тадбиркорлик фаолияти билан шуғуланувчи субъектлар – бу жисмоний шахслар бўлиб, фойда олиш мақсадида давлат рўйхатидан ўтган ҳолда ўз номидан мустақил равишда тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишдир. Бундай субъектлар ўз мажбуриятлари бўйича шахсий мол-мулклари билан жавобгар бўлиб, уларнинг масъулиятлари белгиланган қонунчилик асосида чегараланган бўлади. Улар учун тадбиркорлик фаолиятининг бошланғич босқичида юридик шахс тузишга эҳтиёж бўлмаслиги, уларга бозор иқтисодиётида иш қилишда катта имкониятлар яратиш билан бирга, тадбиркорлик фаолиятини самарали йўлга қўйиш имконини беради.

Шу билан биргаликда юридик шахс тузмаган ҳолда тадбиркорлик фаолияти билан шуғуланувчи субъектларга якка тартибдаги тадбиркорлик, хунармандчилик, жисмоний шахсларнинг юридик шахс ташкил этмаган ҳолда биргаликдаги тадбиркорлик фаолиятига оилавий тадбиркорлик, оддий ширкат ва деҳқон хўжалиги фаолиятини келтириш мумкин.

Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги қонунини 6-моддаси биринчи қисмига кўра, “Якка тартибдаги тадбиркорлик жисмоний шахс (якка тартибдаги тадбиркор) томонидан тадбиркорлик фаолиятини юридик шахс ташкил этмаган ҳолда амалга оширишдир”.

Шундай экан, якка тартибдаги тадбиркорлик – юридик шахс ташкил этмаган ҳолда жисмоний шахс ёки жисмоний шахслар (якка тартибдаги тадбиркор) томонидан қонун ҳужжатларига зид бўлмаган ҳолда амалга оширадиган, таваккал қилиб ва ўз мулкий жавобгарлиги остида даромад (фойда) олишга қаратилган ташаббускор фаолиятини амалга оширишдир.

Якка тартибдаги тадбиркорнинг бошқа тадбиркорлик фаолияти субъектларидан фарқ қиладиган ўзига хос хусусиятлари аниқлаб оладиган бўлсак:

- якка тартибдаги тадбиркорни давлат рўйхатидан ўтказишнинг ўзига хос соддалаштирилган тартиби жорий этилган;
- у юридик шахс ташкил этмаган ҳолда фаолият кўрсатади;
- якка тартибдаги тадбиркорлик фаолияти субъектлари фақат жисмоний шахслар бўлиши мумкин;
- якка тартибдаги тадбиркор ўз мулки, эр-хотиннинг умумий мулки ёки деҳқон хўжалиги аъзолари умумий мулки асосида фаолият юритади;
- якка тартибдаги тадбиркор ўз фаолиятида умумий мулкдан фойдаланган тақдирда эрнинг ёки хотиннинг розилигини олиши ёки деҳқон хўжалиги аъзоларининг ўзаро келишуви бўлиши талаб этилади;
- якка тартибдаги тадбиркор ўз мажбуриятларини бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги учун фуқаро сифатида чегараланган мулкий жавобгарликка тортилади, яъни унинг минимал зарурий мулкни сақлаб қолиши ҳуқуқий кафолатланади.

Бундан ташқари, “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги қонуннинг 7-моддасини биринчи қисмига кўра, “Жисмоний шахслар юридик шахс ташкил этмаган ҳолда биргаликдаги тадбиркорлик фаолиятини оилавий тадбиркорлик, оддий ширкат ва деҳқон хўжалиги шаклларида амалга ошириши мумкин”. Бундан келиб чиқадики, Ўзбекистон қонунчилиги жисмоний шахсларга юридик шахс ташкил этмасдан туриб ҳам бир неча хил шаклларда тадбиркорлик фаолиятини олиб бориш имкониятини беради.

Келинг, шу ўринда мазкур тадбиркорлик субъектларининг ўзига хослигини кўриб чиқамиз. Оилавий тадбиркорликнинг қуйидаги ўзига хос хусусиятларини келтириш мумкин:

- фаолиятни оила аъзолари билан амалга ошириши ҳамда қонунда оила аъзоларининг доираси белгиланганлиги;
- иштирокчиларнинг фаолиятга кириши ва ундан чиқиши ихтиёрийлиги;

- фаолият оила аъзоларининг умумий мол-мулки асосида амалга оширилиши;

- фаолиятда оила аъзоларининг шахсий меҳнатига асосланиши;

- бошқарув тизими нисбатан соддалиги ва оила аъзолари ўртасидаги келишувга асосланганлиги;

- оилавий тадбиркорлик маҳаллий бозорларни ривожлантириш ва аҳоли бандлигини таъминлашда муҳим ўрин тутди.

Юридик шахс тузмаган ҳолда биргаликда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишнинг яна бир шакли деҳқон хўжалиги ҳисобланади.

Юридик шахс ташкил этмаган ҳолда тадбиркорлик фаолияти билан шуғуланувчи деҳқон хўжалигининг асосий хусусиятлари қуйидагилардан иборат:

- фаолият мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ёки ижара ҳуқуқи асосида берилган ер участкасида амалга оширилади.

- асосий мақсад қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш ва сотишдир.

- деҳқон хўжалиги аъзоларининг шахсий меҳнати фаолиятнинг асосий элементи ҳисобланади.

- одатда юридик шахс ташкил этмасдан фаолият юритади, лекин аъзоларнинг истагига кўра юридик шахс ташкил этиш ҳам мумкин.

- туман (шаҳар) ҳокимлигида ҳисобга қўйилади ёки давлат рўйхатидан ўтказилади.

- деҳқон хўжалиги бошлиғи хўжалик номидан иш юритади ва муҳим ваколатларга эга. Бошлиқ ўзгарган тақдирда ер участкасига бўлган ҳуқуқ ва реестрдаги маълумотлар қайта расмийлаштирилади.

Юридик шахс тузмасдан биргаликда тадбиркорлик фаолияти билан шуғуланувчи кейинги шакл оддий ширкат ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси 962-моддасининг биринчи қисмига кўра, “Оддий ширкат шартномаси (биргаликдаги фаолият тўғрисидаги шартнома) бўйича шериклар (иштирокчилар) деб аталувчи икки ёки ундан ортиқ шахс фойда олиш ёки қонунга зид бўлмаган бошқа мақсадга эришиш учун ўз ҳиссаларини қўйиш ва юридик шахс тузмасдан биргаликда иш қилиш мажбуриятини оладилар”.

Хулоса сифатида шуни келтириш мумкинки, юридик шахс тузмаган ҳолда тадбиркорлик фаолияти билан шуғуланувчи субъектлар мамлакатимизда тадбиркорликнинг муҳим қисми ҳисобланади. Улар рўйхатдан ўтишнинг соддалиги, бошқарув ва ҳисобот тизимининг енгиллиги ҳамда кўпинча соддалаштирилган солиқ режими каби афзалликларга эга. Уларнинг асосий ўзига хосликларидан бири ўз мажбуриятлари бўйича шахсий мол-мулклари билан жавобгар бўлишларидир. Шунингдек, улар юридик шахсга хос бўлган мураккаб таъсис ҳужжатларига эга эмаслар ва кўпинча ягона шахс томонидан бошқарилади. Бошқарув ва бухгалтерия ҳисоботи юритиш жараёнлари нисбатан содда бўлиб, асосий мақсад фойда олишга қаратилган.

Сардорбек ЖУМАНАЗАРОВ,

Судьялар олий мактаби тингловчиси.

СОЛИҚ МУНОСАБАТЛАРИДА ТОВАР ВА ХИЗМАТЛАРНИНГ БОЗОР ҚИЙМАТИНИ АНИҚЛАШ (халқаро ва хорижий тажрибалар мисолида)

Иқтисодиёт назариясида “бозор қиймати” — бу товар ёки хизматнинг мустақил, боғлиқ бўлмаган тарафлар ўртасида эркин ва мажбурийатсиз шарт-шароитларда белгиланадиган нархдир. Ушбу тушунча солиқ қонунчилигига татбиқ қилинганда, нарх шаклланишида эркинлик, ўзгармаслик ва иқтисодий асослилик муҳим мезонлар сифатида қаралади.

Солиқ кодексининг 248-моддасига кўра, агар ушбу моддада бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, солиқ базаси ушбу Кодекснинг 176-моддаси талабларини ҳисобга олган ҳолда, акциз солигини (акциз тўланадиган товарлар, хизматлар учун) ҳисобга олиб, унга солиқни киритмаган ҳолда, битим тарафлари томонидан қўлланилган нархдан (тарифдан) келиб чиққан ҳолда реализация қилинадиган товарларнинг (хизматларнинг) қиймати сифатида аниқланади¹.

Бундан ташқари, Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 14 августдаги 489-сонли қарори билан тасдиқланган қўшилган қиймат солиғи базасини товарларнинг (хизматларнинг) бозор қийматидан келиб чиқиб аниқлаш тартиби тўғрисидаги Низом қўшилган қиймат солиғи базасини товарларнинг (хизматларнинг) бозор қийматидан келиб чиқиб аниқлаш тартибини белгилайди.

Низомнинг 6-бандига асосан, ушбу Низомнинг 4-бандида назарда тутилган битимларни (операцияларни) амалга ошираётганда товарларнинг (хизматларнинг) бозор қиймати қуйидагиларни қўллаган ҳолда аниқланиши мумкин:

- ўзининг нархга доир маълумотлари (прайс-варақлар);
- ахборот-нарх агентликлари маълумотлари;
- оммавий ахборот воситаларидан олинган маълумотлар;
- биржа хабарлари;

Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси томонидан эълон қилинадиган ёки сўровга кўра тақдим этиладиган Ўзбекистон Республикаси ташқи савдосининг божхона статистикаси;

қонунчилик ҳужжатларида белгиланган ҳолларда нархларни белгилаш учун нормативларни ўрнатадиган ваколатли органларнинг маълумотлари.

Агар товарларнинг (хизматларнинг) бозор қиймати кўрсатиб ўтилган органларда турлича бўлса, солиқ солиш мақсадларида уларнинг ўртача қиймати инобатга олинади.

Низомнинг 7-бандига кўра, товарларнинг (хизматларнинг) бозор қийматини ушбу Низомнинг 6-бандида кўрсатилган тартибда аниқлаш имконияти бўлмаган тақдирда, бундай қиймат баҳоловчи ташкилотларнинг ҳулосалари асосида ёхуд харажатларни индексациялаш усулидан фойдаланган ҳолда аниқланади.

Айни вақтда халқаро амалиётда — OECD (Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти) томонидан ишлаб чиқилган Transfer Pricing Guidelines, БМТнинг UN Transfer Pricing Manual, IFRS 13 каби стандартлар орқали бозор қийматини аниқлашнинг илмий-назарий ва амалий асослари яратиб берилган. Ушбу ҳужжатлар асосида ҳар бир давлат ўз миллий қонунчилигида трансферт нархларга оид нормаларни жорий қилмоқда.

Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилоти (OECD) 1995 йилдан буён Transfer Pricing Guidelines for Multinational Enterprises and Tax Administrations деб номланган ҳужжатни ишлаб чиқиб, мунтазам янгिलाб келмоқда.

Мазкур ҳужжатнинг асосий принципи Arm's Length Principle (ўзаро ҳамкорлик) бўлиб, у боғлиқ томонлар ўртасидаги нарх шундай бўлиши керакки, у бозорда мустақил иштирок этувчи иккита томон ўртасида тузилган шартномага мос келишини аниқлатади.

Халқаро стандартларда бозор қийматини аниқлаш учун қуйидаги асосий усуллар тавсия этилади:

Солиштирма нарх усули (CUP method) – бир хил товарни бошқа мустақил битимлардаги нархи билан таққослаш;

Харажатлар плюс фойда усули (Cost Plus method) – ишлаб чиқариш харажатлари устига белгиланган фойдани қўшиш;

Транзакцион соф фойда усули (TNMM) – корхонанинг операцион фойдасини бозор нормаларига мос баҳолаш².

IFRS 13 – Fair Value Measurement стандартида “бозор қиймати” тушунчаси аниқ белгиланган. Унга кўра, “бозор қиймати – билимга эга, ихтиёрий ва мустақил томонлар ўртасида активни сотиш ёки мажбурийатни бажаришда тўланадиган нархдир.”

Ҳужжатнинг асосий принциплари рақобат шароитида эркин равишда нарх келишилиши керак. Шунингдек, ҳар қандай трансакция “турғун бозор” шароитида баҳолалиши лозим. Қиймат баҳоси уч даражада таснифланади (Level 1, 2, 3 – маълумот манбаларига қараб)³.

Мисол учун, қимматбаҳо металлларни бозордаги нархига қараб баҳолаш — Level 1 маълумотлар асосида амалга оширилади.

АҚШда трансферт нархлар бўйича назорат Ички даромад хизмати (IRS) томонидан амалга оширилади. Қонунчилик асоси – 26 U.S. Code § 482 бўлиб, у трансферт нархлар орқали даромадларни сунъий равишда бошқа юрисдикцияга кўчиришнинг олдини олишни кўзда тутди.

Мазкур ҳужжатнинг асосий хусусиятлари нархлар эркин бозор қийматида бўлиши керак (“arm's length principle”), шунингдек, Advance Pricing Agreements (APA) – трансферт нархлар бўйича аввалдан келишув имконлари мавжуд⁴.

Мисол учун, Amazon компаниясига 2017 йилда IRS томонидан Европа филиали билан тузилган битимда бозордан паст нарх ишлатилганлиги сабабли 1.5 миллиард доллар солиқ қўшимча ҳисобланган.

Германияда товарлар (хизматлар)нинг бозор қийматини аниқлашнинг асосий хусусиятларга эътибор қаратадиган бўлсак, у ерда OECD стандартлари тўлиқ жорий қилинган. Шунингдек, ҳар бир операцияда қатнашаётган томонларнинг роллари таҳлил қилинади (“Function and Risk Analysis”). Германия солиқчилари “Comparable Uncontrolled Price” (Таққосланадиган назоратсиз нарх) усулини асосий деб биладилар.

Масалан, Siemens компанияси 2020 йилда трансферт нархлар бўйича тузилган ички хизматлар шартномаларида рискларни нотўғри тақсимлаганлиги учун 200 миллион евро қайта ҳисобланган.

Юқоридагиларни инобатга олиб, мамлакатимизда солиқ базасини шакллантиришда товар ва хизматларнинг бозор баҳосини аниқлаш учун қуйидагилар тақлиф қилинади:

1. Ўзбекистон қонунчилигини халқаро стандартларга мослаштириш мақсадида OECD ва IFRS стандартларига тўлиқ мослашиши лозим.

2. Солиқ органлари ва бошқа ваколатли органлар томонидан Ўзбекистонда трансферт нархлар ва бозор қийматини аниқлаш учун ягона маълумотлар базасини яратиш лозим. Бу маълумотлар базаси:

- бозорлардаги нархлар;
- корхоналарнинг ташқи иқтисодий фаолиятлари;
- товарлар ва хизматларнинг арзонлашиши ва нархнинг ўзгаришини қамраб олиши керак.

Абдукаххор МУХАМЕДБАЕВ,

Судьялар олий мактаби тинловчиси.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси (янги тахрирда). 2019 й. // <http://www.lex.uz>
2. OECD Transfer Pricing Guidelines, 2022 edition <https://www.oecd.org/tax/transfer-pricing/oecd-transfer-pricing-guidelines.htm>
3. IFRS 13, <https://www.ifrs.org>
4. IRS Transfer Pricing Audit Roadmap (<https://www.irs.gov/pub/irs-utl/transfer-pricing-audit-roadmap.pdf>)

ЖИНОЯТ ИШЛАРИНИ ЮРИТИШДАГИ ПРОЦЕССУАЛ ЧИҚИМЛАРНИ ҚОПЛАШ МЕХАНИЗМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Жиноятга оид одил судловни процессуал чиқимларсиз тасаввур этиб бўлмайди. Боиси мазкур институт жиноят ишларини юритишнинг барча босқичларидаги процессуал ҳаракатларни амалга оширишни ташкилий-моддий жиҳатдан таъминлайди, иштирокчиларнинг мулкӣ манфаатларини ҳимоялайди, жиноят процессининг молиявий воситаси бўлиб хизмат қилади. Республикамиз суд-ҳуқуқ тизимидаги ислохотларда жиноят процесси иштирокчиларининг ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини кафолатлашга эътибор қаратилаётган бўлса-да, ҳуқуқни қўллаш амалиёти жиноят ишларининг 80 фоизида процессуал харажатлар тўланмай қолаётганини кўрсатмоқда.

Судлар томонидан ушбу харажатларни ундириш амалиёти етарлича ишламаяпти. Шу боис, иштирокчиларнинг йўл ҳақи, турар жой ижараси ва бошқа харажатларини тўлаш орқали жиноятларни тез ва тўлиқ очиш, иштирокчилар ҳамда давлатнинг мулкӣ манфаатларини муҳофаза қилиш жиноят процессининг долзарб масалаларидан бири бўлиб қолмоқда.

Процессуал чиқимлар институтининг қонуний тартибга солинишига доир масалалар маҳаллий ва хорижлик олимлар томонидан умумий тарзда тадқиқ этилган. Бироқ тадқиқот мавзусини илмий асосда чуқур ўрганиш асосланган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш долзарблигича қолаётир. Процессуал чиқимларни қоплашнинг юридик моҳияти, ҳуқуқий чегаралари ҳамда уни тўлаш механизмига ҳанузгача ойдинлик киритилмаган. Бу эса, жиноят-процессуал қонун ҳужжатларининг ва-зифаларини самарали амалга оширишга салбий таъсир кўрсатмоқда. Масалан, 2021–2024 йиллар давомида тергов қилинган 132 та жиноят иши материалларининг қарийб 1/3 қисмида процессуал харажатларни қоплаш зарурати мавжудлиги кузатилди. Мисол учун, 2019 йил 2 октябрда ИИБ Тергов департаменти томонидан кўзғатилган ҳамда Kom Hippolyte Aristide Biakor Patrick, Tague Siandeu Fabien, Tomi Tchampi Rodrigue Wilfred ва John Fru Nduma Fombe сингари хорижий давлат (Камерун) фуқароларини Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси тўртинчи қисми «а» банди ҳамда 176-моддаси учинчи қисми «а» банди билан айблашга оид 20/19-3059-сон жиноят ишида француз тили бўйича оғзаки ва ёзма таржимани амалга оширган мутахассислар билан ўзаро шартнома асосида тўланиши лозим бўлган хизмат ҳақи ва жиноят ишини юритишдаги бошқа харажатларнинг тўланганига оид маълумот йўқ.

Бошқача айтганда, суд-тергов амалиётида давлат ҳисобидан ҳимоячини таъминлаш билан боғлиқ харажатдан бошқаси тўланмаяпти. Жумладан, 2022–2023 йилларда жиноят ишлари бўйича давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатиш учун давлат бюджетидан 55 миллиард сўм ажратилган¹. Процессуал харажатларни тўлаш учун сарфланган маблағлар ҳақида бундан бошқа маълумотлар кўзга ташланмайди. Шунингдек, 2015–2018 йиллар давомида 1 457 нафар қидирувдаги шахсни Республикага экстрадиция қилиш учун давлат бюджетидан 30 миллиард сўм сарфланган. Бироқ ўрганилган жиноят иши ҳужжатларидаги айблов хулосаси ёки далолатномасига процессуал харажатлар ҳақидаги маълумотлар илова қилинмаган ва табиийки, судлар томонидан уларни ундириш масаласи ҳам ҳал этилмаган.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 40 бобида процессуал чиқимлар мустақил институт сифатида тартибга солинган. Бундан ташқари, ушбу кодекснинг 75-моддасида жабрланувчилар ва уларнинг вакиллари, гувоҳлар, экспертлар, мутахассислар, таржимонлар ва ҳолисларга уларнинг сарф-харажатларини тўлаш мажбурияти эътироф этилган. Бундан ташқари, ЖКнинг 212, 288, 304, 380, 38112, 457, 471, 572-моддаларида процессуал харажатлар институти билан боғлиқ масалалар баён қилинган. Умуман олганда, Жиноят-процессуал кодексидagi деярли барча институтларнинг амал қилиш жараёнида процессуал харажатлар билан боғлиқ муносабатларга дуч келинади.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 318–320-моддаларида бевосита процессуал чиқимлар институти тартибга солинган. Улардан 318-модда – процессуал чиқимларнинг турлари ва уларни тўлаш манбаига, 319-модда – айрим иштирокчиларнинг жиноят процессига жалб қилиниши билан боғлиқ буткул вақт учун уларнинг иш жойида ўртача иш ҳақи сақланишига, 320-модда эса асосан ишни судда кўриб чиқиш вақтида жиноят ишини юритиш билан боғлиқ сарфланган процессуал чиқимларни ундириш ёки уни муайян ҳуқуқ субъектининг зиммасига юклаш билан боғлиқ масалаларга бағишланган.

Таъкидлаш жоизки, шу вақтга қадар норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда ёки юридик адабиётларда “процессуал харажатлар” тушунчасининг мазмуни муфассал ёритилмаган. Жумладан, ЖКнинг 318-моддаси биринчи қисмини шакллантиришда ҳам қонун чиқарувчи “процессуал чиқимлар” сўзидан кейин икки нукта қўйиб, уларнинг турларини санаб ўтиш билан қифояланган. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил 28 октябрдаги “Жабранувчилар, гувоҳлар, экспертлар, мутахассислар, таржимонлар ва ҳолисларга тўланиши лозим бўлган маблағларни ҳисоблаш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги қарорида ҳам ушбу тушунчага таъриф берилмаган.

Мазкур масалада қилинган илмий хулосаларга ҳамда Россия, Молдова ва Қирғизистон жиноят-процессуал қонунчилиги тажрибасига таяниб, шунингдек зарур ҳолларда норматив-ҳуқуқий ҳужжатда тушунчаларнинг қисқача таърифи берилиши мумкинлиги қондасига асосланиб, ЖКнинг 318-моддасини “процессуал харажатлар” тушунчасига таъриф берилувчи янги қисм билан тўлдириб, қуйидаги тахрирда баён этиш таклиф қилинади.

“318-модда. Процессуал харажатлар.

Процессуал харажатлар – жиноят ишини юритиш билан боғлиқ бўлган ҳамда давлат бюджети, айрим ҳолларда процесс иштирокчилари ҳисобидан қопланадиган харажатлар”

Мазкур таклифнинг амалда жорий этилиши процессуал харажатларни қонун ҳужжатларида қабул қилинган маъносига мувофиқ ягона тарзда талқин этиш ва амалда қўллаш учун замин яратadi.

Бир сўз билан айтганда, суд-тергов амалиётида процессуал харажатларни тўлаш механизми амалда деярли ишламаслиги жиноят ишини юритишга масъул бўлган давлат органлари ва мансабдор шахслар фаолиятида коррупцияни келтириб чиқарувчи омиллардан бири ҳисобланади. Шу боис процессуал харажатларни тўлаш тартибининг аниқ ва бир маромда ишлаши жиноят ишини юритиш фаолиятида коррупциявий омилларнинг олдини олиш ҳамда унинг шаффофлигини таъминлашга хизмат қилади.

Муродали ЖўРАЕВ,

Судьялар олий мактаби тингловчиси.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. O'zbekiston Respublikasi Advokatlar palatasining 29.02.2023 yildagi 04-08-473/280-son aloqa xati.
2. “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида // Ўзбекистон Республикаси қонуни (24.12.2012) йилдаги УПК-342-сон. <https://lex.uz/docs/2105724> (15.11.2019 йилда мурожаат қилинган).

МАЪМУРИЙ СУДЛАР АЖРИМЛАРИ УСТИДАН ШИКОЯТ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

Маъмурий судлар иш юритиш давомида турли ҳужжатлар қабул қилади. Ажрим суднинг алоҳида ҳужжати бўлиб, суднинг ҳал қилув қароридан фарқ қилади. Агар суднинг якуний қарори маълум бир низони ҳал қилишга қаратилган бўлса, ажримлар суд жараёнидаги процессуал масалаларни ҳал қилиш учун чиқарилади. Ишни мазмунан ҳал этмайдиган суд ҳужжатлари ажримлар ҳисобланади.

